

Муҳаммаджон ОБИДОВ

**ЖУРНАЛИСТ СУРИШТИРУВИ:
ТАЖРИБА ВА ТАҲЛИЛ**

АМАЛИЙ ҚҮЛЛАНМА

«Фарғона» нашриёти,
2018 йил

УЎК: 070
КБК: 76.01
O-14

Масъул муҳаррир:

Абдусаид Кўчимов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Такризчилар:

А.Нурматов, филология фанлари номзоди, доцент;
А.Каримов, филология фанлари номзоди, доцент.

ОБИДОВ, Муҳаммаджон

О-14 ЖУРНАЛИСТ СУРИШТИРУВИ: ТАЖРИБА ВА ТАҲЛИЛ: амалий кўлланма; услубий нашр; кирил ёзувида; М.Обидов. – Фаргона: «Фаргона» нашриёти, 2018. – 96 бет.

Ушбу рисолада амалий журналистиканинг долзарб масалаларидан бири – ОАВда журналист суриштируви жанрининг кўлланиши мавзуси ёритилган. Муаллиф узоқ йиллик ҳаётий тажрибаси асосида, реал воеалар, тарихий жараёнлар, аниқ шахслар мисолида тадқиқ этилган журналист суриштирувани самимият ва ҳақгўйлик билан тасвирлайди. Китобни вараклар экансиз, журналист касбининг машаққатлари, суриштирув даврида унга нисбатан тазийик ва ошкоралик учун курашнинг барча заҳматларини ҳис қиласиз ҳамда эътироф лаззатларидан муаллиф билан бирга сиз ҳам баҳраманд бўласиз. Муаллифни нафақат иктидорли журналист, балки пок қалбли, ватанпарвар инсон сифатида кашф этасиз.

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ҳалқаро журналистика факультети Илмий кенгашининг 2018 йил 5 февралдаги 6-сонли қарорига кўра, журналистика факультети талабалари учун амалий кўлланма сифатида тавсия этилган.

УЎК: 070
КБК: 76.01

ISBN: 978-9943-4918-2-3

©М.Обидов – 2018
©«Фаргона» нашриёти – 2018



ЖУРНАЛИСТ СУРИШТИРУВИННИНГ МЕЪЁРИЙ ЧЕГАРАЛАРИ ҚАЕРДА?

Бундан бир неча юз йиллар аввал, дастлабки варакалар чоп этилганидаёқ энг қизиқарли ва муҳим мавзу – оммадан шу пайтгача яшириб келинган ахборот бўлган. Журналистлар бундай ахборотга доир маълумотларни излаб топиб, газетанинг навбатдаги сонларига жойлаштирганлар. Матбуот тарихидан маълумки, уларнинг аксарияти қонунбузарликлар билан боғлиқ бўлган. Ана ўшандан буён мақолаларга «журналист суриштируви» деган руҳн қўйиш одатга кирган.

Ўзбек матбуотида (совет даврини ҳам ҳисобга олганда) журналист суриштируви асосан ўтган асрнинг саксонинчи ва мустақиллик йилларининг дастлабки 10-15 йилида шаклланиб ривожланди. Босма ва электрон ОАВларида бири-биридан қизиқарли суриштирувлар эълон қилинди. Бу борада «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси ҳамда Ўзбекистон телевидениесининг «Ахборот» таҳририяти жуда кенг доирада ўкувчи ва томошабин йига олди. Ўша пайтда 20-25 миллион аҳолиси бўлган мамлакатимизда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси адади 700-800 минг нусхага етди. Одамлар 20³⁰ да бошланадиган «Ахборот» дастурини барча юмушларини тўхтатиб кўрадиган бўлдилар.

Ўзбекистонда цензура бекор қилинган бўлса-да, 2005 йиллардан юқори мартабали маъмурлар ҳамда бош муҳаррирларда ички цензура кескин кучайди. Матбуотда танқидий, таҳлилий мақолалар, журналист суриштируви жанри аста-секин камайиб бораверди. Шу йилларда журналистлар ўткир мавзудаги мақолаларни чоп этишдаги раҳбарларнинг эҳтиёткорлигига учрайвергач, ўзлари ҳам муаммоларни четлаб ўтадиган бўлдилар. Факат 2017 йилдан матбуотимиз яна жонланди. Телевидение, радио, босма нашрлар сўз ва матбуот эркинлигидаги сиёсий ислоҳотлар, аввало, Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёевнинг ОАВ аҳлига қилган бир неча мурожаат ва танқидларидан сўнг, жумладан, журналист суриштируви жанрида ҳам ўнлаб долзарб мавзулар тадқиқ қилинди. Шу пайтгача парда ортида қолаётган воқелик, ҳодиса, муносабатлар юзага чиқа бошлади. Тўғри, хали



уларнинг барчасини ҳам мукаммал чиқишлар дея олмаймиз. Бир ёқлама муносабат, мавзу моҳиятини чукур англаб етмаслик, ихтинослашмаганлик каби камчиликлар кўзга ташланиб турибди. Бунинг сабаби – бизнингча, амалиётдаги узлуксизликнинг маълум муддат узилиб қолганидадир.

Журналист суриштирувинг мақсади нима, ҳақиқатга эришишми? Унинг йўлидаги изланишда журналист ҳаракатларининг қонун билан белгиланган чегараси қаерда? Бу масалада ҳалигача қонуний меъёрлар йўқ. Ўзбекистонда шу мавзуга бағишиланган олим ва мутахассисларнинг илмий тадқиқотларини ҳам ҳануз кутамиз. Амалиётчилар тажрибаси ҳақидаги кўлланмалар деярли чоп этилмаган. Нега шундай?

Журналист суриштируви муаллифдан фоят чукур ва хар тарафлама билим талаб қиласди. Бу жанрда ижод қилиш учун соф қалб ва ҳалол кўлнинг ўзи кифоя қилмайди. Уларга ҳуқуқий кафолат, ахборот таъминотида кўмак, муҳаррир кўллови ҳам керак. Цензура бекор қилинганинг ўзи журналист учун ҳуқуқий кафолат бўла олмайди. Ҳақиқий «тўртингчи ҳокимият» бўлиш, давлат бошқарув институтлари фаолияти, барча даражадаги амалдорларнинг коррупцион ҳаракатига қарши самарали курашиб учун журналистга қонунда кафолатланган ҳуқуклар кенгайтирилиши лозим.

Иккинчидан, бирон-бир таҳририятда муаллифни ахборот таъминоти билан кўлловчи хизмат лавозими йўқ. Суриштирув олиб бораётган журналист «якка овчи»га ўхшайди. Информацион технологияларнинг ривожланиши, жамиятдаги очилиш ва ОАВлар моддий имкониятини уйғунлаштириб журналист суриштируви олиб бораётган ходимни кўллаб-кувватлаш вақти келди.

Учинчидан, бош муҳаррirdаги ички цензурага чек кўйиш лозим. Бунинг учун, аввало, ОАВларнинг иқтисодий эркинлигига эришиш талаб қилинади. Шуларга қарамай, журналист суриштируви ОАВ жанри сифати аста-секин ижтимоий ҳаётимиздан кенгрөк ўрин топмоқда.

Дарҳақиқат, журналист суриштирувинг обьекти – жамиятдаги коррупция. Яқинда интернет сайtlарида «Абу Сахий» бозорида эгалик ва бошқарув ўзгаргач, ғазнага ойлик тўлов аввалги даврга нисбатан 5-7 баробар кўпайгани ҳақида хабар берилди. «Абу Сахий» ширкати дунёning кўплаб мамлакатларидан технологик эҳтиёт қисмлар, саноат ва озиқ-

овқат молларини Ўзбекистонга амалдаги қонунчиликни четлаб, «кимтиёзли» шароитларда олиб кирар эди. Буни ҳамма, жумладан, журналистлар ҳам билган. Журналист чегарадан олиб ўтилаётган товарлар тури, микдори учун ҳар хил бож тарифлари ўрнатилгани ҳақидаги меъёрий хужжатларга асосланиб, давлатга тўланиши лозим бўлган бож микдори-ю, «Абу Сахий» ширкати тадбиркордан олаётган ва давлат идораларига тўлаётган маблагни такқосласа, ҳамма нарса ойдинлашарди. Аммо бундай суриштирув ўтказилмади. Натижада «Абу Сахий» ширкати фаолияти коррупциялашганми-йўқми, масала очик қолаверди.

Тўгри, журналистиканинг вазифаси хукм чиқариш эмас. Журналистика ижтимоий адолат қарор топиши учун хизмат қиласи. Унинг мезонларини эса жамият белгилайди. Бунинг учун матбуот воқеликка оид маълумотларни жамиятга ҳавола этиши керак. Айни чоғда, «Абу Сахий» ширкати мисолида ҳам.

Журналист хукуқ посбонлари ваколатини ўз зиммасига олмасин. Унинг вазифаси жиноятчини тутиш эмас, балки жиноий ҳатти-ҳаракатга ошкоралик бериш, муаммони таҳлил қилиш, ечими ҳақида таклифлар киритишдир. Матбуотимизда эса суриштирув дея шахснинг дахлсизлигига тажовуз ҳоллари ҳам учрамоқда. Андикон шаҳри, Фаргона вилояти ҳокимларининг ички ишчи йиғилишидаги сўқинишлари, телефондаги аудиоёзуви журналистлар томонидан интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқларда оммалаштирилди, муҳокама қилинди, раҳбарлар обрўсизлантирилди. Бу ҳам камлик қилгандек, омма олдида узр сўраш, лавозимни тарк этиш каби мажбурий талаблар қўйилди. Жамиятнинг маълум қатлами эса бу чақириқ ва талабларни кўлловчи постлар қолдира бошладилар.

Албатта, раҳбарларнинг маънавий қиёфасига жамият бефарқ қаролмайди. Лекин матбуот шахснинг шаъни билан боғлиқ яширин суратга ёзиб олинган овозни ошкор қилишга, оммалаштиришга ҳақлами? «Айбор» деб таърифланаётган шахсга шарт қўйишга ҳаққи борми? Масаланинг хукукий томонлари қонунчиликда қандай меъёрланган? «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 13-моддасига биноан, «Жисмоний шахсларнинг розилигисиз телефондаги сўзлашувларни... қайта ишлашга, тарқатишга ва ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди», дейилган. Афсуски, амалдаги қонунларда йиғилишдан ёзиб олинган сўзлашув масаласида ҳеч гап йўқ. Демак, тақиқланмаган бўлса, рухсат

етилгани шу, деб тушунмоқ керакми? Шундай бўлса, эртага уйингизга яширин камера ёки микрофон ўрнатиб, ундаги тасвир ва овозни ҳам тарқатиш мумкин бўлиб қолмайдими?

Назаримизда, танқидий-таҳлилий мақола ёки журналист суриштирувида очиқланаётган далиллар мавжудлигининг ўзигина етарли эмасдек туюлади. Бундай очиқлик, фош қилувчи ахборотни соғлом фикр, конун меъёрларига риоя қилган ҳолда қабул қилувчи омма, унга хозиржавоб муносабат билдирувчи давлат идоралари ҳам тайёр бўлиши лозимга ўхшайди.

Бир неча йил аввал лўлилар эски шиша бутилкаларни йи-гаётгани назаримизни тортди ва унинг кетига тушдик. Бир қарашда мавзу журналист суриштируви учун эмасдек эди. Ахир, мансабини сунистемол қилаётган, коррупциялашган не-не идора ва раҳбарлар, даромадини соликдан яшираётган қанчадан-қанча «тадбиркор»лар турганда маҳаллама-маҳалла юриб, бутилка йиғаётган лўли мавзуси арзимасдек туюларди. Аммо журналист суриштируви мавзуси жамиятга не чоғли фойдалилиги билан муҳим. Охир-оқибат, бу мавзу йирик коррупцион гурухларнинг шу пайтгача яшириб келаётган ноқонуний фаолиятини фош этди.

Албатта, битта овозни яширинча ёзиб олиб ошкор қилиш осон ва гўё «шов-шувли». Ҳақиқий суриштирув эса изланиш, ўрганиш, таққослаш, ахборот йифишдаги машаққатлар, раҳбарлар билан тўқнашув ва ниҳоят, эълон қилиш қийинчиликлари каби йўлни босиб ўтади. Бундай йўлга ҳамма журналист ҳам ё касбий- малака жиҳатдан тайёр эмас, ёки машаққатдан қочадида, осон йўлни танлайди.

Ҳар қандай журналист суриштируви оддий бир воқелик, арзимасдек туюлган ахборотдан бошланади, аслида.

Тажрибада хўжаликнинг корхонага топширган сут пулини ололмаётгани ортидан давлат миқёсида коррупция харакатлари ётгани фош қилинган. Аслида, журналист «Ҳа энди, шунга нима бўйти, сут заводи ҳисобида маблағ узилиб қолгандир, бугун бўлмаса эртага тўлайди-да», деб бефарқ ўтиб кетиши мумкин эди. Лекин мавзуга чуқурроқ кириб борилгани сари бу ҳолатнинг ортида мамлакат иқтисодиёти, валюта сиёсати, энг муҳими, ижтимоий вазиятига ҳам жиддий зарар келтирувчи машинага дуч келинган. Унинг кучи шу қадар қудратли эдики, дастлаб журналистнинг ўзини «ёлғон ахборот тарқатишда» айблаб, ишдан четлатганлар. Давлат раҳбари ишончидаги бир мансабдорнинг жасорати туфайлигина мавзу қайта ўрганилиб,

адолат қарор топган: журналист вазифасига тикланиб, юқори мансабли айборлар жазоланган, муаммо қонуний ҳал этилган.

Журналист суриштируvida мавзу танлашнинг ўзи атрофдағи воқеликдан хабардор бўлиш, матбуотни кузатиш, давлат идоралари интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқлар билан танишиб бориш, одамларни жамоат жойлари ва транспортда, тўй-маърака, тадбир ва таҳририят қабулхонасида тинглаб бориш, иккиланиш ва қайта текшириш, давомли кузатиш ва ниҳоят хулоса чиқариш каби жараёнларни ичига олади. Биз назариётчи эмасмиз. Ушбу мақолада журналист суриштируви жанрининг назарий қоидаларини ижод қилиш ниятимиз йўқ. Мақсадимиз журналистиканинг жамият ривожи учун муҳим аҳамиятга эга бу жанри янада ривожланишига баҳоли қудрат хисса қўшишдир. Шу нуқтаи назардан, Сизнинг ҳар қандай фикр ва мулоҳазаларингизни муносиб қадрлаб қабул қиласиз.

Бизнинг электрон манзил:
jurnalistlar.uyushmasi@yandex.ru

**Муҳаммаджон ОБИДОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.**





БОЙ БУВАНИНГ ҲОТАМТОЙЛИГИ КИМНИНГ ҲИСОБИДАН?

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Туркия ишбилиармонлари иқтисодиётимизнинг деярли барча соҳаларига кириб кела бошладилар. Айниқса, пахта толаси хом ашёсини қайта ишлаш, тўқимачилик тармоғида Туркия фирма, компаниялари иштироқидаги корхоналар бирин-кетин ташкил этилаётган палла эди. Вилоят ҳокимлигидан муҳим топшириқ берилди. Унга кўра, зудлик билан Куват туманига етиб боришимиш, у ерда Ўзбекистон – Туркия «Куватекс» қўшма корхонаси очилиши ҳақида телевидениега кўрсатув тайёрлашимиз лозим эди.

Шу куни Марғилон – Андижон йўлидаги учкўчадан то бўлажак корхона куриладиган дала майдонигача сув сепилган, супуриб-сирилган. Воқеа жойи эса Ўзбекистон ва Туркия байроқлари билан безатилган. Карнай-сурнай овози баралла янграпарди. Вилоят ҳокими Мирзажон Исломов, яна пойтахтдан келган меҳмонлар, Туркиянинг «Язекс» фирмаси раҳбарияти, жамоатчилик вакиллари, мухбирлар жамул-жам.

Дала пайкали бошида тантанали митинг бўлиб ўтди. Сўзга чиққанлар Кувада, айнан мана шу майдонда келгуси 2-3 йил ичида пахта толасини қайта ишлаш, тўқиши, бўяши ва тикувчилик мажмуаси бунёд этилади, дедилар ифтихор билан. Сўнгра сургич, ер ковлагич тракторлар далага кириб кетди. Далада эса буғдой энди бўй чўзиб, сут-қатиқ донлай бошлаган эди... Во ажаб, яна бир ой кутсалар-ку, ғаллани ўриб олиш мумкин бўларди, сўнг курилиш бошласалар, маъқул эмасмиди? Йўқ. Маросимга йигилган юзлаб қорақўзлар ўнгига буғдойзор бир зумда пайхон қилиниб, ер текисланди ва лойиҳага кўра қозик қоқилди. Бир эмас, бундай кўнгилсиз манзарани кузатаётган аксарият одамларнинг, айниқса, кувалик дехқонларнинг диллари хира тортиди.

– Охири баҳайр бўлсин-да, – деди бир отахон. – Хосиятсизлик билан бошланган ишнинг хайрияти ҳам бўлмайди.

Курилиш ишлари жадаллик билан олиб борилди. Тез кунда лойиҳага кўра бирин-кетин ишлаб чиқариш бинолари қад ростлай бошлади. Менга икки томондан, «Ахборот» таҳририяти ва ҳокимиятдан қурилишнинг бориши, корхонанинг келажаги ҳақида

лавҳалар тайёрлаб жўннатиши топшириги бериб туриларди. Куба каби аҳолиси зич бўлган туманда замонавий корхона барпо бўлишидан оддий фуқаро сифатида ҳам қувонардим. Чунки ип йигирув, тўкув, тикив цехларида асосан қишлоқ аёллари ишлайдилар. Бунгача эса мен уларни далада ғўза чопигидан пахта теримигача учратар, гарчи завқ билан ишласалар-да, юрагимнинг қаериладир «Қани энди, шу опа-сингиллар ҳавоси мўътадил бўлган, ёргу корхоналарда озода кийиниб, дастгоҳларни бошқарсалар», деган илинж бор эди. Шунинг учун ҳам «Қуватекс» тезроқ ишга тушишини жуда-жуда хоҳлардим. Бинолар қадростлай бошлади-ю, ускуналардан дарак йўқ. Сабабини сўрасам, шартномага Ўзбекистон томонидан имзо чеккан «Пахтасаноатсотиши» Фарғона вилоят бошқармаси раҳбарлари гапни бошқа томонга бурадиган бўлдилар. Бундан юрагим ғаш тортиди. Нега бундай қилишяпти? Шу сабаб бўлдими ёки ўзимдаги қизиқувчанликданми, астасекин қурилиш лойиҳаси, технологик жиҳозлаш дастури, уларни молиялаштириш асосларини ўрганишга киришдим.

Ўтган асрнинг 90-йиларида республикамизда бир меъерий хужжат қабул қилинган эди. Унга кўра, хўжаликлар ўзлари етиштирган пахта ҳосилининг режада белгиланганидан ортиқчасини ўз ихтиёрлари билан сотишга ҳақли эди. Фарғона вилояти «Пахтасаноатсотиши» бирлашмаси бир неча туманларда шартномада кўрсатилган миқдордаги пахтадан ортиқча ҳосилни йиғиб, жами 14,5 минг тонна тола хом ашёсини Туркияning «Язекс» фирмасига сотиш ҳақида шартнома тузган. «Язекс» фирмасининг тўлов пулига эса йигирув, тўкув, тикив технологик линияларини сотиб олиш зарур эди. Режадан ортиқча пахта етиштирган хўжаликлар келгусида «Қуватекс» корхонасининг таъсисчисига айланаб, унинг даромадидан кўшган улушига кўра дивиденд олиб туриши кўзда тутилди.

Бир қараща Фарғонада жуда муҳим аҳамиятга эга лойиҳа амалга оширилаётгандек. Лекин кутилмагандан танганинг орка томонини ифодаловчи хужжатлар кўлимга тушиб қолди. Папка ичидаги шартнома, дастур, юк жўннатиши варакалари ва ҳоказо хужжатларни то тонгга қадар ҳижжалаб бир неча мартадан ўқиб-ўрганиб чиқдим. Янги дафтар олиб, керакли жойларини аввал аслича, сўнг таржима қилиб ўзбекчада ёздим. Рақамларни такрор ва такрор ҳисобладим, солиштиридим, фойда-зарарни чўтга туширдим. Масаланинг ичига қанчалар чукурроқ кириб борар эканман, юрагимни шунчалар кўркув ва нафрат босарди.



Охир-оқибат, «Балки бу хужжатлар соҳтадир, уни менга берган одам бошқалардан ўч олмоқчиидир», деган фикрга келдим. Нима бўлгандა ҳам, ҳозир, айни шу чоғда ўта совуққонлик ва хушёrlик талаб қилинади. Демак:

- биринчидан, ўқиб ўрганганим ҳақидаги маълумотларни сир сақлаш;
- иккинчидан, қандай қилиб бўлса-да, хужжатлардаги рақамлар ҳақиқий эканини текшириб кўриш;
- учинчидан, шартнома-контракт шартларининг ижроси бўйича қўшимча маълумот йиғиш;
- тўртинчидан, ўзи иштироқчиси бўлган вокелик ҳақида интервью беришга рози бўладиган одамларни танлаш, тайёрлаш лозим эди.

Бу вазифаларнинг фақат биринчисигина менга боғлиқ, қолган учтаси ҳам хавфли, ҳам ўта қийин. Аммо буни уddaлаш керак. Чунки унинг ортида Ватан манфаати турибди. 1995 йил 14 январдаги 231/3 рақами шартномага асосан, Фаргона вилояти «Пахтасаноатсотиши» бирлашмаси Туркияning «Язекс» фирмасига 14,5 минг тонна I классли пахта толаси етказиб бериши қўрсатилган. Харидор пахта толасининг ҳар бир тоннасига 1150 АҚШ доллари микдорида аввалдан юз фоиз ҳақ тўлаш мажбуриятини зиммасига олган. Шартнома остига «Язекс» фирмасининг ваколатли вакили Нафи ва «Пахтасаноатсотиши» бирлашмаси бошлиги А.Бўриевлар имзо чекиб, муҳр қўйганлар.

Шартнома билан танишгач, мени шубҳага соглан дастлабки рақам – бир тонна пахта толасининг 1150 доллар баҳолангани бўлди. Ўзбекистон ва Россиядаги соҳа мутахассислари, айrim танишларимдан илтимос қилиб, ўша пайтда пахта толаси сотишга ихтинослашган, жумладан, Ўзбекистон пахтаси ҳам сотиладиган Ливерпул биржасидаги нарх-наволар ҳақида расмий маълумотни олдим. Маълумки, биржада пахта толаси нархи ҳар куни оз микдорда бўлса-да ўзгариб, гоҳ кўтарилиб, гоҳ пастлаб турарди. Демак, аниқ рақамга эришиш учун пахта толаси жўнатилган кунни аниқлашим керак. Бунинг учун эса темир йўл хужжатларига «йўл топишим» зарур эди.

Салкам уч ой деганда ҳамма саволларимга асл хужжатларга асосланган жавоб топгандек бўлдим. Шундай қилиб, биринчидан, шартнома шартларида белгиланган пахта толасининг харид нархи жаҳон бозори (Ливерпул биржаси)дагидан роса бир ярим баробар арzon белгиланган. Яъни бу фарқ 9,4 миллион долларни

ташкил этарди. Иккинчидан, шартномада «Язекс» сотиб олаётган пахта толасининг қийматини юз фоиз аввалдан тўлаши белгиланган бўлса-да, ўн тўрт ярим минг тонна пахта толасини Фарғона вилоятидан бир цент ҳам тўламасдан олиб чиқиб кетган. Аниқроғи, пули тўланмай туриб фарғоналик мутасаддилар шунча пахта толасини жўнатиб юборганлар. Бу билан шартномада белгиланган арzonлаштирилган нархда ҳам 16,7 миллион доллар зарар келтирилган. Учинчидан, «Язекс» ва «Пахтасаноатсотиш» ўртасидаги шартнома ё саводсизлик туфайли, ёки манфаатлар уйғунлиги туфайли атайнин, келишилган ҳолда тузилган, дея баҳолашга асос беради. Ва ниҳоят, назаримда, ҳали тасвирга туширилмаган бу журналист суриштирувини эфирга узатиш муаммоси кўндаланг турарди. Чунки юрагим шартнома ортида юқори мансабли томонлар манфаати борлигини сезар эди. Бу манфаатлар эса менга осонликча йўл бермайди.

Узок ўйлаб, ҳаракат режасини туздим. Репортаж матни лойиҳасини камида ўн марта қайта-қайта ёздим. Ҳар бир сўз, ҳар бир рақам, унинг устига қўйиладиган тасвир баёнини туздим. Интервью берувчи айтиши мумкин бўлган фикрларни лойиҳага жойлаштиридим. Репортажни тасвирга тушириб, шу куни ёк Тошкентга етказиш ва «Ахборот»нинг кечки дастурида эфирга узатилишига эришиш эса режамнинг энг муҳим якуни эди. Бунга ўзимни тайёр деб ҳисоблаган кун эрта тонгдан ишга киришдим.

Биз хизмат юзасидан курувчилар, вилоят «Пахтасаноатсотиш» раҳбар ва мутахассислари билан анчайин яқин эдик. Шунинг учун ҳам менинг камера билан «Куватекс» ҳамда «Пахтасаноатсотиш» идорасида пайдо бўлишим, корхонанинг ишга тушишига оид мавзуда микрофон тутиб, савол-жавоб қилишим ҳеч кимга янгилик эмасди. Бироқ «Язекс» билан шартнома ҳақида савол бўлади, деб кутишмаган эди.

Тола нархи ва унинг Ўзбекистондан тўловсиз чиқариб юборилиши сабабини сўраганимда вазият кескин ўзгарди. Суҳбатдошлар жавобдан қочиб, ҳатто камерани ўчириб тулинг деб, сўнг нега бу масалани кўтаряпсиз, буни ҳоким биладими, сизнинг вазифангиз курилиш, янги ишчи ўринлари яратилиши ҳақида хабар бериш эмасми, дегувчилар ҳам бўлди. Корхонага оид аввалдан туширилган тасвирлар борлиги учун ишни тез битирдим-у, Тошкентга, таҳририятга кўнғироқ қилиб қўйиб йўлга тушдим.

Мавзу анча жиддий эди. Одатдагидек, таҳририятда баҳс-

мунозара қизиб кетди. Аммо далиллар, ҳужжатлар, рақамлар иккиланишларга йўл бермади. «Язекс» ишончли ҳамкорми?» сарлавҳали таҳлилий репортажим «Ахборот» эфирга чиқиши арафасида дастур тартибига киритилди. Экрандаги икки ярим дақиқа соатларга чўзилгандек бўлди. Ниҳоят, мен тасвирда пайдо бўлдим ва «Хўш, сиз ҳозир кўрган воқеликлардан сўнг «Язекс»ни ишончли ҳамкор дейиш мумкинми? Буни шартнома шартларини кўпол равишда бузганлар қандай изоҳлар эканлар?» дея савол ташладим. Репортаждан мақсад, аввало, мавзуга мамлакат раҳбарияти, масъул вазирлик ва идоралар, кенг жамоатчилик эътиборини қаратиш, қолаверса, журналистика кучи, имконияти билан давлат манфаатларини химоя қилиш эди. Ҳали 30 дақиқали «Ахборот» тугамасданоқ, «юқоридан» муносабат билдирилди: репортажда кўтарилган масала хукумат даражасида ўрганилади.

Лекин шу хабарни етказган телерадиокомпания раиси Шавкат Яхяевнинг авзойи бузук эди.

– Пахта – бу давлат сиёсати дегани. Нима қилар эдинг бу масалага аралашиб!

Мен ҳайрон бўлиб қолдим. Бир, бир ярим соат аввал раис репортажни икки-уч бор кўриб чиқсан, муҳокама чогида ҳатто мени мақтаб ҳам кўйганди. Энди эса ўзини гўё мазкур репортаждан мутлақо бехабар одамдек тутарди. Демак, каттароқ амалдорлардан танбех эшигтан. Қизиқ, масала хукумат идораларида ўрганилаётганда у ўзини қандай тутар экан?

Репортаж эфирга берилган куннинг эртасига у Вазирлар Маҳкамасида муҳокама қилинди. Раис билан мени ҳам таклиф қилдилар. Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков қабулхонасида «Язекс»нинг Ўзбекистондаги вакили Нафини учратдим.

– «Язекс»нинг халқаро миқёсидаги обрўсига путур етказганинг учун сени судга бераман, – деди Нафи ва масхараомуз кулди. – Ҳали кўрасан, суд белгилаган маънавий зарарни авлод-аждодинг ҳам уза олмайди.

Бошимдан бир пакир совуқ сув қуйиб юборгандек бўлди. Бундек қарасам, казо-казолар қархисида хато қилиб кўйган боладек мунғайиб турган эканман. «Ўзингни кўлга ол ва химоя қил, ахир, сен ҳақсан-ку!» деди ички бир нидо. Дарҳол сергак тортдим. Воқеликни ортга қайтариб бўлмайди, шартномага ўзгартиш кирита олмайдилар, чунки ундаги муҳрланган, имзоланган ёзувлар кеча «Ахборот»да кўрсатилган. Қолаверса...

Мен ҳар доим таҳлилий, танқидий репортаж тайёрлаганимда биронта муҳим далил ҳақида гапирмас, уни ҳар эҳтимолга қарши «захира»да қолдирадим. Бу сафар ҳам кўлимда «Язекс» билан тузилган шартноманинг бир бўлаги, яъни манфаатлар тенглигини бузувчи, лекин репортажга киритилмаган жуда қимматли хужжат бор эди. Шу ҳақда ўйладиму, дадиллашдим.

– Агар сиз судга бормасангиз, бу масала судда кўрилишига мен ҳаракат қиласман, – дедим Нафига қатъий оҳангда ва кўлимдаги папкага ишора қилдим. – Ҳали эфирга берилмаган бир талай маълумотларим бор.

Шу пайт бизни ичкарига таклиф қилдилар. Мен папкадаги хужжатларнинг бирини раислик қилувчига узатдим. Бу Фарғона «Пахтасаноатсотиш» бирлашмасига «Язекс» кўрсатган мамлакатгача пахта толаси етиб боришида суғурта харажатини тўлаш мажбурияти юклатилган хужжат эди.

Раислик қилувчининг пешонаси тиришди. Кўзойнак остидан ўтирганларга қаҳр билан қаради.

– Бу нима? – деди у Аъзамjon Бўриевга. Кейин ўзи жавоб берди. – Бориб турган ғирт талончилик-ку! Нега энди суғурта полисини Ўзбекистон томони тўлаши керак?!

Нафи Бош вазир ўринбосари тўсатдан ўзгариб, вокелик бундай тус олишини кутмаган экан. Менимча, уни ҳайрон қолдиргани – асосий шартномага қўшимча қилинган суғурта ҳақидаги шартнома қандай қилиб менинг қўлимга тушиб қолгани бўлиши керак. Чунки дастлаб «Язекс» билан тузилган шартномани ўргана бошлаганимда хужжатлар орасида суғурта ҳақидаги «шартномага қўшимча» (дополнение к договору) йўқ эди. Аниқроғи, уни имзолаганлару, аммо иш бошида турганлар, ҳагто раҳбарлардан яширин тутганлар. Бундай хulosага келишимгага сабаб бор эди. Бир куни менга Фарғона вилоят «Пахтасаноатсотиш» раҳбарларидан бири телефон қилиб, кўришайлик, деб қолди. Унинг таклифи билан кўчада учрашдик.

– Биламан, сиз «Язекс» шартномасига қизиқиб қолгансиз, – деди у кўзларини ерга тикиб. – Бу ерда аллақандай манфаатлар борга ўхшайди, лекин бу ҳақда мен лом-мим дея олмайман. Манави қоғоз билан танишиб чиқинг-а. Уни шартнома хужжатлари мажмуаси орасидан топа олмайсиз. Негадир, сир тутишади.

Бу ўша – мен муҳокама раисига берган хужжат эди.

– Мавзу телевидениеда бир ёқлама ёритилган, ускуналар йўлда келаяпти, ҳисоб-китоб жойига тушади, – деди ўзи ҳам

бу гапларга унча ишонқирамай Бош вазир ўринбосари. – Ахир, «Язекс» бошқа вилоятлардан ҳам пахта толаси олган, унга ишонамиз.

– Мен ҳозир, – деди Нафи ўрнидан туриб ва хонадан чиқиб кетди.

Бўриев эса каловланиб, бир нима дея олмади.

– Йигилиш тамом, керак бўлса ўзим чақираман, – деди раислик қилувчи жаҳл билан.

Хонадан бирин-кетин чиқа бошладик.

– Яҳяев!

Телерадиокомпания раиси ортга қайтди. Ҳали эшик ёпилиб улгурмаган ҳам эдики, ичкаридан бакириқ овози эшитилди.

– Кўзинг қаерда эди, нега бу эфирга кетиб қолди?!

Мен таҳририятга қайтиб, кутдим. Ҳеч ким ҳеч нима демасди. Кечга бориб, раис ёрдамчисидан «Мен нима қилай, сўраб беринг», дея илтимос килдим. Ичкаридан чиққанида ёрдамчининг ранги бўзариб кетганди. Менга бир хўмрайиб каради-ю, «Кетаверар экансиз», деди.

Шу куниёқ Фарғонага қайтдим. Тошкентдан чиққач, машина текис бетон йўлдан учиб бораради. Ойнани туширдим. Тоза ҳаво димогимга урилди. Уч ойдан буён елкамда турган юқдан халос бўлгандек, енгил нафас ола бошладим. «Менга индамадилар. Лекин бу ҳаммаси тугади, дегани эмас. Ҳали тақдир яна қандай синовли кунларни рўбарў қилас экан?». Миямга келган биринчи фикр шу эди. Ҳақиқатан ҳам, аслида, бу воқеа тақдиримдаги катта ташвишлар ва машаққатли йилларнинг бошланиши экан.

«Язекс» фирмаси раҳбарлари ўша воқеадан кейин қочиб кетдилар. Улар турли вилоятлардан фирибгарлик йўли билан 64 минг тонна толани олиб чиқиб кетган эканлар. Охир-оқибат, судга бермоқчи бўлишидди. Лекин... «Язекс» сохта фирма бўлиб чиқди. Ҳозиргача у топилмади, фарғоналиклар эса пахта толаси пулини ололмадилар...

– Агар «Ахборот»да шу кўрсатув берилмаганида «Язекс» яна бир неча вилоятлардан пахта толаси олиб чиқиб кетмоқчи эди, – деди бир юқори мартабали мулозим.

– Хайрият, ҳеч йўқ шу корга ярабмиз-ку, – дедим ичим ёниб.



МУАММОНИНГ ИЛДИЗИ ҚАЕРДА?

Андижон вилоятидан қайтаётган эдик. Ярим тун. Ёмғир савалаб «уряпти». Машина чироқлари узоқни ёритолмасди. Тасвирчи Шухратжон уйқуга кетган. Чарчаган-да, ахир. Хонобод кабель заводининг янги маҳсулоти, Шаркий ҳарбий округнинг Кўрғонтепа туманидаги бўлинмасида адиб Сайд Аҳмад билан бўлиб ўтган учрашув, андижонлик йўлсозларнинг Наврӯз байрамига тухфаси каби мавзуларда фоят тезкор, аммо қизиқарли репортажларни шу куннинг ўзида тасвирга тушириди.

— Автойўлни эртага қолдирсак-чи, — деди Шухратжон ҳарбий қисмдан чиққач ийманибгина.

Лекин воқеликкутибтурмайди. Ҳисоб-китобга кўра, Хонобод ва Андижон томондан бир-бирига караб йўлни кенгайтириб, янги асфальт босиб ва белгиларни чизиб келаётган қурувчиilar айнан шу бугун, тушдан кейин бир нуктада учрашиши керак. Иш жараёнлари ҳақида аввалдан тасмага туширилган лавҳалар бор эди. Аммо репортажнинг асоси – туташув лаҳзалари бўла олади холос. Биз ана шу дақиқаларни кутдик ва тунни кучли пројекторларда ёритиб бўлса-да, ғалаба онлари, йўлсозлар, аҳоли қувончи акс этган такрорланмас лаҳзаларни видеотасмага муҳрлардик. Стендап, интервьюларга ҳам улгурдик. Мана, энди толиккан Шухратжон енгил-енгил ҳуррак тортиб, ухлаб ётиди.

Кува марказидан ўтиб, Марғилон томонга бурилганимизда йўл четида қизил чироқлари ўчиб-ёниб турган «Нексия» ёнидаги уч нафар одам бараварига хавотирли ҳаракатлар билан кўл силтади.

Тўхтадим.

— Ука, бензин борми сизда? – сўради шошиб-шошиб улардан бири.

— Ха, бақда бор, лекин у шланкада чиқмайди-ку.

— Дарвоқе, шундай... – ҳафсаласи пир бўлди унинг.

— Машинада опамиз бор, ўзимиз Кўшкечик қишлоғиданмиз. Опамиз қаттиқ бетоб бўлиб қолдилар. Фарғонага олиб бориб кўйинг, жон ука, қанча десангиз берами!

Учовлон бир-бирига сўз бермай шу гапни такрорларди.



Тушундимки, вазият қалтис. Ҳар дақиқа ғанимат. Мен машинани уларнинг «Нексия»си олдига олиб бордим. Войвойлаб ётган аёлни аранг кўтариб, бизнинг машинага олиб ўтишди.

– Шуҳратжон, сиз нариги машинада кутиб ўтиринг. Агар бензин топишса, Марғилонга етказишади. Бўлмаса, ўзим қайтиб келаман.

Шуҳратжон тобелик билан «Нексия»га ўтирди.

Бемор аёл, унинг икки укасини олиб, йўлга тушдим. Назаримда, ёмғир тезлашгандек эди. Энди йўл янада хиароқ кўринарди.

– Эрта тонгда навбатга турдим. Кеч соат еттидан ўтганда, олдимда 5-6 та машина бор эди, заправкачи бензин тугади, деди. Роса алам қилди. Уйга келсам, опам корним оғрияпти деб юмалоқланиб ётибди. Аввал 3-4 литр бўлса ҳам бензин қуйиб олиш учун роса югурдик. Қишлоқда сўраб-суриштирмаган одамимиз қолмади. Таваккал қилиб йўлга чиқсан эдик... – Йигитларнинг бири шундай деб туриб, ғазаб билан сўкиниб юборди.

– Ахир, бу қанақаси?! Ҳафта-ўн кунда бир машина бензин сотади заправкада. Кунлаб навбатда турсанг ҳам етмайди!

Аёл баланд овозда дардли инграрди.

– Ҳозир, ҳозир опа, етиб қолдик...

Чарчоқдан асар ҳам қолмади. Йўлга киприк қокмай тикиламан, газни босаман.

– Войдод, чидамайман, ўламан! – аёл энди фарёд чекди.

– Шофёр ука, босинг, босинг!

Вилоят марказий шифохонасига аранг етиб келдик. Қабулхонадагилар аравачани чоптирганча лифтга етаклашди. Ортларидан мен ҳам кирдим. Бир фурсат ўтмай, аёлни операция хонасига олиб кириб кетишди. Бўлим бошлигини танир эдим. Уйига кўнғироқ килиб, ахволни тушунтиридим. Тез етиб келинг, деб илтимос қилдим.

Орадан чамаси икки соат вакт ўтди. Жарроҳ, яна бир ҳамшира йўлакка чиқдилар.

– Худо қайтиб берди. Аппендицит ёрилиб кетган экан. Шунчаям кеч олиб келасизларми?!

Йигитлар бир нима демоқчи бўлдилар-у, ўзларини тийдилар.

– Раҳмат, доктор, умрингиздан барака топинг.

Уйга қай маҳал етиб келганимни билмайман.

– Худога шукр, улгурдик-ку, – мен шу сўзлардан таскин топсам ҳам, хаёлимни бир савол кемиради: «Нега бензин такчил?»

Йўқ, ухлай олмадим. Тонгтча тўлғониб чиқдим.

– Нега бензин такчил?

Кечаги репортажлар матнини тез-тез қоғозга туширдим-у, Шуҳратжонни олиб муҳбирлик бўлимига келдик. Бир ўқишдаёқ тасвирга овоз бердим.

Хайрият, Тошкентта учадиган тушки самолётга улгурдик. Кассетани жўнатиб, «Ахборот» редакциясини огоҳлантириб ҳам кўйдим.

Гарчи учта репортажга матн ёзиш, овоз бериш ва материални жўнатиш анчайин машаккат бўлса-да, хеч қандай қийинчилик сезилмади. Хаёлимдан барибир ўша савол кетмасди.

– Нега бензин такчил?!

Аэропортдан тўғри Фарғона шаҳрига кираверишдаги энг катта ёнилғи қувиш шохобчасига келдик. Енгил, юқ машиналари турнақатор эди.

– Шуҳратжон, биринчи вариант, – дедим унинг толиқкан кўзлари-ю сўлғин юзларини кўрмаганга олиб. – Тасвир етказиши қийин бўлади. Унутманг.

Наилож, Шуҳратжон камерани елкага олди. Биламан, иккича кўринишни тасмага туширгандаёқ у ҳар қанча бўлса-да чарчоқни унутиб, ишга шўнғиб кетади. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Биз километрлаб қаторлашган навбатни машинада юриб тасвирга олдик. Сўнг ҳайдовчиларни гапга солдик.

– Бу қанақаси, икки кундан бўён навбатим келмайди!

– Заправкачилар олган бензиннинг ҳаммасини бу ерга келтирмайди.

– Катталар биладими ўзи бу ахволни?

– Уларга нима? Машинаси тўхтагани йўқ-ку...

«Биринчи вариант» деганим Шуҳратжон билан орамиздаги сирли пароль эди. Касб тақозосига кўра шундай йўллар ўйлаб топганимиз. «Биринчи вариант» деганда камера тўхтовсиз овозли тасвирга туширади. Бунда у ишлаб турганда тепасида ёниб турадиган қизил чироқ ўчириб қўйилади. Натижада, сухбатдош камерани ҳис қилмай, эркин гапираверади. Менга шу керак эди.

Биз шохобчага кирдик. Машиналар тикилиб кетганидан аранг йўл топасиз. Оператор хонасининг ойнасини тақиллатдим. Ҳеч ким жавоб бермади. Орқадаги эшигига айланиб ўтдик.

У каравотга ёнбошлаганича телевизор кўриб ётарди. Мени таниди-ю, дик этиб ўрнидан турди.

– Сизларга нима керак?

– Нега бензин сотилмаяпти? – сўрадим дастлаб унга, сўнг тасвирчига қараб. Шуҳратжонга имонинг кераги йўқ эди, ўзи билиб ишлаётган экан.

– Бўлса сотаманми? Ҳой-ҳой, тўхтанг, бу ерда расмга олиш мумкин эмас.

– Неча кундан бўён бензин олмайсизлар? Шу ой бошидан ҳозиргача қанча бензин сотгансизлар, ўтган ойнинг шу давридачи?..

Мен оператор йигитни саволларга қўмиб ташладим.

– Тўхтанг! – деди у бакириб. – Сиз чиқиб тулинг, илтимос, бир минутга чиқиб тулинг.

У тасвирчига мурожаат қиласар эди. Мен маъноли қараб қўйдим. Шуҳратжон тушунди. У «Мана, съёмка қилмаяпман», деди-ю, камерани пастга туширди. Лекин биз биламизки, у ҳамон ишляяпти. Овоз ёзиляпти, тасвирга олиняпти.

– Гапираверинг, у ўзимизники, – дедим операторга кўз қисиб. Чунки нима бўлса ҳам, тасвирчини олиб қолишим керак эди хонада.

– Ака, айтинг, нима қиласай?

У пора беришга шама қилаётган эди. Мен ўзимни гўлликка солдим.

– Ҳеч нарса қилманг. Факат саволларимга жавоб берсангиз, бас.

– Э, йўқ, буни кўйинг. Бизга гап тегади. Яхшиси, айтинг, қанча берай?

– Бензинними? – талмовсирадим мен.

Йигитнинг сабри чидамади. Дархол «ёрилди».

– Қанақа одамсиз, ахир? Бензинни бир ҳафтадан бўён беришмайди. Одамларга савол-жавоб қиласеруб, ўлиб бўлдик. Берса, сотмасмидик?! Аввалги ойга нисбатан саккиз баробар, ўтган ойга нисбатан 5 баробар кам беришди. Агар буни съёмка қилиб кўрсатсангиз, биз балога қоламиз. Мени ҳам тушунинг. Айтинг, қанча бўлса, хўжайндан олиб бераман!

Иш пишган эди. Биз репортаж учун энг муҳим гапни унинг оғзидан ёзиб олгандик.

– Ука, бизга ҳеч нарса керак эмас, шу гап керак эди, холос, баракалла.

Оператор йигит машинамизга боргунча нималардир деб жавраб келди. Аслида, унда нима айб? Нефть базаси таъминламаса...

Фарғонанинг Ёрмозор даҳасида нефть маҳсулотлари таъминоти вилоят корхонаси жойлашган. Кейинги нуқта шу ер бўлди.

– Биз томонларга ҳам келар экансизлар-ку, эрталабки күёш сизники экан-да, – тавозе билан кутиб олди корхона раҳбари Жамолиддин Соипов.

Бир пиёла чой узатиб, хол-аҳвол сўради. АЁҚШга ташрифимиз ҳақидаги хабар биздан аввал етиб келганига шубҳам қолмади. Ёқилғи тақчил шундай кунларда аслида база директорини топиш амримаҳол бўларди. Қолаверса, биз қабулхонага киришимиз ҳамоноқ хушсурат котиба табассум ҳадя қилиб, ичкарига таклиф қилганди. Мен бу каби «илтифот»ларни кўп бор кўрганман. Шунинг учун бундай ҳолларда ўзимни қандай тутишни билардим.

– Ҳа, энди, сиз йўқламагандан кейин ўзимиз келавердик-да.

– Ҳа-ҳа-ҳа! – Жамолиддиннинг на юракдан, на сохта кулганини билиб бўлмасди. – Ўзи, шу десангиз, бугун сизни эслаб тургандим. Ака, бир ёрдамингиз керак бўлиб қолди.

У бироз энгашиб, нимадир демоқчи бўлди-ю, пойгақда ўтирган Шухратжонга маъноли қараб қўйди.

Шухратжон ҳам ўз «кроли»ни моҳирлик билан ўйнар эди. Камерадан узилган микрофон алоҳида турар, ўзи эса қучогидаги камерани ғоят нозик ҳаракатлар билан майин баҳмал матода артиб ўтиради. Аммо камера иккимизга қаратилган ва ишлаб турибди. Сезиб турибман. «Зом» ҳам ёқиб кўйилган («Зом» – камерадаги узоқдан овоз ёзиш ускунаси).

– Э, Жамолиддин, ким-ким, лекин ўзлари бизнинг ёрдамга муҳтоҷ бўладиганлардан эмас.

Сўнгра Шухратжон томонга ишора қилиб, «ўзимизники» деб қўйдим.

Жамолиддин ноилож қолди.

– Биламан, Тошкентда ҳам танишларингиз кўп. Заводдан юк олишга бироз ёрдам қилиб юборсангиз. – Кейин жавобимни ҳам кутмай, қўшиб қўйди. – Яхшиликни унутмаймиз.

Жамолиддин мендан аввал хужумга ўтиб, ўзига мустаҳкам ҳимоя – қўрғон қурмоқчи эди. У билар эдики, мен аҳдимдан қайтмайман. Барибир, репортажни ниҳоясига етказаман. Аммо

бу «саҳна»да нефть маҳсулотлари таъминоти базаси иштирок этмаслиги, гап-сўздан четда қолишини истарди. Юқорида айтилган таклиф никоб холос. Аслида, ниятлари – кутилаётган «замбарак ўқи»га база дуч келмаслиги эди.

– Мен рози, – дедим Жамолиддинга. У бундай жавобни сира кутмаган чоғи, бир оз каловланиб қолди. – Менга айрим рақамлар керак. Шартнома шартлари, миқдори, тўловлар, таъминот жадвали, унинг амалдаги ижроси, юзага келган тақчиллик ҳажми...

Билмадим, Жамолиддин одамлар билан мулоқотда ниҳоятда хушёр бўлса-да, бу гал таваккал қилдими, мутахассисларни чақириб, маълумотларни тақдим этди. Мен уларнинг ҳар биридан нусха олдим, остига «аслига тўғри» деб ёздириб, имзолатиб, муҳр қўйдирдим.

Ора-орада у «ака, бизга гап тегмаса бўлди, у ёғидан хотиржам бўлинг», деб қўярди.

Мен Шухратжонга «сиз чиқиб тураверинг», дедим бош силтаб. Бу ҳам келишилган ҳаракат эди. У хонадан чиқиб кетди. Лекин билдимки, камера ҳозир нефть маҳсулотлари базаси кўринишлари, ёнилғи олгани келган турнақатор маҳсус машиналар, тўп-тўп турган ҳайдовчиларга қаратилган. Бу ердаги гаплар, рақамлар айтилганда кўрсатилиши лозим тасвиirlар керак эди-да. Буни иккимиз тушунардик холос.

Рақамлар шундан дарак берардики, нефтни қайта ишлаш заводи ойдан ойга нефть маҳсулотлари базасига таъминланадиган маҳсулот ҳажмини камайтириб бораётган эди. Ойлик рақамлар йил бошидагисининг деярли ярмига тушиб қолган. Алҳол, гапнинг каттаси заводга боғлиқ. Завод маҳсулот ҳажмини қисқартирдими... Демак, ё технологияда муаммо юзага келган, ёки хом-ашё етишмайди. Бундай маълумотни беришармикан? Бу фоят мушкул иш. Одатда, заводга журналистларни киритишмайди. Яқинда бу корхонада экология масаласига бағишлиган республика анжумани бўлди. Ўшанда ҳам минг жанжал билан аранг кирдик корхонага. Биламан, бўлғуси репортаж учун заводнинг умумий кўринишлари туширилган архив лавҳалар етарли. Энди заводдан интервью ва рақамлар олиш зарур.

Мен машинани заводга эмас, вилоят статистика, сўнгра солиқ идораларига, ундан иқтисодиёт бошқармасига бурдим. Барча раҳбарлар мени танишидан фойдаланиб, завод билан боғлиқ

маълумотларни сўраб олдим. Гарчи бу маълумотлар махфий бўлмаса-да, ҳар галгидек, кимдан олганим ҳақида айтмасликка ваъда бердим.

Заводга кириш йўлагига қўйилган телефондан қабулхонага қўнғироқ қилдим. Директор ёрдамчиси совуққина саломлашди. Раҳбар билан учрашмоқчи эканимни айтдим.

– Нима масалада? – сўради у.

– Ўзларига айтсам дегандим, – дедим тихирлик қилиб.

– Менга айтаверинг, балки илтимосингизни ўзимиз ҳал қиласмиз.

– Ҳеч қандай илтимосим йўқ. Директорга келганимни айтинг.

Ёрдамчи жаҳл билан гўшакни осиб қўйди. Кутдим. Ўнён беш дақиқадан сўнг йўлак тўрида ёрдамчи кўринди. Мен Шуҳратжонга бош силтаб қўйдим.

– Мухаммаджон ака, нима гапингиз бўлса, менга айтаверар экансиз. Хўжайн шундай дедилар. – Ёрдамчи энди бироз юмшаган эди. Кейин кўшиб қўйди. – Қандай масала бўлса ҳам...

Эҳ, бундай ишораларни наҳотки тушунмасам эди...

Энди мен ҳам мулойим муомала қилдим.

– Илтимос, Халилжон акага айтинг, фақат ўзлари билан гаплашадиган ишим бор. Илтимос...

Ёрдамчи индамаганича ноилож ортга бурилди. Яна кутдик. Бу гал тез чиқди. Раҳбардан гап эшитиб олганми, рангпаррок кўринди кўзимга.

– Айтдим-ку сизга, нима гап бўлса, менга айтаверар экансиз, деб.

Қарасам, корхона остонасидан куп-куруқ қайтиб кетишим керак. Чунки мақсадимни айтсам, ё умуман заводга киритмайдилар, ёки директорни «Тошкентга чақириб» қолишади. Унинг измисиз ҳеч қандай маълумот олиш мумкин эмас.

Мен ҳам ҳужумга ўтдим.

– Мамлакат иқтисодиёти тақдирига боғлиқ мухим масалада келганман. Уни фақат раҳбарга айтишим мумкин. Агар ҳозироқ ичкарига киритмасангиз, ана, камера боядан буён сухбатимизни тасвирга туширияпти, ўзим шу ерда туриб тасвирда мени заводга киритишмаяпти, дейману, кечқурун «Ахборот»да шармандангизни чиқараман. Халил акага шу керакми?

Ёрдамчи Шуҳратжонга қаради. Унинг қўлидаги камера пастда турган бўлса-да, иккимизга қаратилган эди. У ёрдамчига



қараб «наилож» дегандек, икки елкасини қисиб қўйди. Ёрдамчи телефонини қулогига босиб, нари кетди. У кимгадир куюниб гапирап эди.

Хайрият, таслим бўлиши. Бизга рухсатнома расмийлаштириб, заводга олиб кирдилар. Бу гал Шуҳратжонни директор қабулхонасида тўхтатиб қолиши.д

– Майли, тура туринг, – дедим муросага келган бўлиб, бош силтаганча.

– Нефтни қайта ишлаш агрегатларининг ҳолати қувватга мос, бунда ҳеч қандай муаммо йўқ, – деди корхона директори Халилжон Нўмонов. – Истасангиз, цехларни кўрсатамиз. Хом ашё таъминоти, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми ва тури ҳақида сизга ҳеч нарса дея олмайман. Бу... сир деса ҳам бўлаверади.

Мен ўзимдаги маълумотларни очиқладим.

– Кўриб турибсиз, аслида корхонага хом ашё этишмаётганини сиз ҳам, мен ҳам биламиз. Менга сиздан шунинг тасдиги керак холос. Тушунинг, Халилжон aka, балки муаммо ечим топар...

Узок баҳслашувдан сўнг яна ҳужумга ўтишга мажбур бўлдим.

– Билиб қўйинг, бу маълумотлар «Ахборот»да берилади, лекин уларни сиз яширганингизни, албатта, айтаман. Шунда сизга раҳмат дейишмас.

– Э-э-э...

Директор режа, ишлаб чиқариш ва иқтисод бўлими мутахассисларини чақирди. Сўнг:

– Улар билан ўзингиз гаплашаверинг, – деди.

Жуда тезликда олинган маълумотлар нусхасини тасдиклатдим. Ишлаб чиқариш бўлими мутахассисини гапга солиб турдим. У ҳамма рақамларни айтди.

Улар билан хайрлашар эканман, сухбат жараёни тасвирга туширилганини, ундаги иқтибослар репортажга киритилишини айтдим.

– Қарши эмасмисизлар? – дедим очиқ чехра билан.

– Нима ҳам дердик, ўзингиз биласиз...

Муаммоли репортаж тайёр эди. Ҳали тасвиirlар тарқоқ, бирон сатр матн ёзилмаган бўлса ҳам, у хаёлимда тайёр эди.

Биз ҳеч иккиланмай, Тошкентга йўл олдик.

Эртаси куни эрталаб редакцияга биринчи бўлиб келдик.

Монтаж столига ўтириб, кассетани кўриб чиқдим.

— Яшшавор, Шуҳратжон!

Беихтиёр қичқириб юборибман. Хайрият, хонада мендан бошқа ҳеч ким йўқ экан. Тасвирлар, ҳатто яширин камерада туширилгани ҳам фойдали эди. Матнни тўлдиради.

Репортажга овоз бериб, интервью, сухбатларни жойжойига қўйдим. Шу куниёқ «Ахборот» дастури тартибига киритилди. Дастлабки кўрикда юқори баҳо олди. Нихоят, эфир вақти келди. Редакциямиз журналистлари бундай жиддий мавзу изсиз кетмаслигини билардилар. Шунинг учунми, айрим ҳамкасларим навбатчи бўлмаса-да, аслида, унинг якунини кутиб «ушланиб» қолгандилар. Мен ҳам қаттиқ ҳаяжонда эдим. Ахир, гап давлат миқёсидаги масала устида кетарди-да. Фарғона нефтни қайта ишлаш корхонаси хом ашё – нефть етишмаслиги учун сўнгги кунларда ўттиз фоиз қувват билан ишлар, бензин, айниқса, дизель ёнилғиси тақчиллиги халқ ҳўжалиги юкларини ташиш, қишлоқ ҳўжалиги ишлари вақтида бажарилмай қолишига олиб келаётганди. Мамлакатга чет элдан нефть хом ашёси сотиб олиниши ёки ички конлар қазиб олиш қувватини ошириш эса хукумат даражасида ҳал этиладиган масала бўлиб, мазкур репортаж хукумат ва жамоатчилик эътиборини долзарб мавзуга қаратиши лозим эди.

Тажрибадан биламан, аслида, бу оловга ўзини ташлаш билан teng. Ё «қаҳрамон» бўласан, ё...

Репортаж эфирга узатилаётган дақиқалар. Мана, ҳаяжонли тасвир ва таҳлилий матн ишончли овозда биринкетин томошабинни мантиқий хulosага етаклайди. Мухбир репортаж сўнгига кадрда пайдо бўлади.

— Хўш, бундай аҳволдан «Ўзнефтегаз» корпорацияси раҳбарияти хабардорми? Энди у қандай тезкор чоралар кўтар экан? Мавзуга келгуси дастурларимиизда албатта яна қайтамиз.

Бир пайт карасам, редакциянинг аппарат (эфирга узатиш) хонасига бир мунча ҳамкасларим кириб олишибди. Улар эфирни миқ этмай, эътибор билан кузатиб туришган эди. Сўнгги сўзларни айтганимдан кейин баъзилари қарсак чалиб юбордилар.

Ҳар галгидек, бош муҳаррир Бобур Алихонов хонасида телефонга тикилганча ўтирибмиз. «Ахборот» тугади. Ўн, йигирма, ўттиз дақиқа ўтди. Жимжитлик.

– Э, ака, тинчлик бу ёғи. Кетаверамиз, – Бобур илгакдан устки кийимини олган ҳам эдики, раис билан боғловчи телефон шовқини хонани тутиб кетди.

– Хўп, хўп, ҳаммаси далилларга асосланган, окани биласиз-ку, – деди Бобур ва менга қараб бош чайқади. – Ҳозироқ йўлга тушади. Тушундим.

У гўшакни жойига қўйиб, бир нуқтага термулганча жим бўлиб қолди. Мен ҳам индамадим.

– Ака, – деди у эҳтиёткор овозда. – Рақамлардан муаммо чиқмайди, а? Нефть заводини текширишга одам борадиган бўлибди, госсоветник ҳам борармиш...

Ҳа, репортажни мамлакат раҳбари кўрган. Бўлмаса, бундай юқори мартабали одам бошчилигидаги гурӯҳ Фарғонага бормасди.

Шу заҳотиёқ йўлга тушдим. Ким келади? Воқеликка қандай нуқтаи назардан ёндошади? Халил ака тақдири нима бўлади? Мен-чи? Менга нима дейишар экан? Довонга кўтарилигач, туннелдан чиқдиму, машинани четга олдим. Ташқарида изгирин шамол увиллайди. Нихоятда чарчаганман. Аммо кўзимга уйқу келмайди.

Эрталаб соат саккизга вилоят ҳокимлигига чақиришди.

– Махсус рейс учиб келяпти, масала жудаям жиддий, – деди телефонда Аскарали ака Рустамов. У ҳокимликда кадрлар билан ишлаш ва ташкилий бўлимни бошқарар эди.

Дарҳақиқат, Президентнинг иккита Давлат маслаҳатчиси, улардан бири ҳуқуқий масалалар бўйича, мамлакат прокуратураси ва Ички ишлар вазирлигининг биринчи раҳбарлари учиб келгандилар. Улар вилоят ҳокими билан гаплашиб олгач, Бош прокурор ва Ички ишлар вазири масалани ўргангани вилоят тизим идораларига кетдилар. Ҳокимлик хоналаридан бирига мени чақиришишди. Кирсам, икки юқори мартабали мулозим ўтирибди. Уларнинг бири мен буюртма асосида атайнин, бир ёқлама кўрсатув тайёrlаганимни, бу ҳақда улар аниқ билишини айтди ва олдимга бир варақ оқ қоғоз қўйди.

– «Кварц» директори Одил Оллоёров нефть заводига директор бўлмоқчи. Шунинг учун ҳозирги раҳбарлар устидан аноним хатлар ташкил қилаётгани бизга маълум, – деди дағдаға билан тўрда ўтирган мулозим. – Сен унинг ноғорасига ўйнагансан. Бунинг учун у сенга қанча берганини ҳам била-

миз. Бизнинг мақсадимиз сени жарга итариб юбориш эмас. Сен талантли мухбирсан. Шунинг учун Президент номига «бу репортажни Одилнинг буюртмаси бўйича қилдим», деб ёзиб берасан, вассалом, бориб ишингни қиласверасан. – Шу сўзларни айтган Давлат маслаҳатчиси энди ёнидаги шеригига қараб масхараомуз оҳанг ва сохта кулгу билан давом этди.

– Одил билан ўзимиз гаплашамиз, шундайми?

Иккинчи одам «ҳа» дегандек бош силкади.

Шу пайт Асқарали aka ҳалиги қофозни олдимга суриб, ёнига ручка қўйди.

Менинг тақдиримни мендан сўрамай, ўзларича ҳал қилиб қўйгандилар. Хонага сукунат чўқди. Вазият хатарли эди.

– Мен Одил Оллоёровни танийман, аммо бу репортажга унинг ҳеччам дахли йўқ.

– Демак, уни танийсиз, келишиб олгансиз, шунинг учун ҳимоя қиляпсизми? – заҳарханда қилди Давлат маслаҳатчиси.

– Асқарали, сен ҳам эшитдинг-а?

Асқарали aka дарров тасдиқлади.

– Эй бола, яхшиликча айтганимни ёзиб бер, бўлмаса сен ҳам Одил билан кетасан!

Аъзойи баданимга ўт кетди. Кўзларим чақнади.

– Бундай гапларни ёзмайман. Чунки бундай бўлмаган!

Хонада яна бақир-чақир бўлди. Сўнгра улар мени қолдириб, чиқиб кетдилар. Бир оздан сўнг Асқарали aka қайтиб кирди.

– Сиз шу ерда кутиб турар экансиз.

Хонада бирор соат ўтиридим. Кейин мени ҳоким – Алишер Отабоев олдига олиб чиқишиди.

– Балки шундай бўлгандир... Балки айтганиларини ёзиб берарсан? – Вилоят ҳокими хавотир ва эҳтиёткорлик билан сўради мендан.

– Биринчидан, бундай бўлмаган. Оллоёровнинг репортажга мутлақо алоқаси йўқ. Иккинчидан, агар улар айтганини қилсан, айтинг, кейин қолган умримни қандай яшайман?!

Алишер aka хонанинг у ёнидан бу ёнига бориб келарди. У ҳам иккиланяпти. Балки ўзича мени кутқариб қолмоқчидир.

– Ростини айтай. Вазият сен ўйлагандан кўра анча мураккаб. Ҳозир улар заводга дахлдор ҳужжатлар билан

танишяптилар. Қолганини пешонангдан кўрасан...

Яна ташкилий бўлимга тушдим.

– Жамолиддинни, Халилжон акани тегишли идоралар сўрқ-савол қилаётган эмиш, завод, нефть маҳсулотлари базасида тафтишчилар ишлаётган эмиш... – Аскарали акадан эшитганим шу бўлди.

Хона кенг, баланд эди. Лекин негадир менга ҳаво етишмасди. Графиндан сув қуийб, бир-икки ҳўпладим, кафтимга олиб юзимга суртдим.

– Ҳақиқат қарор топади. Кўп сиқилаверманг. Оллоёров билан алоқангиз бўлмаса, сизга ҳеч нима дейишмайди.

Ҳа, Аскарали ака ҳам менга ишонмас, ишонолмай турганди. Ҳазилакам гапми ахир, айловнни ким-ким, Давлат маслаҳатчиси кўйяпти!

Шу тахлит соат кечки тўрт бўлди. Бир пайт пойтахтдан келган раҳбарларнинг барчаси хонага кириб келди.

– Ҳа-а, энди нима дейсан, Обидов, мана, ҳаммаси, ҳаммаси ёзиб берди. Сен Одилнинг закази билан шундай кўрсатув тайёрлагансан. Яхиси, сен ҳам ёзиб бер. Бўлмаса...

Улардан бири кўлидаги бир даста қоғозларни «тап» этиб столга ташлади.

Сабр-бардошим қолмаган эди.

– Ахир, мени 15-20 йилдан бўён шахсан биласиз-ку, наҳот мен ҳакимда шундай фикрда бўлсангиз?! – Мен Ички ишлар вазирига қарата овозимни кўтариб мурожаат қилгандим. – Ҳеч қанақа Оллоёровни билмайман, бу репортажда унинг кўли йўқ.

– Унда ким буюртма берган! – Маслаҳатчи овозини икки карра кўтариб бақирди назаримда.

– Ҳаёт! Ҳаёт буюртма берган!

Улар ҳам фоят асабийлашган эдилар. Мени эса титрок босди. Баданимдан совуқ тер чиқарди.

– Мұҳаммаджон ака, – деди вазир босиқ товушда, – ҳеч ким сизни айблайтгани йўқ. Фақат ҳақиқатни аникламоқчи эдик, холос. Майли, сиз бораверинг.

Сўнг маслаҳатчига қаради ва деди:

– Обидовни узоқ йиллардан бўён биламан, у бундай иш қилмайди.

Оёқларим қотиб қолганди гўё. Қани энди, хонадан чи-

қолсам. Ташкилий бўлимдаги йигитлар сув тутишди. Лекин у ичимдаги оловни боса олмасди.

Уйга келдим. Бояқиши Фотимахон! Унга ишим ҳақида бир сўз айтмасам-да, ҳаммасини билади, сезиб туради.

– Мана бу овқатдан тотининг. Кейин ётиб дамингизни олинг.

Мен бош чайқадим ва ётоқقا кириб кетдим. Йўқ. Шундай пайтда кўзга уйку келармиди?

Қандай тонг отди, билмайман.

Эрталаб телефон назаримда ҳар кунгидан баландроқ овозда жириングлади.

– Дадаси, сизни, ҳокимиятдан сўрашяпти...

«Тамом. Энди ҳаммаси тамом. Мени уйдан олиб кетмайлик деб, ҳокимиятга чақиришибди. Ўша ердан...»

Биринчи бор хотинга васиятомуз гапирдим. Кейин «Мени қамаб қўйсалар, ҳеч қаерга борманглар, барибир адолат юзага чиқади», дедим. Фотимахон ўтириб йифлади. «Болаларга мени чақиришганини айтманг», деб тайнинладим. Ҳар эҳтимолга қарши, эскироқ уст-бошимни кийиб, хайр-хўш қилиб, ҳокимиятга кетдим.

– Обидов, Обидов, бизни қанча ташвишга қўйганингни биласанми ўзи? – ҳоким гинахонлик қилса-да, очиқ чехра билан қарши олди.

Кейин ўзини бироз қофозларни титкилаганга солди. Билиб турибман. Жуда муҳим гап бор. Лекин нимадан бошлишга ҳайрон.

– Намунча хомушсан, Мұхаммаджон? – деди бу гал меҳрибонлик билан. – Ахир, бугун байрам, байрам қиласидиган кун. Сен ҳақ чиқдинг. Мана буни кара.

Алишер Отабоев олдимга тезкор хабарнома ёзилган қофозни қўйди. Ўқидим. Унда қўшни Қозогистондан нефть ортилган эшелоннинг дастлабкиси кечеёқ йўлга чиққани ёзилганди. Мен хушимга келолмасдим. Ўй-хаёлим «ҳозир хонага формали икки киши киради-ю, мени олиб кетади», деган фикр билан банд эди.

– Ҳали бу ҳаммаси эмас. Биласанми, кеча Азизов «Ўзнефтгазхолдинг» корпорациясига раис этиб тайнинланди.

Буниси мен учун кутилмаган хабар эди. Азизов кеча Фарғонага келган Президент Давлат маслаҳатчиларининг бири, у девонда хукуқий идоралар ишини мувофиқлаштирас эди.



– Ўрганишда сен келтирган далиллар исботини топди. Гап хом ашё тақчиллигига экан. Бундан Президент хабардор қилинган. Ҳозирча эса текширишяпти. Айборларнинг ҳаммасига чора қўрилади. Сенга эса катта раҳмат! – Ҳоким қўлимни маҳкам қисиб, қабулхонагача кузатиб қўйди. Кейин қулоғимга оҳиста шивирлади. – Кеча Одилжон масаласида иккиланганим ўртамиизда қолсин.

Воқеликка шу ерда нукта кўйса бўлар эди. Текширишлар чоғида аниқланган нефть маҳсулотлари тақсимотидаги камчиликлари учун база директори Жамолиддин Фоипов лавозимидан озод қилинди. Менга номаълум сабабларга кўра нефтни қайта ишлаш заводи директори Халил Нўмонов қамоққа олинди. Тез кунларда бензин ва дизель ёнилғиси таъминоти йўлга кўйилди. Ва кутилмагандан орадан кўп ўтмай, ўша номини Давлат маслаҳатчиси тилга олган Одилжон Оллоёров... нефтни қайта ишлаш заводи директорлигига тайинланди.





ЛЎЛИ АРАВАСИДАН ЧИҚҚАН МОЖАРО

Кувасой – нафақат Фарғона вилояти, балки мамлакатнинг стратегик аҳамиятга эга йирик саноат марказларидан бири. Касб тақозоси билан бу ерга тез-тез бориб турардим. Баъзи корхоналар қадрдан ҳам бўлиб қолганди. Чунки унинг ишлаб чиқариш йўналишлари кўз ўнгимда тикланган, уларнинг курилиши, техник жиҳозланиши ва фаолияти тарихида бир жиҳатдан менинг ҳам шахсимга дахлдор сахифалар бор эди.

90-йиллар бошларида «Кварц» заводи (у ўшандаги шундай номланарди) таркибида пишган ғишт ва шиша бутилка-банка ишлаб чиқариш цехлари бўлар эди холос. Мамлакат мустақилликка эришгач, иқтисодиётда босқичма-босқич ислоҳотлар бошланди. Саноат маҳсулотларини четдан келтириш ўрнига шу ернинг ўзида ишлаб чиқаришни ташкил этишга устуворлик берилди. Бунинг учун ҳукумат валюта маблағини аямас, янги замонавий технологияларни сотиб олиш, қўшма корхоналар ташкил этиш фояларини кўллаб-кувватларди. Ўша пайтда «Кварц» заводини ихтисослаштириш, модернизациялаш масаласи ҳукумат миқёсида муҳокама этилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди. Унга кўра, корхона таркибидаги пишиқ ғишт цехи реконструкция қилиниб, мустақил завод сифатида фаолият кўрсатадиган, «Кварц» таркибида эса силлиқланган меъморий ойна ишлаб чиқариш йўлга кўйиладиган бўлди. Бунинг учун етарли маблағ ажратилди, технологик жиҳозлар сотиб олинди, курилиш ишлари амалга оширилди ва ниҳоят, 1996 йилда ойна цехи тантанали равишда фойдаланишга топширилди. Унинг очилиш маросимида республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков иштирок этди. Алвон лента кесилгач, конвойер ишга тушиб, меъморий ойна чиқа бошлади.

Бу қувончли воқеа ҳақида ҳаяжон билан таҳлилий репортаж тайёрладим. Қурилиш тарихига оид архивимдаги лавҳалардан фойдаландим. Ишчи мутахассислар фикри, истеъмолчиларнинг ушалган орзулари ҳам ҳикоямдан ўрин олганди. Ойна цехининг

(гарчи у ҳозиргача ҳам «цех» деб аталса-да, аслида, йирик корхоналардан кам эмас) ишга тушиши республика миқёсидаги салмоқлы воқеалардан бири эди. У йилига 2,5 млн. квадрат метр 6 хил қалинликдаги қурилиш ойнасини ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, собиқ иттифоқ ҳудудидаги энг йирик корхоналардан қолишмасди. Бу миқдор мамлакат эҳтиёжини коплар, ҳатто маҳсулотнинг бир қисмини экспорт қилиш имконини ҳам берарди.

Хар қандай корхона узлуксиз ишлаши учун хом ашё, энергия қувватлари керак бўлса, ойна ишлаб чиқариш учун катта босим ва ҳажмдаги табиий газ зарурлиги асосий шартлардан бири бўлган. Кварц қуми хумдондаги ҳовузларда 1700 даражадаги иссиқликдагина эриб, суюқликка айланар ва унга бошқа таркибий моддалар қўшилганидан кейин оловли ойна бўлиб окиб чиқарди.

Цех курилишининг якуний босқичи чогида маблағ тақчиллиги юзага келди. Шунда корхона раҳбарияти «юқори»нинг топшириғи билан хом ашёга ажратилган маблағнинг бир кисмини курилишга сарфлаб юбордилар. Келишувга кўра, цех ишга тушгунча бу маблағ қайтарилиши ва у дарҳол хом ашё – кальций содаси сотиб олишга қаратиладиган эди. Аммо курилиш якунланиб ойна ишлаб чиқариш бошланди-ю, ваъда қилинган маблағ ажратилмади. Натижада тез кундаёқ аввалдан ғамланган кальций содаси тугаб, конвейер тўхтаб қолди. Қизиги шунда эдик, гарчи конвейер тўхтаб, ойна маҳсулоти ишлаб чиқарилмаётган бўлса-да, хумдондаги ҳовузлар остида ёқилаётган газни ўчирмас эдилар. Чунки газ ўчирилиб хумдон совуб қолса, уни қайтадан бузиб қуриш ва яна ёқиб, зарур ҳароратга олиб чиқиш учун қарийб 30 кун керак эди. Табиийки, бу катта микдорда харажат ҳам талаб қиласарди. Шунинг учун корхона маъмурияти хом ашё учун маблағ кутар, хумдонни эса ўчиrolмасди. Мен буни билганим учун жараёнга мухбири сифатида таъсир кўрсатишга ҳаракат қилдим. Лекин ўша пайтда вилоятнинг биринчи раҳбари, ҳатто республиканинг айrim раҳбарлари мени ёқтирмас, далилларга асосланган таҳлилийтанкидий репортажларимга эса шу нұктаи назардан қарап эдилар.

Нихоят, рўй бериши керак бўлган воқеа рўй берди. «Кварц»да кальций содаси тугади, лекин хумонда бир кечакундузда 30 минг кубометр табиий газ ҳеч қандай нафсиз ёниб ётар, корхонага ўша пайтдаги нархларда кунига 1 миллион сўм зарар келтирас эди.

«Кварц» маъмурияти бу ҳол оммавий ахборот воситаларида ошкор бўлишини истамас, ҳар қандай мухбир, жумладан, мен учун ҳам эшиклар ёпиб қўйилганди. Охир-оқибат, «йўли»ни топдим. Курилиш материаллари ишлаб чиқариш республика уюшмасида коллегия йиғилиши бўлишидан хабар топиб, айнан ўша куни «Кварц»га келдим. Билар эдимки, корхона раҳбари Убайдулла Отабоев Тошкентга йиғилишга кетган. У бўлганида мени корхонага киритмасликнинг ҳар қандай йўлини топган бўларди. Бош муҳандис эса кўнгилчан одам бўлиб, уни бир амаллаб кўндиридим. Тасвирчига репортажда нима ҳақида сўз боришини аввалдан уқдириб қўйгандим. У чаққонлик билан гувиллаб газ ёнаётган хумдон, бўм-бўш цех, тўхтаб турган конвейер линияси, ҳар ер-ҳар ерда тўпланиб, бизни кузатиб турган ишчилар юзидаги норозилик каби лавҳаларни тасмага туширди. Кўлимда микрофон, ишчи мутахассислар билан муаммо сабаби ва ечими ҳақида сухбатлашдим. Зарур рақамлар, ҳужжатлар билан танишиб, ҳар эҳтимолга қарши кўчирмалар олдим. Хумдон олдида туриб, кадрда «Сиз кўриб турган хумдонга кунига 30 минг кубометрдан 67 кундан бўён беҳуда газ ёқилмоқда, аммо маҳсулотдан дарак йўқ. Нега шундай бўлди?» деган савол ташладим. Табиийки, бундай савол томошабинни дарҳол ўзига жалб қилиб олар ва репортаж нима билан тугашини эътибор бериб кузатар эди.

Шу куни, шу заҳотиёқ Тошкентга йўл олдим. Материал зудлик билан эфирга берилмаса, У.Отабоев вилоят, «юқори»-даги танишларини ишга солиб, уни тўхтатиб қолишга ҳаракат қилиши мумкин. Йўл-йўлакай Фарғонадан «Ахборот» дирекциясига қўнғироқ қилиб, жиддий, муаммоли репортаж борлигини, уни эфир вақтигача етказиб тайёрлаб беришимни ва бугунги кун дастуридан икки дақика вақт ажратиб қўйишларни сўрадим. Бундай ҳол биринчи марта рўй бермаётгани туфайли таҳририятдагилар менга ишонадилар ва айтганимдек, дастур таркибиға Кувасойдаги «Кварц» корхонасидан репортаж ҳам киритиб қўйилди. Кеч соат бешларда Тошкентга етиб келибоқ монтаж столига ўтирдим. Йўл-йўлакай қофозга туширган қораламалар асосида видеолавҳаларни асосан эркин шарҳладим. У жонли, оҳорли, эҳтиросли чиқди. Кўриш чоғида раҳбарият ҳар галгидек битта савол берди: рақамлар асослами? «Ҳа» жавобини олишгач, унинг рус тилидаги вариантини аранг эфир вақтигача тайёрлаб улгурдик. Бир соат фарки билан

дастлаб рус тилидаги, сўнгра ўзбекча «Ахборот»да репортажим берилди.

Мен эрталабдан, хали «Кварц» цехларида юрган чоғимдаёқ қандайдир жиҳдий воқеа рўй беришини руҳан ҳис қиласдим. Ўзим ҳам ўша воқеа таъсирида эдим. Ниҳоят, «Ахборот» тугар-тугамас, бош муҳаррир телефони жаранглади. Гўшакдан телерадиокомпания раисининг ташвишли овози эшитилди:

– Муҳаммаджон хали кетгани йўқми? Эртага эрталаб Кувасойга ҳукумат комиссияси борадиган бўлди. Савол-жавобга тайёр бўлиб турсин. Чакириб қолишлари мумкин.

– Зудлик билан Фарғонага қайтинг, – деди гўшакни қўяркан бош муҳаррир титрокли оҳангда. – Ишқилиб, охири баҳайр бўлсин-да!

Туни билан йўл юриб, эрта тонгда Фарғонага етиб келдим.

Вилоят ҳокимининг ёрдамчисига агар керак бўлсан, шу ерда эканимни айтиб қўйдим.

Ҳокимиятда мени тушунадиган, қўллаб-кувватлайдиганлар ҳам бор эди. Шу куни мени чақиришмади. Лекин воқеа тафсилотини ипидан-игнасигача сўраб-суриштирдим. Мамлакат Бош вазирининг биринчи ўринbosари бир қанча мулозимлар билан эрталаб Фарғонага учиб келишибди. Пешингача корхона билан танишиб, вазиятни ўрганишган. Одамлар билан сухбатлашишган. Аслида, ҳамма нарса ойдиндек эди. Лекин...

Маълум бўлишича, «Ахборот» дастуридаги лавҳани мамлакат раҳбари кўрган ва корхонадаги ахволни таҳлил қилиб, зудлик билан амалий чоралар кўришга топшириқ берган. Нозик томони шунда эдики, юзага келган ҳолат учун кимдир жазоланиши керак. Лекин кимни жазолайдилар? Хом ашёга ажратилган маблағ қурилишга сарфланиб, кейин ўрни тўлдирилмаганини Кувасойга келганларнинг ҳаммаси аввалдан билар эди-да. Хуллас, корхона раҳбарига маъмурий жазо тайинланди. Дарҳол, шу куниёқ телефон орқали ҳукуматлараро даражадаги келишув натижасида Кувасойга чет элдан кальций содаси ортилган вагонлар йўлга тушди. Етти кун деганда «Кварц» ойна ишлаб чиқара бошлади.

Репортаждаги далиллар тўлиқ исботини топган, корхона яна ишга тушган бўлса-да, ўша кунлари «Халқ сўзи» газетасида «Ҳар нарсани ўз номи билан аташ керак!» сарлавҳали мақола босилди. Унда «таниқли бир журналист»нинг телерепортажида воқеликларга атрофлича ёндошилмагани хақида сўз боради.

Кейин билдимки, айрим раҳбарлар ўзбошимча муҳбирни «тартибга чақириб қўйиш»ни қатъий талаб қилганлар. Маколанинг биринчи вариантида менинг исм-фамилиям очик айтилган экан. Лекин Президент Девонидаги юқори лавозимдаги раҳбарлардан бири, аслида, воқеликдан хабардор бўлгани учунми ёки журналистни авайлабми, ҳар ҳолда исм-фамилия ўрнига «таниқли журналист» иборасини ишлатишни тавсия қилибди. Шундай бўлса-да, мақолани ўқиганлар гап айнан мен ҳақимда эканини осонгина пайқаб олгандилар. Мана, ўша мақола.

«ҲАР НАРСАНИ ЎЗ НОМИ БИЛАН АТАШ КЕРАК!»

1. «Тўғриси, мен билмайман...»

24 марта, душанба куни республика телевидениеси «Ахборот» дастурида кишини ўйлантириб қўядиган бир лавҳа намойиш этди. Ва уни шундай изоҳлади: «Яхши ният билан Кувасойда меъморий ойна ишлаб чиқарии заводи қурилиб, ўтган йили ишга туширилганди. Муҳбиримизнинг хабар қилишича, шу кунларда корхонада мураккаб вазият вужудга келган.

Муҳбир: – Бу ноёб завод қурилишига жами 1,4 миллиард сўм сарфланган бўлса, унинг 641 миллион сўми «Қварц» ҳиссадорлик жамиятининг айланма маблаги ҳисобидан олинган эди. Дастребки ойларда ички имкониятлар эвазига келтирилган хом ашёдан сифатли ойналар тайёрланди. Натижада мамлакатимизга четдан бундай қимматбаҳо қурилиши материаллари келтирилиши қисқарди. Завод маҳсулотига талаб ортиб кетди... Аммо ишлаб чиқарии ҳажми тобора камайиб, ниҳоят, умуман тўхтаб қолди. Сабаби – хом ашё йўқ. Шунга қарамай, бош қозонхонанинг иситии тармоқлари ўчирилмади, ўчирилмайди ҳам...»

Муҳбирнинг куюнчаклиги сизга ҳам юқади: бош қозонхонани ўчириб бўлмайди, чунки ойнага жило берувчи олева минг даражса иссиқликда эрийди, холос. Ҳароратни шундай тутиб турмаса бўлмайди, акс ҳолда, у қотиб қолади, яна алмаштириши учун эса олти ой муҳлат ва миллион-миллион маблағ керак.

Хом ашё хариб қилиши ҳақида шартномалар бор, фақат ўша маблағ қайтарилса, бас. «Энг ачинарлиси шуки, – дея ўртнади муҳбир, – маҳсулот бермаётган, лекин технологияга амал

қилиб ёқилаётган газ учун ҳар куни яна олти юз минг сўмдан тўлаб туриши лозим. Бу зарар келајсакда ишилаб чиқариладиган маҳсулот таннархига қўшилади, албатта». Биздаги лоқайдлик, мана, қандай оқибатларга олиб келаётир! Унинг зарарини ким кўради? Яна шу халқ. Корхона раҳбарлари нега жум ўтирибди? Худди шу пайт мухбир изоҳ беради: «Улар масъул идоралар эшикларини бир-бир қоқиб чиқдилар».

«Наҳот, масалага шунчалар совуққонлик билан қараши мумкин бўлса?» дебўйлайсиз. Айни маҳалда шафқатсиз ҳақиқат айтилади: «Корхона маблаги тез фурсатда қайтарилмаса, умуман ойначилик саноати барбод бўлишидек хавф остида».

Ўзини тўрт томонга уриб, бозорда ойна излаб юрган кишилар хаёлингиздан ўтади. Хафа бўлиб кетасиз.

Ойначилик саноатини барбод этувчи хавф таҳдиidi бизни ҳам лоқайд қолдиргани йўқ. Дафъатан қурилиши материалилари ишилаб чиқарши давлат концерни раисига сим қоқдик, гарчи мухбир изоҳ бермаган бўлса-да, ойна ишилаб чиқарувчи завод «Кварц» ҳиссадорлик жамиятига, жамият эса мана шу концернга қарайди, биз концерн раисини топа олмадик, шунинг учун ҳам унинг биринчи ўринбосари Эркин Бўтаев билан суҳбатлашидик.

– Аҳвол шундай, – деди Эркин Маннонович. – Ҳиссадорлик жамияти раиси Убайдулло Отабоев ҳам ҳозир шу ерда, маблаг қайтарилишини сўраб ҳат ёзган, шуни олиб, юқорига чиқиб кетди. Масала ижсобий ҳал бўлса керак!

Фаргона вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Алишер Отабоев ҳам «Шу маблаг қайтарилса, завод ўзини ўнглаб олади. Ахир, у Марказий Осиёда ягона», деди. Бошқалар ҳам – сафардаги йўлдошлар, Кувасойда ҳамсуҳбат бўлган одамлар ҳам шунга яқин мулоҳаза билдиришиди, ҳамма да бир фикр: қараб турмаслик керак-ку, ахир! Шундай бўлиши табиий, чунки «Ахборот» тақдим этган тасвирни бутун мамлакат кўрган, мухбирнинг куюниб айтган гаплари ҳар бир юракка етиб борган!

Лекин... мен заводга кириб боргач, тасвирдаги манзаранинг тамомила аксини кўрдим, у ҳувиллаб ётар эди! «Шундай қилиб, ииши ва мутахассислар иши жойларида, ишилаб чиқарши конвейери эса кеча-кундаз ҳаракатда. Аммо ойна йўқ», дега гапини якунлаган эди-ку, мухбир. Нимадандир норозидек бўлиб юрган ишичиларни тасвирда кўрган эдик. Қани улар?!

Менинг ҳайрон қолганимни кўриб, ҳиссадорлик жамияти раиси ўринбосари Маҳмуджон Эргашев изоҳ берди:

— Одам йүқтегига ажабланяпсизми? Бизда ши жараёни компьютер орқали бошқарилади.

Лекин бошқарув пульти ўрнатылған хоналар ҳам кимсасиз эди.

Бош қозонхонанинг бошқарув пультидагина навбатчи йиғит ўтирган экан, завод қачон тұхтатылған, деб сұрасак, у бир нима демади, шунда яна раис ўринbosари изоҳ берди:

— Яқинда-ю.

— Аниқроғи?

— Март ойида.

— У бултур 27 ағастада ишига туширилған, шундайми?

— Ҳа.

— Демак, олти ой узлуксиз ишлаган. Бу даврда у 5 миллион квадрат метр түрли хилдаги ойналар ишилаб чиқарииши керак эди. Нега маҳсулот сотилиши эвазига келадиган даромадға хом ашё харид қылымади? Нега шу йўл билан узлуксиз иши тарзи таъмин этилмади? Ойна харидоргир, қолаверса, завод мамлакатдагина эмас, Марказий Осиёда ҳам ягона. Яъни қўшини республикаларда ҳам ойнага эҳтиёж мавжуд. Шундай экан, ишилаб чиқарилған маҳсулот ўтмай қолиши мумкин эмас. Ҳўш, ундан келган даромад қани? Қаёққа кетди у? Нега?

— Тўгериси, мен билмайман, — деди раис ўринbosари. — Соҳам бошқа, умумий ишлар билан шугулланаман.

Бу ерда бўлган ҳар қандай киши худди шундай савол билан маъмуриятга мурожсаат қилиши мүқаррар. Чунки завод энг замонавий технология билан жиҳозланған. Ускуналар ҳозиргина харид қылинган ўйинчоқ машинадай кўримли, тоза. Бирон-бир юмуши қўлда бажарилмайди, иши жараёни шинам хоналарда, компьютерлар орқали бошқарилади. Маҳсулот сифатли, эҳтиёжсталаб, фақат биздагина эмас, яқин хорижда ҳам.

Беши юз киши меҳнат қиладиган шундай қудратли завод иқтисодиётимизнинг бир томонини қўтариши ўрнига, нега ҳар куни 600 минг сўм зарар келтирмоқда?

А.Ли «мен муҳандисман», деди, бош ҳисобчи Л.Нестеренко бу ишига яқинда тайинланганини пеш қилди, хуллас, «Кварц»да бизнинг бу саволимизга аниқ жавоб берадиган бирон-бир инсон топилмади.

Нега шундай бўлган?

Ҳиссадорлик жамияти боши муҳандиси А.Лининг уқтиришича, умуман ишлар ёмон эмас, ваҳима қўлмаса ҳам



бўлади, атиги 46,6 миллион сўм дебиторлик, 468,9 миллион сўм кредиторлик қарзлари бор, холос. Ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳам қатъий тартибда, яъни олдиндан ҳақи тўлангачгина харидорга берилади. Заводдаги хом ашёни тежсаши учун қайта ишлаш корхоналаридан олинадиган шиша синиқларидан фойдаланиши миқдори ҳам ўн фоизга ошган ва ҳоказо, ва ҳоказо.

Аслида-чи?

Агар вазият телевидениенинг муҳбири изоҳлаган ва жамият бош муҳандиси тасдиқлаган даражада бўлса, ҳақиқатан ҳам, айланма маблағ ундирилгач, ишни изга солиш эҳтимол мумкин бўлар эди. Лекин ҳақиқий аҳвол бошқача-ку? Бу вазиятни түгдирган сабабларнинг илдизи ҳам чуқурроқ.

Улар зўр бериб сизни бир нарсага ишонтиришимоқчи бўлишади: ишчилар ва мутахассислар ўз жойида. Завод кечагина тўхтатилган. Ҳамма гап ўша айланма маблағда қолган...

Ҳолбуки, ишчи ва мутахассислар завод тўхтагач, таътилга чиқариб юборилган. Завод эса шу йилнинг 25 январидан буён ишламай турибди. Айланма маблағ масаласига келсак...

2. Ҳужжатлар шу қадар зирҳланганки...

– Ишчиларга ниманинг ҳисобидан маош тўғрилаб беряпсизлар?

Бизнинг саволимизни бош ҳисобчи «ўзича» тушунди:

– Ҳозир ноябрь ойи учун иш ҳақи тарқатяпмиз, – деди у. – Пул етмаган ҳолларда ўсимлик ёзи, гуруч улашамиз.

– Бу маҳсулотларни олиши учун қаёқдан маблағ топяпсизлар?

– Биздан қарздор ташкилотлар кўп. Биридан у, биридан бу оляпмиз-да.

– Демак, дебитор қарз ҳисобидан маҳсулот олинмоқда, шундайми?

– Ҳа.

– Бу ўша ташкилот билан вақтида тузилган шартнома бузилишига олиб келмайдими?

Бош ҳисобчи маъюс жисмайди.

– Бу қонунга хилоф-ку?

Изоҳ бермайди у.

– Ҳужжатлар билан танишсак бўладими?

– Улар менда эмас, – дейди бош ҳисобчи.

– Нега?

– Ҳуқуқшунос олган эди.

Ҳуқуқшунос эса қаёққадир кетган бўлиб чиқади.

Хұжжатлар шу қадар зирхланғанки, шу ўринда сиз корхона құдратини чүкүр ҳис этасиз. Уларга тегишили ҳұжжатларни биз хизмат күрсатувчи банк, солиқ бошқармаси ва бошқа дахлор муассасалардан олишига мажбур бўлдик.

3. Рақамларда шафқат бўлмайди.

Дунёдаги ҳар қандай ҳодисага истаганча тус берии мумкин, аммо ҳұжжатлар, унда совукқонлик билан қайд этилган рақамлар жуда шафқатсиз бўлади. Биз танишган ҳұжжатлар «Кварц»нинг шу ҳолга тушишига аслида хўжасизлик сабаб бўлди, деб турар эди.

Рост, ҳиссадорлик жамиятининг гуллаб-яшинаған давлари бўлган: 1992 йилда 331 миллион дона шиша идиши ишилаб чиқарилган. Кейинги йилда ҳам 329,7 миллион дона маҳсулот тайёрланған. Лекин 1994 йилга келиб, иши суръати кескин туши бошлаган. 1991 йилга нисбатан олиб қараганда, ўтган йили бутилка 67, шиша банка ишилаб чиқарии суръати эса 26,5 фоизни ташкил этган, холос. Бултур 26 ноябрда вилоят ҳокими номига ёзилган хатда 22 миллион дона шиша идиши ўтмай ётганидан нолинади. Ҳолбуки, бунга қадар ҳам бир литрни ҳажмдаги шиша банкалар ишилаб чиқарии тизими тўхтатиб қўйилган эди.

Ўтган йилнинг биринчи чорагида 1995 йилнинг шу даврига нисбатан 65 миллион сўмлик кам шиша ишилаб чиқарилган. Нега деб сўрасангиз, улар маҳсулотнинг ўтмаётганигини рўйач қилишиади. Бу шунни англатадики, жамият ишилаб чиқараётган маҳсулотларни ўтказиш ҳақида деярли ўйлаб кўрилмаган. Ҳолбуки, бу идишлар, аввал айтганимиздек, бизда ҳам, хорижда ҳам эҳтиёжсталабдир. Оддийгина бир мисол: ҳар бир оила кузда помидор, бодринг неъматларидан консерва тайёрлайди. Бу мавсумда аҳоли шиша банка излаб бозор кезади. Ҳиссадорлик жамияти нега шаҳар ва қишлоқларда кичик-кичик дўконлар очмайди? Ахир, шу йўл билан ҳам ҳалқнинг ҳожжатини чиқарии, ҳам маҳсулот сотилишини таъминлаши мумкин-ку. Нега жамият республика вилоятлари ва қўшини мамлакатларга ўзининг доимий вакилларини қўймайди? Улар шу жамият номидан иши юритса, маҳсулотни тарзиб қилишиса, харидорлар топиб, фойдали шартномалар тузишича бўлмайдими?

4. «Ҳотамтой»лар.

Биз ҳиссадорлик жамиятида хўжасизлик ҳукм сураяпти, дедик. Шу йилнинг биринчи январигача бўлган ҳолатда унинг дебиторлик қарзлари 261,2 миллион сўмни ташкил этган.

Шунинг 193 миллиони муддати ўтган қарзлардир. Масаланинг кишини ўйлантирадиган томони шундаки, раҳбариятнинг ҳаддан ташқари «қўли очиқ». Улар тўлов қурбига эга тижорат фирмалари, савдо уйлари, хусусий дўконлар ва ҳамто ароқ ишлаб чиқарадиган заводларга ҳам насияга маҳсулот бериб юбораверган.

Ҳа, ҳа, сиз ишонинг, Бухородаги «Шоҳруд» ҳиссадорлик жамияти ҳам, «Фарғонативо» ҳам улардан насияга шиша олишиган. Намангандаги «Дилафрӯз», Фарғонадаги «Куддус», «Ҳилол», Самарқандаги «Гулноза», Хоразмдаги «Илҳом», Қашқадарёдаги «Камалак» фирмалари, Фарғонадаги «Орзу», Қашқадарёдаги «Чироқчи», «Саноат», «Мустақиллик» хусусий корхоналари, Бухородаги «Шарқ» савдо уйи, Хоразмдаги «Нодира» хусусий дўкони, Тошкентдаги қурилиши материалилари савдо уйи ва яна қатор хусусий, пулдор корхоналар ҳиссадорлик жамияти «ҳотамтойлиги»дан баҳраманд бўлишиган.

Кишини ҳайрон қолдирадиган яна бир ҳол шундаки, жамият қошида тузилган ташкилотлар бор. Масалан, «Кварц» савдо уйи. Шу уй 1 марта бўлган ҳолатда жамиятдан 10 миллион 832 минг 860 сўмлик маҳсулотни насияга олган. Жамиятнинг қолган ташкилотлари ҳам насияга ундирган маҳсулотлар қиймати қўшиб ҳисобланса, бу рақам 23 миллион 618 минг 409 сўмни ташкил этади.

Ҳиссадорлик жамиятининг давлат бюджетига ҳисобланган солиқлардан 1997 йил январь ойи учун 4 миллион сўмдан ортиқ қарзи бўлган. Шунга қарамай, январь ойида 35 миллион 260 минг сўмлик вексель банкда қайд этилмай чиқим қилинган. Гап бу ерда фақат тўлов интизомининг бузилишида эмас. Косанинг тагида нимкоса бор. Вексель «операция»си бу жамиятда шу қадар такомиллашганки, масаланинг моҳиятига унча-бунча одамнинг ақли етмайди. Шу йилнинг 3 январида учта вексель (жами қиймати 300 минг сўм) Кўқон қурилиши моллари савдо ишлаб чиқарши ва таъминоти жамоа фирмаси томонидан қабул қилинган. Шу куннинг ўзида шу серия, шу рақамли векселлар Кувасой шаҳридаги «Ниҳол» хусусий фирмасидан қайтадан кирим қилинган. 6 январь куни ҳам 500 минг сўмлик вексель икки марта айлантирилган. 8 январь куни эса 500 минг сўмлик вексель кирими аввал Кўргонтепанинг «Қадр» савдо ишлаб чиқарши фирмасидан, сўнг ҳиссадорлик жамияти қошидаги «Кварц» савдо уйидан, ундан кейин эса Кувасой шаҳридаги «Сайдхон»

фирмаси томонидан уч марта расмийлаштирилган. Шу куни шўринг қургур ПС 003 3102499 рақамли биргина векселнинг ўзи учта корхонада қайта-қайта расмийлаштирилган.

Холбуки, бу пайтда Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 5 декабрдаги «Бюджетга тўловлар механизмини тақомиллаштириши ва тўлов интизомини мустаҳкамлаши чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори амалда эди. Бироқ жамият векселларни расмийлаштиришида хизмат кўрсатувчи банкни ҳам, демак, қонунни ҳам четлаб ўтиб иши юритган.

Ҳақли савол туғилади: шундай қилишига нима уларни мажбур этган?

Бухгалтерия ҳисоб-китоблари тузилишининг белгиланган тартиби бузиб олиб борилиши «Қварц»да янгилик эмас. Шунинг учун ҳам бош ҳисобчи Л.Нестеренко, раис ўринбосари О.Оллоёров ва ниҳоят, раис У.Отабоевга турли миқдордаги жарима солиниб, бюджетга ундириб олинган. Собиқ бош ҳисобчи М.Абдулазизова эса бундай «баҳт»га икки марта мушарраф бўлган.

Бултур Қувасой шаҳар давлат солиқ инспекцияси томонидан солиқ қонунчилигига риоя қилинishi юзасидан ўтказилган текширув натижаларига кўра, давлат бюджетига жами 2 миллион 964 минг 962 сўм кўшимча солиқ ва молиявий жарима ҳисобланган.

Бу ҳам пул-ку, ахир! Меҳнаткашининг манглай тери эвазига келган бу маблағ, ўн иккита енгил машина бўлатуриб, яна «Сиело» олишига сарфланган бултурги харажат, дебитор қарзлар, 26 декабря ишилаб чиқарилган бўлса-да, ҳамон ҳовлида сақлаб турилган ойна-ю шиша идишлар, яъни 131,2 миллион сўмлик қолдиқ мол ҳиссадорлик жамиятининг айланма маблагига кирмайдими? Холбуки, бу корхонада умуман дебитор қарз бўлмаслиги керак. Чунки у асосан пулдор ташкилотлар билан муомала қиласди. Ваҳоланки, бу борада шундай ҳоллар ҳам учрайдики, жамият шартнома тузии ўрнига аризасига биноан ҳам жисмоний шахсларга маҳсулот бериб юбораверган.

Албатта, бундан жамият раҳбари жуда кўнгилчан одам экан-да, дея хулоса чиқармаслик керак. Ким билан суҳбатлашиманг, раисни бошқаларга нисбатан қаттиқўл ва ниҳоятда талабчан эканлигини қайд этишади. Рухсатнома бўлмаса, бегоналар ичкарига кира олмайди дейшишади. Унда нега ичкаридаги маҳсулотнинг чиқиб кетиши бунчалар осон?..

Республика ҳукумати меъморий ойна ишилаб чиқариш

заводини эзгу ниятлар билан барпо этди, қурилиши учун 792 миллион 70 минг сўм кредит ажратилди. Бундан мақсад – ҳам аҳолини ишли-жойли қилиши, ҳам мамлакатни турли хилдаги аъло нав, арzon баҳо ойна билан таъминлаш эди. Вақти-соати билан автомобиллар учун ҳам ойналар ишлаб чиқариши, аста-секин Кувасой ойнасини жсаҳон бозорига олиб чиқиши кўзда тутилган. Шу таҳлил 1999 йили завод қурилишига харжланган кредит ва унинг фоизлари тўла-тўкис узилиши лозим эди.

Лекин олти ойга етмай, у тўхтаб қолди. Ҳатто ўзи ишлаб чиқарган асл маҳсулот эвазига узлуксиз иши жараёнини таъминлай олмади.

Сабаб?

5. Арава ботиб қолибди-ку, муҳтарам раис?!

Ўтган йилнинг 1 ноябрига қадар завод 898 минг квадрат метр ойна ишлаб чиқарди, бунинг қиймати 127,3 миллион сўм бўлади. Шу ойнанинг 252,2 минг квадрат метри, 32,8 миллион сўмлиги истеъмолчига жўнатилган. Шунинг ҳисобидан келган тушум – 4,8 миллион сўм, унинг 980 минг сўми жамият ҳисоб рақамига кирим қилинган, 1 миллион 13 минг сўми векселдан иборат, 2,8 миллион сўми эса кредиторлик қарзини узишга кетган.

94,4 миллион сўмлик маҳсулот, яъни 645,8 минг квадрат метр тайёр маҳсулот омборларда қолдиқ сифатида сақланган.

Демоқнимизки, ишлаб чиқарии бор, лекин ойнани сотишдан келадиган даромад йўқ ҳисоби. Яъни у сочилиб кетган.

Ойна бор, лекин у қолдиқча айланган. Нима эмиш, катта ҳажсмда маҳсулот жўнатишнинг иложи йўқ эмиш! Харидорнинг ўзи келиб, уни олиб кетар эмиш!..

25 январгача ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг қисмати ҳам шу. Ва ундан келган даромад баҳайбат корхонанинг йиртиқ-ямоқларини қоплаига едирлиб кетган. Шунинг оқибатида хом ашё сотиб олишининг имкони бўлмаган ва янги завод тўхтаб қолган.

Аслида, бу мақолани «Арава ботиб қолибди-ку, муҳтарам раис?!» деб номлаган эдик. Ва бу бежиз эмас. Шу йилнинг 1 март ҳолатига кўра ҳиссадорлик жамиятининг 812 миллион 884 минг сўм кредиторлик қарзлари бор. Агар унга завод қурилишига харжланган кредит ва унинг фоизи қўшиб ҳисобланса, 2 миллиард сўмдан ошади. Мухбир айтиётган 641 миллион сўм «Кварц»нинг тўловларини тўлашга ҳам етмайди-ку?!

Умуман, бу рақам менга бир оз шубҳали туюлди. «Фарғона ҳақиқати» мұхбири билан сүхбатда (1996 йыл 30 июль) Убайдулло Отабоев: «Шу күнгача бир миллиард 100 минг сүмдан ортиқ капитал маблагни ўзлаштырдик, – дейди. – Қарийб 400 миллион сүмниң үз ички имконияттарымиз ҳисобига топдик. Янги цех маҳсулот шилаб чиқарышга тайёр». 2 август куни «Ферганская правда»да айнан шу рақам яна қайд этилади.

Нега бу миқдор бирдан ўсиб кетди? Ва «ички имконияттар» нега «айланма маблаг» тусини олди?

Ва умуман, ўзининг айланма маблагини нега «Кварц» курилишига шилатиб юборди? Ахир, у ҳиссадорлик жамиятику! Бундай жамиятда ҳиссадорлар кенгаши қарорисиз сариқ чақа ҳам мақсадсиз сарфланмаслиги керак!

Холбуки, Кувасой шаҳар ҳокимининг изоҳича, бундай қарор қабул қилинмаган. Қолаверса, завод ишга туширилиши ҳақидаги актга давлат комиссияси ҳали имзо чеккани йўқ. Шундай вазиятда ўша маблагнинг қайтарилиши ҳақида гап бўлиши мумкинми сира?!

Мұхбир-ку, ботиб қолган араванинг лойдан чиқишига кўмаклашмоқчи бўлибди, лекин «Ахборот»даги масъул шахслар нега бу масалага юзаки қарашибди? Улар давлат аҳамиятига молик корхона ҳақида халққа бир ёқлама инфомрация беришдан манфаатдор бўлишимаса керак? Шундай экан, мутасадди идоранинг бирон-бир мутахассисига мурожсаат этиши, масаланинг моҳиятига ойдинлик киритувчи шарҳни ҳам илова қилишиша бўлар эди-ку?!

Республика ҳукумати «Кварц» ҳиссадорлик жамиятига ҳамиши гамхўрлик қилиб келган. Ноёб шиша заводининг барпо этилиши ҳам шундан далолатдир. Бундан ташқари, ўтган йили жамиятнинг солиқдан йигилиб қолган қарзлари ва жаримаси, жами 66 миллион 240 минг сүмдан кечилди. Россиядан хом аиёҳ харид қилисин учун 1000 тонна пахта толаси берилди. Лекин улар кумилган натижани бермаяпти-ку!

Бу ерда ишни изга солиш, самарадорликка эришиши учун аввало жамиятнинг ўзини тартибга келтириши керак, шекилли? Айтишларича, кейинги йилларда шу соҳанинг фидойиси бўлган анча-мунча мутахассис жамиятдан четлатилган. Ҳозирги раҳбарият билан ишчилар орасида узилиши бор.

Ҳиссадорлик жамиятига биз кириб борган маҳалда ҳам, завод ва цехларни айланиб чиқиб кетаётганимизда ҳам беш-ўн

одам касса олдида интизор бўлиб турган эди. Касса эса берк. Навбатда турган аёллар бизга арз қилишиди:

– Ойлик олии умидида деярли ҳар куни келамиз, саргайиб навбатда турамиз. Чунки «фалон куни, фалон вақтда келинглар», деб аниқ айтшишмайди. Ҳатто мана бу кассир ҳам бизни одам ўрнида кўрмайди!

Кассир Гулбаҳор Амираевани қайдандир топиб келишиди.

– Кассада ҳозир 315 минг сўм маблаг бор, – деди у. – Аммо буни бош ҳисобчининг кўрсатмасисиз тарқата олмаяпман.

Бош ҳисобчи эса ўзлари жорий этган тартибининг инсонпарварлик жиҳатлари ҳақида гатирди. Ҳуллас, ўша куни маошдан, ўтган йилнинг охирга чораги учун болаларга бериладиган нафақа тулидан умидвор бўлиб келганлар ноумид бўлиб қайтишиди.

Энди икки оғиз завод ҳақида. У ишлайди ва бу ҳақда гап бўлиши мумкин эмас.

6. Қувасой ойнаси дунёни забт этади.

– Ҳали у тўхтамасидан аввал биз шу масала билан шугуллана бошлаганмиз, – деди Ўзбекистон қурилиши материаллари ишилаб чиқарши давлат концерни раиси Акрамжон Ибобеков. – Бир томондан, у ҳиссадорлик жамияти бўлса, ҳадеб ички ишиларига аралашиш жоиз эмас. Иккинчи томондан, шундай завод... Эрта-индин 32 вагон сода Кримдан етиб келади. Бунга қаноат қилмай, яна 700 тонна содани Фазалкент ойна заводидан олиб «Кварц»га бердик. Ҳом ашё йилнинг охиригача етиб ортади. Лекин бошка бир муаммо мени ўйлантириб турибди: қайтарши учун олинган кредит ва унинг фоизини икки йилга чўзмаса, қийин-ов. Завод тўла қувват билан ишига киришигач, буни унутиб юбориши ҳеч гап эмас. Насиб этса, ҳали Қувасой ойналари жаҳон бозорини забт этади.

Концерн раисининг фикри, умуман, яхши. Ҳозир фақат у киши эмас, бошқалар ҳам жамият олган фоизли кредит тўлов муддатини узайтиши ҳақида таклиф киритган. Лекин нега улар бунинг оқибатлари, сўмнинг қадрсизланиши унинг товар билан таъминланишига монелик қилиши, яъни ҳолатга етказадиган зиёни ҳақида лом-мим дейшишмайди? Ва бунга олиб келган сабаблардан кўра-била туриб кўз юмишади. Ойначилик саноати барбод бўлишидек хавф остида қолган бўлса, бунинг учун ким айбдор?

Телевидениенинг мухбири, мана, нимага эътиборни қаратишни лозим эди.

«Содда қилиб айтганда, ҳар қайси фикр, ҳар бири миз: «Шу давлат, шу жамият бизга нима берди?» деб эмас, балки: «Мен она Ватанимға, әлу юртимға нима бердім?» деб ўйлашимиз ва шу ақида билан яшашимиз керак» (Ислом Каримов). Шу ақида билан яшашимизга эса маърифатдан шахсий манфааттнинг устун келиши түскінлик қылмоқда. Бундай вазиятта халқимиз ҳамиша эъзозлаб келганды шоуру адіблар, олиму журналистлар айтадаган Сўз азиз ва таъсирчан бўлсин. Ижодкорлар – халқнинг вижедони, дейшишади. Бу шунчаки айтилган гап эмас. Бу шиор, табиийки, айтар Сўзга бўлган масъулиятни янада оширади.

«Сўз инқилоб ясай олмайди, аммо яхши кишиларни инқилобга ҳозирлашга қодир», деган эди Чингиз Айтматов. Муайян мақолада айтилган сўз тасвир билан уйғунлашса, нечоғли таъсир кучига эга бўлишини мен «Кварц» ҳиссадорлик жамиятида, ўша эшик, ўша қозонхона олдига боргандада ҳис этдим. Ва у бундай қилмаслиги керак эди, деган фикрга бордим.

Хувиллаб ётган заводдан чиқиб, ҳовлида қолдиқ маҳсулотлар уюмини кўздан кечирганда, касса олдида турган аёлларни учратганда, уларнинг арзини тинглагандада эди бир бор... Шу фикрга бордим, чунки телевидение ходимлари бу жамиятда бир эмас, бир неча марта бўлишган, уларнинг маҳсулотларини тарғиб этиши ниятида шартномалар тузган, жамият шу мақсадда олти ойда 4500 АҚШ доллари ва 270 минг сўм сарфлаган. Айни ташвиқот ишлари кўнгилдагидек бўлмаган шекилли. Йўқса, шунча маҳсулот чанг босиб ётмаган ва мана бу ишчилар ҳам вактида маошини олган бўлар эди. Бу, албатта, кишини оғир ўйга толдиради.

Қачонгача биз ёниб турган мавзуларни четлаб ўтамиз. Дебитор ва кредитор қарз – энг оғрикли муаммо. Аксарият ҳолда буни тугдираётган – раҳбарнинг «ҳотамтойлиги». Нега бу мавзу таҳлилига багишланган, «ҳотамтойлик»нинг асл оқибатлари очиб ташланган, ишнинг силжиишига нафи тегадиган мақолалар, кўрсатувлар кам?

Пул эмиссияси, хусусийлаштириши борасида муаммолар озми? Ислоҳотларга тўсиқ бўлаётган масалалар етарлими? Нега биз аксарият ҳолларда мавзунинг атрофида ўралашиб қоялпмиз? Ҳатто қойилмақом ишлар қилаётган кишиларни бошқаларга ибрат қилиб кўрсатишнинг ҳам уддасидан чиқа олмаяпмиз.

Чунки давр янги, биз ҳамон бу дунё ичига киришига журъ-

ат сезмай турибмиз. У бир иқтисодчи, бир ҳуқуқшунос, бир олимчалик илм тақозо этади. Журналист эса, астайдил истаса, шуни ўзлаштириши иқтидорига эга. Муҳими, чин дилдан шига киришиши, миллионлар, миллиардлар айланашган дунё ўша – касса олдида турган ва бир сўмни ҳам қадрлайдиган заҳматкашлар манфаатини унумасликдир.

Ватан манфаати, давлат манфаати, халқ манфаати дегани шу аслида.

Гаффор ХОТАМОВ,

«Халқ сўзи» газетаси, 73-сон. 1997 йил 4 апрель.

Мақола зўрма-зўраки ёзилгани шундокқина кўриниб турар эди. Чунки у аввалдан берилган йўлланма асосига қурилган бўлиб, бирон сатрда ҳам телерепортажда қўйилган муаммони тўғридан-тўғри тилга олмас, сабабини изламас эди. Аксинча, яна корхонани «айбдор» қилиб, бу акционерлик жамияти эди, нега 640 миллион сўм маблағ ҳиссадорлар розилигисиз қурилишга сарфлаб юборилган, дейилади. Ҳамма биладики, биринчидан, корхона раҳбари бунча маблағни ўз ихтиёри билан тасарруф этолмайди, иккинчидан, меъморий ойна цехи қурилишида ҳукумат раҳбарларидан бири Кувасойда бир ойда икки бор «штаб» ўтказар, корхона «ички имконияти» унинг топшириги бўлмаган ҳолда қурилишга сарфланмас эди.

Қолаверса, мақола муаллифи силлиқланган ойна қолиб, кукун шиша идиш ва банка қолдиклари, бозори касод маҳсулот сотилсин деб мижоз ҳамда савдо дўконларига аввалдан тўловсиз берилганини ургуларди.

Хуллас, мана сенга хом ашё, аввал корхонани юргиз, дедилар. Айни чоғда юзага келган ҳолат учун шу ернинг ўзида айбдор топасан, дея катта гуруҳдан иборат тафтишчилар ташланди. «Халқ сўзи»даги мақола аслида муаллифнинг журналист суриштируви ва мулоҳазалари эмас, тафтиш материаллари асосида «топшириқ» нуқтаи назаридан ёзилган роппа-роса бир сахифалик «оқлов» эди.

Тўғри, бошқарув фаолиятида айрим камчиликлар бўлган. Буни тафтиш кўрсатди. Аммо бош муаммо – корхонани яна ишлатиб юбориш эди. Шу кўрсатувдан сўнг бу масала энг юқори даражада муҳокама қилинди, хом ашё учун маблағ ажратилди, «Кварц»да яна меъморий ойна чиқа бошлади. Мен, телевидение мухбири учун шуниси муҳим эди.

Орадан бирон ҳафта ўтди. Эрталаб уй телефони жиринглаб қолди. Гўшакни кўтарсам – Убайдулла Отабоев. Салом-аликдан сўнг, бир учрашсақ, деб қолди. Биз Фарғона шаҳрида кўришдик. У негадир Кувасойга боришимга кўнмади.

– Бир гапни билиб кўйишингизни истардим, – деди Отабоев босиқлик билан. – Сиз репортаж бергунча биз жим ўтиргмаганмиз. Ҳаддимиз сиғадиган барча идоралар, раҳбарлар эшигини қоқиб, муаммони айтганмиз. Лекин...

Убайдулла акани тушунганимни билдириб, бош иргадим.

– Биламан...

– Билсангиз, шунака гаплар. Мана, корхона ишлаб кетди. Ҳозир йил охиригача етадиган хом ашё фамлаб олдик, кредит ҳам беришди. Тўғри, мен жазоландим, лекин барibir сизга раҳмат!

Орадан бир неча йил ўтди. «Қварц» раҳбари ўзгарди. Корхонага Италияning «Текин» компанияси ҳамкорлигида замонавий технология келтирилди. Энди шиша идишларни истаган ҳажм ва шаклда ҳалқаро меъёрлар талабига мос ҳолда ишлаб чиқарилар эди. «Қварц» менга «қадрдон» бўлгани учун ҳам яна аста-секин корхонага борадиган, бу каби ютуқ ва янгиликлар ҳақида лавҳалар тайёрлайдиган бўлдим.

* * *

Ёз кунларининг бирида Фарғона шаҳри ҳалқа йўлидан кетаётib, учта эшак аравада турли хил ичимлик шиша идишларини қаергадир олиб кетишаётганини кўриб қолдим. Машинани секинлатиб, уларни кузатдим. Аравалар бир оз юришгач, йўл ёқасидаги ҳовли дарвозасидан ичкарига кириб кетди. Қизиқ, бу ерда шиша идишлар қабул килиш пункти бўлмаса, илгари истеъмолда бўлган идишларни нима килишар экан? Тасвиричи Шухратжон Мирзакаримовга камерани ишлашга ҳозирлаш, ичкарига киргач, воқеликни тўхтовсиз тасвирга тушириш, микрофонни ишлатиб кўйишни айтиб, аравалар ортидан кириб бордик. Ҳовли чамаси 15-20 сотих эди. Ҳар ер-хар ерда тоифаларга ажратилган сув, ароқ, вино бутилкалари тўп-тўп қилинган. Одам яшайдиган биронта ҳам уй йўқ. Бояги арава эгалари – лўли аёллар бир-бирига навбат бермай, бир йигит билан савдолашардилар. Шухратжон менинг имоим билан тасвирга туширишни бошлади. Орадан бир оз ўтгачгина бизни пайқаб қолдилар ва камера томон югуриб, уни тўхтатмоқчи бўлдилар. Лўлилар билан аранг «келишдик». Улар пулини

олиб кетгунча кутиб турдик. Кейин дарҳол «хужум»га ўтдим. «Бу қандай жой?», «Бу идишлар нима учун тўпланяпти?», «Лўлилардан сотиб олинаётган шишалар пулини ким сизга бериб туради?» каби саволлардан ҳалиги йигит қочиб кутила олмади. Ҳаммаси бир зумда аён бўлди. Маълум бўлишича, ҳалқа йўл ёқасидаги эгасиз жойни ўзбошимчалик билан ўраб олганлар. Лўлилардан сотиб олинган идишларни саралашар, сўнг «хўжайин» катта машиналарга юклитиб, арок-вино заводларига топшириб келар экан.

– Эртага шампан шишаларини жўнатамиз, – деди йигит.

Во ажаб, демак, илгари ишлатилган арок-вино идишларига корхоналар яна қайтадан ичимлик қуяр экан-да? Бу санитария қоидаларига тўғри келадими?

Мен дарҳол Тошкентдаги озиқ-овқат илмий текшириш институти, Давлат стандартлаштириш идораси ва Шахрисабз вино заводида ишлайдиган бир танишимга телефон қилиб, бу ҳақда маълумот йигдим. Аниқлаганим шу бўлдики, спиртли ва вино маҳсулотларини такрорий идишга куйиш мутлақо мумкин эмас экан. Энди бир савол очиқ қолган эди: унда нега арок, вино заводлари илгари ишлатилган идишлардан фойдаланадилар?

– Вой бўй, битта «тирикчилик»дан хам қуруқ қоламиз, шекилли, – деди вино заводидаги танишим кулиб. – Бу саволингизга жавоб беролмайман.

Бояги ҳовлида битта бўш идишни 20-30 сўмдан қабул қилиб, заводларга 40-50 сўмдан топшираётганлари ҳақида интервю ёзиб олгандим. Дарвоқе, ҳозир битта янги, ҳали ишлатилмаган идиш неча сўм экан? Биз дарҳол Қувасойга, «Кварц»га йўл олдик. Корхона раҳбарининг кайфияти йўқ, бизни совуққина кутиб олди.

– Мактнадиган бирон гап йўқ ҳозирча. Режаларни ортиги билан бажаряпмиз-у, маҳсулот омборларга тўлиб-тошиб кетди. Реализация йўқ, ака.

– Илтимос, бир заводни айланайлик.

Раҳбар аранг ичкарига йўл бошлади. Маъмурий бинодан ўтишимиз билан корхона ҳовлиларига одам бўйи баробар вино, арок идишлари таҳлаб қўйилганини кўрдик.

– Ичкарида жой қолмагач, ташқарига ҳам қўйишга мажбур бўляпмиз, – деди раҳбар зарда билан. – Ҳайронман, республикада минерал сув, ичимлик заводлари тўхтаб қолганми ўзи, бир кунда аранг 15-20 минг дона сотиляпти холос. Ишлаб

чикириш ҳажми эса 4-5 баробар юкори. Иш бундай кетаверса, цехни тұхтатамиз.

— Вино, ароқ, минерал сув идишларининг бир донаси неча сўм туради? — сўрадим мен.

– Сигими, ранги, оғирлигига қараб, 80 сүмдан 120 сүмгача.

Мен корхона сотув бўлимида маҳсулот сотиш ҳақидаги шартномалар ва уларнинг бажарилиш ҳолатини ўргандим, керакли хужжат нусхалари, маълумотларни олдим. Шу ерда мутахассис интервьюси ҳам тасвиргга туширилди.

Тошкент вино комбинати бир йилда бир неча юз минг идиш сотиб олиш ҳақида «Кварц» билан шартнома тузгану, аммо биринчи ярим йилликда атиги 7 фоизгина идиш сотиб олган эди. Дарҳол Тошкентга, Ўзбекистон Мева-сабзавотчилик ва виночилик саноати уюшмасига кўнғироқ килдим. Уюшма раиси илгари Андижонда вилоят савдо бошқармасига раҳбарлик қилинган. Бир муддат аввалроқ уни янги лавозими билан табриклагани борганимда уюшма раҳбариятидаги айrim амалдорлар билан танишиб олгандим. Улардан бирининг телефон рақамини тердим.

— «Тошкентвино»да янги хил маҳсулотлар чиқараётган экансизлар,— дедим тусмоллаб.— Бундай хушхабарни республика билиши керак.

— Э, қўйсангиз-чи, бизга реклама керак эмас, лекин жуда зўридан ишлаб чиқариляпти, — деди раис ўринбосари. — Сизга, албатта, намунасидан юбораман.

— Махсулот тури кўпайиб, сифати яхшилангани дуруст, аммо режалар-чи, бажариляптими?

— Мактаниш эмас-у, лекин бирон ой «Тошвино» режаси 110 фоиздан камига бажарилмаган.

Режа ортиги билан бажарилаётган бўлса, унда маҳсулот қайси идишга қуиляпти? Шу пайт эски идиш сотиб олаётган йигитнинг кечаги гапи ёдимга тушди. Келаси кун ҳали қуёш қўтарилимасдан ҳалқа ўйлидаги ҳовлини узоқдан туриб кузата бошладик. Соат саккизлар чамаси «КамАЗ» юк машинаси келиб ичкари кирди. Биз борсак, ҳовлидагилар билиб қолишади. Нима қилсан экан? Шу пайт велосипед минган ўспирин йигит ўтиб колди. Уни тўхтатиб, секин эшикдан мўралашни, машинага нима юклашаётганини билиб беришни илтимос қилдим. Кеча ёлғон гапиришмаган экан, «КамАЗ»га йифиб қўйилган шампан бутилкалари юкланаарди. Бир ярим-икки соатдан сўнг

ховлидан чиққан юк машинаси ортидан ўта эҳтиёткорлик билан, билдирамасдан, биз ҳам довон ошиб Тошкентга, «Тошвино» комбинатига келдик. Табиийки, машинанинг Фарғонадаги ховлидан чиқиши, «Тошвино»га кириб кетишини яширинча тасвирга туширидик. Энди энг оғир иш – вино заводи ичига бир амаллаб кириш ва қандай қилиб бўлса-да, эски идишларга маҳсулот қадоқланаётганини тасвирга тушириш қолганди.

Директор «ҳозир вақтим йўқ», деб бизни қабул қилмай, касаба уюшмаси раисига юборди.

– Телевидениедан келишларинг ҳақида бизга айтишмаганди, очиги, телевидениебоп гап йўқ бизда. Директор айтдилар, нима хизмат бўлса, мен тайёрман, – мулоҳимлик билан кўл қовуштириди бизни хонаси томон бошлаган одам.

Мен республика уюшмаси раисининг ўринбосари янги маҳсулот ва корхона муваффакиятлари ҳақида гапирганини эслатдим.

– Қачон, қаерга, қанча олиб борайлик?

Бундай жавобдан бир оз довдираған бўлсам-да, муғомбирликка ўтдим.

– Албатта, ундан татиб кўришга улгурамиз. Лекин аввал бир оз бўлса-да корхона кўринишларини тасвирга тушириб олайлик. Илтимос, энг чиройли цехларга бошланг. Ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи ҳам бирга юрсин. Бир оғиз интервью беради.

Шундай деб ичкарига кирдиг-у, шампан виноси цехи қаерда экан, деб кўзим олазарак эди.

Йўлбошчи ҳам «кув» экан. Бизни кўргазмалар залига олиб борди.

– Бу ерда ҳамма нарса бор. Истаганингизча тасвирга тушираверинг.

Ноилож, аслида, бизга кераксиз тасвирларни тасмага тушира бошладик. Шу пайт деворга қўйилган корхона ёнгин хавфсизлиги харитасига кўзим тушиб қолди. Дарҳол ҳозир қаердамизу, шампан цехи қаерда – билиб олдик.

– Мен буларни гапга тутиб тураман. Сиз анави бинога боринг-да, идиш ювишдан то қадоқлашгача бўлган жараённи тасвирга олаверинг. Цех раҳбарлари ҳе-бе деса, кулоқ солманг.

Шуҳратжон «тушундим», дегандек бош иргади.

Келишганимиздек, мен мезбонларни каттагина залнинг тўрига бошладим. Маҳсулотларни обдон мақтадим. Кейин ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ҳеч эринмай сўраб-суриштириб, ён

дафтарчамга ёзib олдим. Мезбонлар тасвиричи чиқиб кетганини сезиб қолмасин деб, күргазмага қўйилган ҳали у вино, ҳали бу арок олдига олиб келиб, тўхтосиз саволлар беравердим. Нима қилиб бўлса-да, вақтдан ютишимиз керак эди. Шу пайт ўрта ёшли бир киши ҳовлиқиб келиб қолди.

— Шампан цехини суратга туширишга сиз рухсат бердингизми?

Ҳамроҳларим ҳайрон елка қисдилар.

– Хеч гапга кирмайдиган оператор экан. Энди бутилка ювиш хонасига кириб кетди.

— Ну-ка?

Хамма күргазма залидан чиқиб, шампан цехига югурди. Шұхратжон ишчилардан бири шампан виносидан бўшаган шиша идишлар қофозини тозалаётган, бири қолиб кетган қопқоғини олаётган, саккиз-ўнгаси эса қорайиб кетган, мөфор, кир тогорадаги мағзавали сувда чайқаётган ҳолатни обдон суратга тушираётган экан.

— Түхта, ким рухсат берди сенга бу ерга киришга? — дағдаға қилди ишлаб чиқарыш цехи бўлими бошлиғи камерага ёпиша солиб.

Сир очилган эди. Энди очиқ «ўйинга» ўтмаса бўлмайди.

— Камерадан кўлингизни тортинг. Ҳамма гап ёзиляпти, — дедим-у, микрофонни үлаб унинг ўзини саволга тутдим.

— Бу қанақа идишлар? У қаердан келади? Нега уларга шампан виноси қүйапсизлар?

Хамсухбатлар корхона идораси томон юргурганча кетиб қолдилар. Биз ҳар дақиқаны фанимат билиб, күринишидан анчадан бүён ишламай ётган эхтиёт қисмлари сочилған идиш ювиш агрегатини тасвирга тушірдік. Тоғораларда чала чайқалған идишларға вино қуиғи, янги этикеткалар ёпиштирилаётган лавхаларға хам үлгурдик.

— Сиз тезда ташқарига чиқинг-у, машинага ўтириб ҳайдовчи билан кетаверинг. Кассетани ҳеч кимга берманг. Телевидение олдида учрашамиз.

Тасвирчи дарвозага, мен идора томон шошдик. Қарасам, бояги ҳамроҳларим комбинат раҳбари билан келишяпти.

Зардали салом-аликдан сүнг директор ҳужжатимни сўради.

Чүнтагимдан иккита гувоҳнома олдим. Бири мухбир эканимни тасдиқловчи, иккинчиси Олий Мажлис депутати эканим ҳакида эди.



– Хонага кирайлик, – деди директор терс бурилиб.

Сұхбатимиз хеч қовушмади. Директор биттә саволни такрор ва такрор берарди.

– Сизни ким юборди бу ерга?

Жавобимдан қониқмагач, мен учун ҳеч кутилмаганда, осонгина хайрлашди.

Орқамдан ҳеч ким кузатгани ҳам чиқмади. Бунинг сабабини кейин билдим.

Мен шу куниәк мутахассислардан бир неча интервьюлар олғач, репортажни монтаж қилдим-у, «Ахборот» директори, телерадиокомпания раиси Абдусаид Кўчимовга кўрсатдим.

– Каттароқ томирни босиб олибсиз-ку, ярим кундан бүён тинчлик йўқ менга, – деди раис кулиб. – Охири телефонни олмай кўйдим. Материал пишиқ-пухта бўлибди. Шу бугунок эфирга берамиз.

Одатимга кўра, бундай кунларда репортажим эфирга берилгунга қадар редакциядан кетмайман. Чунки нима гап бўлса, «Ахборот» тугагач, бошланади. Бугун ҳам шундай бўлди. Раиснинг айтишича, давлат раҳбарининг топшириги билан эртага республикадаги барча ароқ-вино заводлари тегишли мутахассислар томонидан кўздан кечирилар экан. Бир кун ўтиб эса Қувасойда «Ўзмевасабзавотвиносанаат» уюшмасининг кўчма ҳайъат йигилиши ўтказилиши белгиланибди.

Мен Фарғонага қайтдим. Дарҳақиқат, бир кундан сўнг «Кварц»да республиканинг барча ароқ-вино заводлари директорлари, уюшма раҳбарлари йиғилдилар. Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Темур Алимов иштирокида ўтган ҳайъат йигилишидан сўнг ўнлаб машиналар ва вагонларда янги ишлаб чиқарилган шиша идишлар барча вилоятлардаги ароқ-вино заводларига, жумладан, Тошкент вино комбинатига ҳам жўнатилди. Кейинчалик маълум бўлишича, корхоналар илгари истеъмолда бўлган шиша идишларни арzon баҳода сотиб олиб, турли фирмалар номидан сохта хужжатлар асосида ҳар бирини камида икки баробар киммат нархда кирим қилар эканлар. Ўзбекистон виносини хорижда сотиб олмаётганларининг сабаби ҳам вино маҳсулотини халқаро талабларга зид равишда такрорий идишларга кўйилаётганида эди. Ҳайъат йигилишида бундай «тажриба»га чек қўйиш, тафтиш натижаларига кўра айборларни жазолаш ҳакида қарор қабул қилинди.



ИМПОРТ ҚИЛИНГАН САРИЁФ КИМГА КЕРАК ЭДИ?

Фарғона туманидаги Навоий номли жамоа хўжалигининг раиси Рўзимат Раҳимов кўпни кўрган, оғир-босиқ, ҳаётий тажрибага бой инсон эди. Қачон йўлим шу ҳудуддан ўтса, бирров кириб, Рўзимат отани зиёрат қилиб, бир «чимдим» бўлса ҳам сухбатлашиб кетардим. Бу гал раисни чорвачилик фермасидан топдим. Хўжаликда республикага донғи кетган наслли чорвачилик ташкил этилганди. Ҳар бош сигирдан кунига ўртacha 14-15 литрдан сут соғиб олинган. Ўша пайтда вилоятда атиги учта сут заводи бўлиб, барча хўжаликлар маҳсулотни уларгагина топширишга мажбур эди.

– Сутни сувтекин баҳосида қабул қиласидар, лекин шунда ҳам ҳақини ойлаб, ҳатто йил ўтса-да тўламайдилар.

Раисни бугунгидек тажанг кайфиятда биринчи бор кўришим эди.

– Ахир, чорвага ем сотиб олишимиз керак-ку!

Шу сухбатдан сўнг чамаси ўн кунлар давомида бир неча шаҳар, туманларда бўлдим. Таҳририят топшириғи билан турли мавзуларда лавҳа, репортажлар тайёрладим. Аммо ўй-фикрим Рўзимат отанинг задали сўзларида бўлди. Негадир бу савол менга тинчлик бермасди. Ниҳоят, Фарғона сут заводига келдим.

– Э, ука, бизда қандай янгилик бўлсинки, уни гапириб республикага мақтансак. Сут-қатиқдан бошқа гап йўқ, – деди корхона директори Алижон Латипов.

– Мен иқтисодиёт, статистика идораларидан корхона ҳақидаги маълумотларни олдим. Фақат сут-қатиқ эмас, ўнлаб тонна сариёф ишлаб чиқарилибди. Шунга қарамай, кредитор қарздорлик камайиш ўрнига, ортиб боряпти. Бунинг сабаби ишни ташкил этиш билан боғлиқ эмасмикан?

Директор нимага шама қилаётганимни дарҳол пайқади. Қолаверса, кўлимдаги рақамлар асл ҳолатдан дарак бериб турарди. Шунинг учун мен билан очиқласига гаплашишга мажбур бўлди.

– Ёз чилласида қадокланган сут ва қатиқ маҳсулотини узок сақлаб бўлмайди. Шунинг учун сариёф ишлаб чиқариш ҳажмини мажбуран оширдик. Аммо уни негадир сота олмаяпмиз.

– Балки сифати...

— Йўқ-йўқ. Мана, лаборатория хulosаси, мувофиқлик сертификати, — Латипов сейфдаги папка орасидан иккита варакни олиб узатди.

Шу куни ёк корхона иш фаолиятига доир лавҳаларни тасвирга туширдик. Маҳсулот омборини ҳам очиб кўрсатишига аранг кўндиридим.

— Бугунги кунда заводимиз омборида 50 тоннадан зиёд олий навли сариёf бор. Унинг сотувидан тушган маблағ хўжаликлар олдидағи қарздорлигимизни қоплашга етади, — деди Латипов то шипгача тахланиб ётган сариёf кутилари ёнида туриб берган интервьюсида.

Сут заводидан чиқиб, Фарғонанинг энг катта озиқ-овқат дўйонларига кирдим. Ҳаммасида сариёғ сотиляпти. Лекин... хорижники. Нархи ҳам киммат. Ўша йиллари савдо дўйонлари энди хусусийлашаётган, марказлашган бошқарув ва таъминот тизими эса кучини йўқотмаган эди. «Нега сотувда Фарғонада ишлаб чиқарилган сариёғ йўқ, ҳаммаси хорижники?» деган саволимга:

— Бизга бошқарма, савдо базалари етказиб берганини сотамиз-да, — дер эдилар дүкон раҳбарлари.

– Республикага катта микдорда сариёғ импорт қилиб, олиб келинган. Вилоятимизга ажратилганини ҳали сотиб тугатганимиз йўқ, – деди вилоят савдо бошқармаси бошлиғи Тўлкин Мўйдинов. – Аслида, ҳеч бири сифат жиҳатидан Фарғонанинг сариёғига бас келмайди. Бақти келиб уни ҳам сотармиз.

Мен Латиповга қўнғироқ қилдим.

— Сариёф сифатли бўлса, нега уни экспорт қилишга уриниб кўрмадингиз?

— Қозоғистондан харидор чиққан эди, лекин биласиз, Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган тартибга кўра, сариёғ экспортига йўл кўйилмайди.

Шундай қилиб, мавзу «пишган» эди. Мен чорвадорлар билан учрашиб, улар заводга сотган сут учун ҳақини вақтида ололмаётгани, Фаргоня сут заводи омборларида 50 тонна олий навли сариёф бўла туриб, вилоятга валюта эвазига четдан сариёф олиб келинаётгани, қолаверса, у қиммат экани, афсуски, маҳаллий сариёғни экспорт қилиш тақиқлангани, бундай аҳвол мамлакат иктисадиётига зарар келтириши, ички маҳсулот етказувчи ва ишлаб чиқарувчи манфаатига зид экани ҳақида расмий рақамлар

(одатимга кўра, иктиносидиёт, статистика, молия ҳисоботларидан, жамоа хўжаликлари, корхона ҳамда вилоят савдо идорасига оид хужжатлардан кўчирма олгандим) асосида икки дақиқали репортаж тайёрладим.

Мамлакатга хориждан сариёғ олиб келтирилишига вилоят савдо идорасининг дахли йўқлиги, бунинг ортида юқорирок мансабли одамлар турган бўлишини, агар бу репортаж эфирга узатилса, улар менга «раҳмат» айтмасликларини аввалдан билардим. Лекин муаммони кўриб кўрмасликка, билиб билмасликка олиш ҳам журналистлик касбимга хиёнат бўларди. Шунинг учун бу каби жиҳдий материал эфирга узатилгунча тепасида турганим маъкул. Дарҳол Тошкентга йўл олдим.

«Ахборот» директори коса тагидаги нимкосани тушунди.

– Чет элдан сариёғ импорти давлат идораларининг иштирокисиз амалга ошмайди, – деди у пешонасини тириштириб. – Бошимиз жанжалга қолмасмикан?

– Биргина Фаргона сут заводида 50 тонна олий навли сариёғ турибди ахир, – бўш келмадим мен ҳам. – Республиkanинг қолган заводларида ҳам шундай ахвол бўлса-чи?! Бу репортаж билан ҳам чорвадорга, ҳам сутни қайта ишловчига ёрдам берган бўламиз-ку!

Узоқ баҳс-мунозарадан сўнг репортаж дастур тартибиغا киритилди. Гарчи ҳар бир сўз, ҳар бир тасвир менга аллақачон ёд бўлса-да, «Ахборот» эфирга бериладиган дақиқаларда репортажим хеч тугамаётгандек туюлди. Нихоят, ўзим тасвирида кўриниб, таънали оҳангда савол қўйдим: «Сифат жиҳатидан қолишмайдиган ва эҳтиёжга етарли ўзимизнинг сариёғ турганида уни чет элдан сотиб олиш ўринлими?»

Орадан ярим соат ўтди. Тахририятдан кетолмадим. Юрагим қаттиқ фаш тортди. Гўё тош осилиб тургандек. Шу пайт хонага ҳовлиқиб навбатчи кириб келди.

– Хайрият, шу ерда экансиз. Раис ахтаряпти.

Илгарилари ҳам баъзи-баъзида «шовқинли» гап-сўзлар бўлган. Аммо бу гал воқелик бошдан бошқача кечди.

– Обидов, билиб, қўй, мен бу материални эфирга беришдан аввал кўрмаганман. Тушундингми, кўр-ма-ган-ман!

Шавкат Яҳяев тер босган пешонасини юзи аралаш артди. Сўнг бир муддат у ёқдан-бу ёққа безовта қадам ташлаб юриш қилди.

– Хуллас, гап бундай. Эрталаб Вазирлар Маҳкамасига бора-

миз. Исмоил ака хузурида муҳокама бўлади. Кечирим сўрайсан. Адашибман, дейсан, материалдан раиснинг хабари йўқ эди, дейсан, тушундингми?

Масала мен тасаввур қилганимдан ўн, балки юз чандон жиддий эканини англай бошладим. Яхъев ҳеч қачон бугунгидек ташвишга тушмаган, «Ахборот»ни эфирга беришдан аввал ўзи кўриб қабул қилиб, матнлар йигма жилдига «рухсат этилсин» дея имзо чекса-да, кейин уни тан олмаган ҳолати биринчиси эди.

Қизик. Югуриб юриб ишлаганингда вақт етишмайди. Бугун эса... Қани энди, тонг ота қолса. Тун ҳам шунчалар узок бўладими?

Эрталаб соат саккиздаёқ Яхъев билан Вазирлар Маҳкамасига келдик. Бош вазирнинг биринчи ўринbosари қабулхонасига иккинчи бор келишим. Бу сафар ҳам «разборга» тушдим. Исмоил Ҳакимович одатда ишга барвақт келадими ёки бугун шундай бўлдими, қабулхонада ўн чоғли сипо кийинглан одамлар кутиб туришарди. Сезиб турибман, ҳамманинг кўзи менда, ўзаро эшитилар-эшитилмас нималар ҳақидадир гаплашар эдилар. Ичкаридан менга илгаридан таниш бўлган ёрдамчи чиқди.

– Киринглар.

Яхъев қўлимдан тортди.

– Ҳаммаси эсингда-а?

Катталарга йўл бериб, энди хона остонасига етган эдим:

– Сиз ўтириб турар экансиз, – деди ёрдамчи. – Кейин чақиришиади.

Гарчи эшик ёпик бўлса-да, ичкаридан Исмоил аканинг овозини «қўйиб» гапираётгани эшитилиб турарди. Мен онасидан ажраган кўзидек мўлтираб қолдим.

Йўқ. «Разбор» узок чўзилмади. Боягилар тез-тез юриб чиқиб кетдилар. Охирида Яхъев чиқди.

– Сен соат тўртда келар экансан. Ҳозирча редакцияда ўтириб турасан.

Ҳашаматли бинодан ташқарига чиқдик. Мажнунтол новдаларидек бош эгиб сув пуркаётган фаввора хаёлимни эгаллади. Қизик, нега у тик отилмайди? Кейин тасаввур қилиб кўрдим. Сув осмонга тик йўналтирилса, баландроқ кўтарилади-ю, ўша ернинг ўзига қайтиб тушади. Эгилган фаввора сувлари эса, паст бўлсада, узокқа бориб етади.

– Ҳозир ҳукумат комиссияси тузилди, у Фарғонага маҳсус самолётда учиб кетаяпти. Сен билан менинг тақдирим ана шу комиссия хulosасига боғлик.

Билиб турибман, Яхъяев ўзини ҳам қўшиб айтса-да, аслида, гап мен ҳақимда кетаяпти. Чунки юқоридаги кабинетдан чиққач, кечагидай тушкун эмас, аксинча, қатъий оҳангда гапирав эди.

Таҳририятга келдим. Ҳамкасларимнинг бирори кўнглимни кўттарар, яна бирори ачиниш билан қаради.

– Материални мен ҳам кўрдим. Долзарб мавзу асосли далиллар билан очиб берилган. Ҳали ҳаммаси яхши бўлади, куюнаверманг, – деди Севара.

У гарчи диктор бўлиб ишласа-да, фикрлари тиник, журналистик изланиш, интилишни ҳеч канда қилмайди. Севара навбатчилигидаги «Ахборот» ҳамиша қизикарли бўлади. Чунки у муҳбир тайёрлаган лавҳа, репортажга ижодий ёндошади, материал кириш сўзини тузишда масала моҳиятини биринчи ўринга олиб чиқади. Яна бир муҳим жиҳат – Севарада нутқ, овоз оҳангি, сўзга оҳор бериш, яъни ифода маҳорати кучли. У қаерда, қайси сўзга ургу бериш, қаерда кичик пауза-тўхталиш қилиш, қайси иборани талаффуз қилаётганда унинг маъноси юз-кўзда қандай акс этиши кераклигини жуда яхши билади. Бир сўз билан айтганда, Севара – телевидениеда касб ҳадисини олган профессионал журналист. Шунинг учунми, кўнглим бироз юмшади.

Эрталабки одамлар, улар орасида озиқ-овқат технологияси илмий текшириш институти, савдо тармоқлари раҳбар ва мутахассислари бор, соат тўртда Бош вазирнинг биринчи ўринбосари қабулхонасига тўпландилар. Яна мени қолдириб, ўзлари ичкари киришди. Ўн-ўн беш дақиқа ўтмай, мени чакирдилар.

– Мана, комиссия хуносаси, сен масалани чуқур ўрганмай туриб, бир ёқлама талқин қилгансан ва телетомошабинни, республика халқини ёлғон ахборот билан алдашга урингансан.

Негадир Исмоил Ҳакимовичнинг чехраси очиқ эди. Эрталабкидек бакириб-чакирмасди.

– Яхъяев, Обидовни хозироқ ишдан оласан, бу ҳақда шу бугунги «Ахборот»да эълон қиласан. Журналист ҳамиша ҳақгўй бўлиши, сохта шухрат кетидан қувмаслиги керак.

Телевидениега қайтар эканмиз, Яхъяев йўл-йўлакай гапириб келди.

– Эҳ, Обидов. Мен сенга неча марта айтдим, ҳар нарсага сукилаверма, деб. Мана, оқибати. Комиссия Фарғонага бориб

ҳаммасини аниқлабди. Сут заводидаги сариёғ истеъмолга яроқсиз экан. Сен эса ёлгонни ногора қилдинг.

Тақдирим ҳал бўлганди. Республиканинг юқори мартабали раҳбари қарорини фақат бир кишигина бекор қилиши мумкин. Лекин боя муҳокама якунида Бош вазир ўринbosари комиссия хulosаси ҳақида ҳозироқ Президентта ахборот беришини айтганди.

Фаргона сут заводидаги сариёғ олий навли эди. Корхона директори бу ҳақда интервьюсида айтган, қолаверса, буни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар бор. Аммо менинг гапимга ким кулоқ соларкин?

– Сени, ташлаб қўймаймиз, – деди Яҳяев масхараомуз оҳангда. – Фарғонадан бирон иш топишда ёрдам берармиз, ахир.

Тахририятга хайрлашиш учун кирганимда барча ёнимни олди.

– Қаергача бўлса борамиз, ёзма мурожаат қиласиз, лекин сизни ишдан бўшатишларига йўл қўймаймиз, – дейишиди улар.

Аммо Яҳяевнинг ўзи «Ахборот» тахририятига кириб, катта хонага ҳаммани йиғди ва Вазирлар Маҳкамасининг маҳсус комиссияси хulosаси билан таништириди, «ҳақиқатга тўғри келмайдиган ахборот тарқатгани учун» мени ишдан бўшатиш, шу репортажни эфирга узатишга рухсат бергани учун раис ўринbosари Фарҳод Рӯзиевга ҳайфсан эълон қилиш ҳақидаги буйрукни ўқиб берар экан, бу ҳақда бугунги дастурда эълон қилиш шартлигини айтди. Менинг масалам-ку, маълум эди. Лекин нега шу кунги «Ахборот»ни қабул қилган раиснинг ўзи қолиб, бунга мутлақо дахли йўқ раис ўринbosари жазоланганини ҳеч ким тушунмас эди.

Фарҳод Рӯзиев дангал, бир сўзли, қўл остидагиларни химоя қиласидиган раҳбар сифатида жамоада ишонч ва хурмат қозонган. Наманганда бўлган бир воқеа Рӯзиевга бўлган меҳримни янада оширган. Ижтимоий-сиёсий кўрсатувлар тахририятида ишлайдиган Кўчкор Норқобилов бир чиқишида «Халқ сўзи» газетасининг Наманган вилояти ҳақидаги танқидий мақола босилган сонини обуначиларга тарқатмай, киоскаларда соттирмай ушлаб қолинган, деган эди. Вилоят ҳокими Бургутали Рафиқалиев телерадиокомпания раисига телефон қилиб, журналистнинг бу даъвоси тухмат эканини, агар у эфир орқали кечирим сўрамаса, судга мурожаат қилишларини айтган. Шунда Фарҳод Рӯзиев зудлик билан Наманганга учиб келди. Мени ҳам

чакирдилар. Биз биргаликда вилоят ҳокими қабулиға кирдик. Бургутали Рафиқалиев кечирим сұрашни қатый талаб қилиб туриб олди.

– Үнда Күчкор учун, мен, раис ўринбосари бўла туриб, эфир орқали шу бугуноқ наманганликлардан узр сўрайман, – деди Рўзиев. – Вилоят телевидениесида чиқсан, розимисиз?

Воқелик бундай тус олишини ҳоким кутмаганди. Дарҳол рози бўлди.

– Фақат бир шартим бор. Кўрсатувни Обидов олиб боради, – деди ҳоким.

Шу куни Наманган вилоят телевидениесида маҳсус қўрсатув ташкил этилди. Мен бўлиб ўтган воқеани эслатдим. Уни ўрганиш учун республика телерадиокомпанияси раисининг ўринбосари Фарҳод Рўзиев Наманганга келганини, Кўчкор Норқобиловнинг тасдигини топмаган сўзи учун у жавоб бермоқчи эканини айтдим.

Рўзиев бутун масъулиятни зиммасига олиб, эфирда узр сўради.

Кўл остида ишлайдиган одамни, ҳатто у хато қилганида ҳам, ҳимоя қилишнинг ҳаётий мисоли қалбимда шу қадар чукур из қолдирганки, ҳалигача ўша воқеани эсласам, шундай одам билан ёнма-ён ишлаганимдан фахрланиб кетаман.

Бу гал ҳам шундай бўлганди. Ҳукумат комиссияси олдидағи раиснинг иддаосини тасдиқлаш учун Рўзиев «емаган сомсага пул тўлади».

– Сизни сақлаб қололмаганимиздан афсусдаман, – деди Рўзиев қўлимни маҳкам қисиб. – Хали вақт келади, яна телевидениега қайтасиз.

«Ахборот»нинг шу кунги дастурини ўқишга Севара Турсунова масъул экан.

– Мен бундай хабарни ўқий олмайман, – деди у биринчи бўлиб сўзга чиқаркан. – Балки Обидов ҳақиқатан ҳам хато қилгандир. Лекин у аввало ҳамкасбимиз, қолаверса, Ўзбекистонда хизмат қўрсатган журналист. Ишдан бўшатилса ҳам, бу ҳақда «Ахборот»да эълон қилиш тўғри эмас, деб ҳисоблайман.

Аммо раис сўзида қатый эди.

– Бу менинг қарорим эмас, ҳукумат топшириғи. Уни бажаришга мажбурмиз.

Наилож, мен ҳақимдаги комиссия холосаси ва буйруқ шу кунги «Ахборот» дастурида эълон қилинди. Севаранинг овозида аввалги жўшқинлик йўқ эди.

Фарғонага қайтгач, комиссия амалга оширган бази ишлардан воқиф бўлдим. Вилоят савдо идоралари раҳбарлари Бош вазир ўринбосари номига «Фарғона сут заводидаги сариёғ истеъмолга яроқсиз экани учун сотувга олинмагани» ҳақида тушунтириш хати ёзибдилар. Улар орасида Тўлқин Мўйдинов ҳам бор эди.

– Узр, шундай қилиш керак бўлиб қолди, – деди у учрашган чоғимииздаёт.

– Мени ҳам ишдан бўшатиши, – деди Алижон Латипов. Сўнг ўзини телбаликка солиб айтдими, тушунмадим, қўшиб кўйди. – 50 тонна истеъмолга яроқсиз сариёғ ишлаб чиқаргандан кейин жазолайдилар-да!

– Ахир, сариёғ олий навли-ку??

– Билмадим, билмадим. Яхшиси, бу ҳақда бошқа гаплашмайлик.

Во ажаб, одам ҳам шунчалар тез ўзгарадими?

Сут заводидан яна бир ноҳуш хабар эшитдим. Мехнат жамоаси номидан мамлакат раҳбари номига «туҳматчи Обидов ишдан четлатилиб, тўғри қилинибди» қабилида хат уюштириб жўнатилибди...

Бу билан менинг барча эътиrozларим йўли тамомила беркитилган эди!

Бир ҳафта хонамда қамалиб ётдим. Ҳеч кимни, дўстларимни ҳам қабул қилмадим, телефонни узиб қўйдим. Ўйлаб ўйимга етолмадим. Нега шундай бўлди, қаерда хатога йўл қўйдим? Мен-ку – мен, уйдагиларга жуда қийин бўлиб кетди. Охири, бир қарорга келдим. Бас, етар. Бундан буён умуман матбуот соҳасида ишламайман. Отам савдогар, тадбиркор эди. Нима, бу иш менинг кўлимдан келмайдими? Ёшлигимда ўзимни синаб кўрганман-ку!

Аста режа туза бошладим. Ишни нимадан, қандай бошлашни, бир неча йўналишларни белгилаб олдим. Аввал совун ишлаб чиқарадиган кичик корхона очмоқчи бўлдим. Фарғона ёғ-мой комбинатига маслаҳат олгани бордим. Директори Раҳмонжон Аҳмедовни яхши танирдим. У йўқ экан.

– Директорнинг савдо ишлари бўйича ўринбосари Латипов бор, – деди котиба бошқа раҳбарлар ҳақида сўраганимда.

Фамилия-ку таниш. Аммо ўхшаш бўлса керак, деб ўйладим. Чунки кечагина жазоланган раҳбарни бугун ундан ҳам каттароқ корхонага, масъулиятлироқ вазифага тайинлашмас!

Адашибман. Хона эшигини очсан, ўша, Фарғона сут

заводининг собиқ директори чарм қолланган айланма креслога ўтириб олиб, ҳайбатли столдаги қоғозларни кўздан кечирар эди.

– Келсинлар, келсинлар, қайси шамол учирди биз томонларга? – Алижон ака гўё орада ҳеч гап бўлмагандек, тавозе билан пешваз чиқди.

Мен терс бурилдим-у, хонани тарк этдим.

Орадан бир фурсат ўтмай, Латиповни Фаргона ёғ-мой комбинатига директор этиб кўтардилар. Кейин тушундим. Бундай сийловлар сут заводидаги сариёф сифати, аслида, қандай экани ҳақида оғиз очмай тургани учун эди...

Ўша кунлари яна ўзимни қаерга кўйишни билмай қолдим. На уйга сифаман, на кўчага. Уйга кирсам, кўчага чиқиш учун баҳона излайман, кўчага чиксам, уйга беркиниш учун. Рухий бекарорлик тинчлик бермасди менга. Шундай кунларнинг бирида беихтиёр дехқон бозорига кириб қолдим. Қайси расталарни айландим, қаерда тўхтадим – билмасдим. Хаёлим ўзимда эмасди. Карасам, узум сотишаётган экан.

– Килоси неча сўм? – сўрадим беихтиёр, узумдан кўз узмай.

Лекин сотувчи жавоб бермасди.

– Узум қанчадан? – тақрорладим саволимни.

– Сизга бепул. Қанча тортай?

Бошимни кўтарсам, ёши олтмишлардан ошган, чехрасидан қандайдир нур балқиб турган оқсоқол беғуборгина кулиб қараб турарди.

– Сиз Мұхаммаджон Обидовсиз. Биз оиласиз билан сизнинг чиқишлигинизни ҳар гал кутардик. Ҳаммасини кўриб, эшитдик. Сиз барибир истеъодли журналистсиз. Ҳали ҳаммаси ўрнига тушади, ўғлим.

Отахон шундай деди-ю, яшиқдаги узумдан саралаб-саралаб целлофан халтага сола бошлади.

– Бу сизга, олаверинг, ўзимизнинг боғдан.

Мен караҳт бўлиб қолдим. Тилимга на бир сўз келарди, на бир қадам ташлай олардим. Кейин кўзимдан ёш думалаб, лабларимга тушганини ҳис қилдим-у, ўзимга келдим.

– Олинг, олаверинг!

Қандай қилиб бозордан чиқиб кетганим, қаерга бориб, қанча вақт юрганим, қачон уйга қайтганимни билмайман. Бир неча кундан бўён қалбимни тўлдирган изтироб, ҳақсизлик изтироби бугун қаддимни буккан эди...

Шу куни туш кўрибман. Ҳовлимиизда дадам билан ўтирган

эканмиз, бир пайт ҳалиги отахон аёли, ўғил-қизлари, набиралари билан келиб қолибди.

– Мана, ўша Муҳаммаджон Обидов, – деди у.

Барчалари қўлларидаги узумни қўйишиди. Дадам қўл очиб:

– Сизлар гувоҳ бўлинглар, ўғлимни дуо қилай, – дедилар.

Ҳамма қўшилди. Дадам узоқ дуо қилдилар.

Ўйғониб кетдим. Терлаганимданми ёки уйқумда ҳам йиглабманни, ёстиғим жиққа ҳўл эди. Ўшандада дадам оламдан ўтганларига роса ўн йил бўлганди. Авваллари ҳам тушимга кирадилар. Аммо бу сафар анча хомуш кўриндилар. Қолаверса, йиглаб дуо қилдилар. Рухлари безовта бўлди шекилли, мен туфайли...

Орадан роса йигирма кун ўтганди. Телефон тўхтовсиз жиринглайверди. Гўшакни кўтардим.

– Э, Обидов, бормисиз, ўзи? Бундай телефон қилай ҳам демайсиз!

Раис ўринбосари Фарход Рўзиевнинг хушчақчақ овози янграрди.

– Отахон (баъзида у мени шундай деб атарди), тез Тошкентга келинг, шу бугуноқ учиб келинг.

– Тинчликми? – сўрадим мен.

– Тинчлик эмас-да, ҳаммаёқ алғов-далғов бўлиб кетди, телефонда айтадиган гап эмас. Айтадиганим шуки, сиз ишга қайтдингиз, ха-ха-ха...

Ўзини кўрмасам ҳам, унинг мириқиб, юракдан кулаётгани билиниб турарди.

Тошкентга келиб, тўғри Рўзиевнинг олдига кирдим.

– Аввал «катта»га учрашинг, – деди у мени бағрига маҳкам босиб. – Худо бор экан!

Яхяев қабулхонасига киришим билан раис ёрдамчиси юзида сунъий табассум билан:

– Сизни кутаяптилар, марҳамат, кираверинг, – деди.

– Обидов, Обидов, все же мы тебя выстояли! – Раис икки кучогини очиб, эшик томон юрди. Мен совуққина қўл узатдим холос. – Биламан, сен мендан хафасан, лекин ўшандада шароит шуни тақозо қилганди-да. Аммо ҳаммасини жой-жойига қўйдим. Ишдан бўшатилишинг ҳақидаги буйруқни ўша кунги сана ва рақам билан янгисига, сени навбатдаги таътилга чиқариш ҳақидаги буйруқ билан алмаштириб қўйдим. Ха-ха-ха, боллабманми?! Бугундан ишни қайта бошлайсан.

– Нима бўлди ўзи? – Раисдаги иккюзламачиликни кўриш қанчалар ёқимсиз бўлса-да, сўрадим ундан.

– Айтяпман-ку, сени химоя қила олдик деб!

Кечагина аввал Вазирлар Маҳкамасидаги йиғилишда, кейин таҳририятда шаънимга бўлмағур тухмат гапларни қалаштириб ташлаган Яҳяев мени «химоя қила олгани»га ҳеч ишониб бўлмасди. Воқеадан кейин хабар топдим. Президентнинг матбуот котиби Мурод Муҳаммад Дўст илтимоси билан мамлакат раҳбари тегишли идорага республикадаги барча сут заводларида қанча сариёғ бор, унинг сифати қандайлигини аниқлашни топширган. Маълум бўлишича, биргина Фарғона вилоятининг ўзида 200 тоннага яқин сариёғ бўлган ва унинг ҳаммаси, шу жумладан, Фарғона сут заводидаги 50 тонна сариёғ ҳам олий навли экан...

Билмадим, аслида нима сабаб, лекин ҳар ҳолда орадан кўп ўтмай, «Фарғона сут заводидаги сариёғ истеъмолга яроқсиз» деган хулосага кўл кўйганларнинг ҳаммаси вазифасидан озод қилинди. Яҳяев ҳам.





БЕФАРҚЛИК

Тушлик чоғи эди. Роса очиқканман. Устига-устак, вақтим зик. Шаҳардаги ошхоналардан бирига кирдим. Мўъжазгина залда йи-гирма чоғли одам бор эди. Хона тўрида оқ халатли (кейин билсам, у ошпаз экан) киши хўранда билан тортишмоқда. Ҳамма томоша-бин.

– Шу ҳам овқатми? Пулингни оқлаб олсанг бўлмайдими? – Хўранда кўлидаги манти солингган ликопчани столга отди.

– Мен нима қилай, ун ўзи қора бўлса... – Ошпаз айб иш қилиб кўйган ёш боладек столга сочилган манти бўлакларини териб олар экан, ўзича бир нималар деб ғўлдираб ҳам кўйди.

Иштаҳа бўғилди. Очлик унудилди. Можаро сабабини шу паллада ўрганиб бўлмасди. Мен ҳам ҳалиги хўранда ортидан чиқиб кетдим. «Қизик, ошпаз нега мантини қора ундан тайёрлаган? Таннархи арzon бўлсин дебми? Йўғ-е, ахир, у мижоз йўқотишни хоҳламайди-ку?». Мухбирлар бўлимига борар эканман, шу саволлар хаёлимни эгаллаб олганди.

Иш кўп. Ҳали у ерда, ҳали бу ерда байрамолди иншоотларининг очилиш маросими бўларди. Бунинг устига, вилоятда эришилаётган ютуқлар ҳақида алоҳида кўрсатув ҳам тайёрлашим керак. Кечалари билан монтаж хонасидан чиқмайман. Архив тасвирларни, сухбатларни топаман, бугунги кун билан таққослайман. Ўзимча қисқа-қисқа матн ёзиб, лавхаларни монтаж столида ўтириб тераман... Лекин ўй-хаёлим стол устига сочиб ташланган қора ундан тайёрланган мантида. «Ошпаз нега энди қора ун ишлатди?»

Ора-орада шу мавзуга материал йига бошладим.

Оппок, бўрсилдоқ нон ёпаётган нонвойдан сўрадим.

– Қанақа ун ишлатасиз нонга?

– Қозоқникидан, – қатъий жавоб берди нонвой.

– Ўзбекистон уни-чи?

– Бе, Ўзбекистон унида нон ёпиб бўларканми? Хамири юмшоқ, бир амаллаб тандирга ёпсанг, оқиб кетади.

– Сабаб?

– Куввати йўқ, куввати. Ахир, ярими кепак-ку!

Бу сұхбат юрагимга қаттық ботди. Менга нонвойхонада ундан бўшаган қопларни кўрсатиши. «Бидай уни. Биринши сорт» деб ёзилганди уларга қозоқчалаб.

Кейинги сафар озиқ-овқат дўконига кирдим.

– Сизда Ўзбекистон уни борми?

Сотувчи менга диққат билан қараб олди. Кейин:

– «Ўзбекистон» навли ун бор, – деди таажжуб билан. – Неча қоп керак?

Мен унга эргашдим. Биз дўкон ортига ўтдик. Икки уом қопланган ун устига брезент ёпиб қўйилганди. Тахлам остидаги қоплар фишт мисол босилиб, қотиб қолибди.

– Сиз чорва емига аралаштиргани оласизми?

Бу гал сотувчининг гапи устимдан муздек сув қуйгандек бўлди. Чунки мен муҳбир сифатида дехқон меҳнатининг мاشаққатини яхши билар эдим. Ҳали пахтаси териб олинмаган далага пайкал оралаб дон уруғи сепилади. Айниқса, биринчи сув олиш машаққат. Кейин ғўзапояни ўриб олиш керак. Май ойла-рига келип пахтага ҳам, донга ҳам сув керак. У эса танқис. Кечалари билан чироқ тутиб дон экилган майдонларни сугоришнинг ўзи бўлмайди. Бир кун сувдан колса бошоқ қотиб қолади, демак, ҳосилдорлик 3-5 центнерга камайди деяверинг. Занг тушган далаларни эса боласини авайлагандек дорилаши-чи? Хуллас, мўлжалдаги ғаллани етиштириш ва ўриб олишнинг ўзи бўлмайди. Бу ерда эса шунча меҳнат эвазига олинган дондан чиқарилган ун қисман ачиб, яроқсиз ҳолда ётарди. Ун уволи нон уволи билан барабар эмасми, ахир??

– Мен нима қиласай, дон комбинати 1-сортга «Ўзбекистон» навли унни мажбурий равишда қўшиб беради. Уни ҳалқ олмайди. Нонвой-у ошпаз ҳам. Қора ун хамирга ярамайди, дейишади. Уйида кўй-мол бокадиганлар кепак узилганида баъзида шу ундан олишади-да...

Бу гал ўша, можаро бўлган ошхонага бордим. Ошпаз билан обдон сұхбатлашдим. У бир тогорада «Ўзбекистон» унидан, иккинчисида Қозогистон унидан хамир қилиб кўрсатди. Дарҳақиқат, иккинчи тогорадаги хамир қаттиқ, мустаҳкам эди. «Ўзбекистон» уни хамирини эса ҳатто лағмон қилиб чўза олмадилар.

– Қувват йўқ, муҳбир ука, қувват. Неча марта элакдан ўтказсам ҳам, кепаги ажрамайди.

Ошпаз ҳафсаласи пир бўлиб, иккинчи тогорадаги хамирни чўза кетди.

Фарғона дон маҳсулотлари корхонасида мени совуққина кутиб олдилар. Гап айланиб, «Ўзбекистон» навли унга тақалганида:

– Э, муҳбир ака, биз ГОСТга қараб ишлаймиз. Мана, меъёр.

Бир кило буғдойдан саккиз юз грамм ун чиқаришимиз лозим. Қолаверса, бу юмшоқ навли буғдой, айб бизда эмас, – деди раҳбар.

– Эътирозингизни Госстандартга айтинг.

Корхона ҳовлисида юзлаб тонна «Ўзбекистон» навли ун моғорлаб ётарди.

– Реализация йўқ. Охир-оқибат, бир қисмини яна бир бор қайта навлаб, омухта ем цехига ўтказиб юборамиз.

Корхона раҳбарида ташаббус йўқ эди. У ҳолатни таҳлил қилиб, навни яхшилаш ҳақида таклиф киритмаган. «Бу юқорининг вазифаси, мен нима қилдим аралашиб» қабилида тутар эди ўзини.

Бир неча кунлардан бўён юрагимдаги осилиб турган тош янада оғирлашгандек, оғриклироқ туюлди шу он. Мавзу жиддий. Мавзу оғир. Мавзу давлат аҳамиятига эга. Бу ҳақда эфирда бир сўз айтмоқ жуда катта масъулият.

Шу куни монтаж хонасида бир маҳалга қадар қолиб кетдим. Пухта режа керак эди. Тасвир, интервьюларни қайта-қайта кўриб чиқдим. Сўнг репортаж режасини туздим. Ёқмади. Янги сини қофозга туширдим. Яна, яна ва яна ўнлаб вараклар саватчага улоқтирилди. Келаси кунни кутубхонада ўтказдим. Буғдой нави, уни қайта ишлаш, ун ишлаб чиқариш технологияси, Қозогистонда дончилик... Битта катта умумий дафтар китоблардан олинган кўчирма, иқтибос, ракам ва маълумотларга тўлди. Шу куни репортажнинг якуний режаси ҳам битди.

Одатим шундай. Тасвирга туширишга шошмаганим билан, уни бошлаганимда ҳеч ким мени тўхтата олмасди. Тезкорлик, шиддат – шиорим эди. Фарғона, Наманганд, Асака дон комбинатларида ун ишлаб чиқариш технологияси, амалдаги меъёрлар, маҳсулот сотуви, технологик ускуналарнинг куввати ва аслидаги имкониятлари, мутахассис, истеъмолчилар фикрлари... Икки кунда режамдагидан зиёд видеоматериаллар тўпладим. Шу куни ёк матнни қофозга тушириб, монтажга ўтиредим. Эрта тонгда мен истагандек лавҳа тайёр эди.

– Тез йўлга тушиш керак! – Хаёлимга келган биринчи фикр шу бўлди. Нонуштани кейинга қолдириб, машинани Тошкент томон ҳайдадим.

«Ахборот» дастурининг бугунги чиқиши эрталаб режалаштирилган. Табиийки, унда менинг репортажим йўқ эди. Лекин мен қатъий туриб олдим.

– Хеч йўқ, трактда раисга кўрсатайлик!

Рози бўлишди. «Ахборот» дастуридаги лавҳа ва репортажлар кўрилиб, муҳокамадан ўтгач, менинг репортажим кўрсатилди. Одатда, «Ахборот» директори хонасида шу кунги кўрсатув масъуллари ўтирасак, раис ўз хонасида кўрар эди. Кўчимов (ЎзТРК радиоси) тўсатдан бугунги кўрсатув тартибига ўзгартириш киритди ва ун ҳақидаги материал расмий ахборотдан кейин биринчи блок (мавзулар гурухи)га ўтказилди. Мен ҳаяжонда эдим. «Бу мавзу туфайли хукумат аъзолари, балки раҳбарларидан бирига жиддий танбех берилиши, ҳатто жазоланиши ҳам мумкин. Нега раис иккапланмай уни эфирга беришга рози бўлди экан?» Бу саволга жавоб излардим. Чунки бу каби «жанжалли» материалларни эфир тартибига киритиш ҳар доим ҳам осон бўлавермасди.

Эфир вақти келди. Одатдагидек, бошқарув аппаратхонасининг бир бурчагига тикилиб олганман.

– Э худо, илоҳим юртбоши кўрсин-да, – пичирладим ўзимча.

Диктор иқтисодий блокка ўтди ва менинг таҳлилий лавҳамга ёзилган кириш сўзини ўқиди.

– Мотор! – деди режиссер. Экранда мен пайдо бўлдим ва ишонч билан савол ташладим: «Нега Фарғона водийсида «Ўзбекистон» навли унни эмас, Қозогистон унини афзал биладилар?»

Мен биргина шу савол томошабин эътиборини ўзига тамомила тортиб олишига ишонар эдим.

Кейин ошпаз, нонвой, сотувчи интервьюолари, дон комбинати омбори, технолог ва мутахассислар фикрлари, ишлаб чиқариш жараёни, ракамлар, графиклар бирин-кетин ўрин алмашар, томошабин эса михлангандек экрандан кўз уза олмасди. Лавҳа сўнгига яна экранда кўриндим. «Хўш, ун навлари ва ун олиш меъёрларини қайта кўриб чиқиши вақти келмадимикан?» – дея томошабинга мурожаат қилдим.

Икки ярим дақиқалик лавҳа бир нафасда ўтди-кетди. Ботир (режиссеримиз) менга караб «Яшант, aka!» деди. Бошқаларнинг ҳам юзидан мамнуният сездим. Лекин... Уни давлат раҳбари кўрдимикан? Агар кўрмаган бўлса, хукумат раҳбарининг биринчи ўринbosари (Исмоил Жўрабеков шу соҳага ҳам масъул эди) қаҳрига учрамасмиканман?..



Йўқ, «Ахборот» тугаб улгурмади ҳамки, мени раис чақи-раётганини айтишди. Демак, бир гап бўлган.

– Келинг, – деди одатдагидек жиддий оҳангда Кўчимов. – Эрталаб соат ўнга девонга борасиз. Президент чакиртиряпти.

– Тинчликми? Бирга борармиз?

– Тинчлик эмас-да, aka-a! Президент тор доирада муҳокама ўтказар экан. Сизнинг ўзингизни таклиф қилишди.

Бир лаҳза танам оловдек ёнди. Кейин титроқ тутгандек бўлди. «Президент қандай қабул қилдийкан лавҳани?»

Оқсаройга белгиланган вақтдан ярим соат аввал бордим. Мени кичик қабулхонага бошлишди. Бу ерда «Ўздонмаҳсулотлари» АҚ раиси Икромхон Нажмиддинов қўлида бир даста қофоз, Президент Давлат маслаҳатчиси Голишев, Баш вазир ўринбосари Рустам Азимов билан нималарнидир муҳокама этардилар. Менга кўзла-ри тушди, лекин ўзларини сезмаганга олдилар. Факат Икромхон aka билинар-билинмас бош иргагандек бўлди. Мен Президент креслосидан чап томонга, энг четта ўтиридим. Шу пайт залга Исмоил Жўрабеков кириб келди. Ҳамма хурмат билан бир қатор бўлиб олди. Мен нима қилишимни билмас эдим. Илгари ҳам Баш вазир ўринбосари газабига бир неча бор дучор бўлганман. Аммо сезиб турибман, бу гал вазият анча мураккаб. Ўрнимдан туриб салом бердим. Исмоил aka ҳам мени кўрмаганга олди ўзини. Бу эса юра-гимга янада кучлироқ ваҳима солди.

– Ўтиинглар, – деди Президент маъмурияти ходимларидан бири. Демак, Президент кириб келяпти! У бир-бир бизни кўздан кечирди. Сўнг менга бошқа жойга, Президент креслоси тўғрисига, унга юзланиб ўтиришим зарурлигини айтди.

Бундай жойлашувни у ўзи ҳал қила олмасди. Юрагим қинидан чиқай деди. Мен Ислом Каримов сафарларига кўп марта ҳамроҳ бўлганман. Президент табиатини бир оз бўлса-да билардим. Демак, ё мақтalamан, ё...

Эшикда Президент кўринди. Ҳамма ўрнидан турди. Ислом аканинг юзидаги норозилик шундоққина билиниб турарди. У Икромхон Нажмиддиновга юзланди.

– Менга сизни ташаббускор деб тавсия қилишганди. Шуннинг учун Намангандан олиб келгандик. Аввалги ўғри, муттаҳам ҳамма ёқни расво қилган экан, нега шу пайтгача бирон таклиф билан чиқмадингиз?

Ислом Каримов бу гапларни Икромхон Нажмиддиновга нисбатан айтаётган бўлса-да, ўтирганларга бир-бир караб чиқди.

Ҳамма бош эгиб дафтарчасига нималарнидир ёзарди. Мен биламан, Президент бир қошини сал чимириб гапирдими, тамом деяверинг. Ҳеч ким бу қарашга дош беролмайди.

– Ноинсофлар! Энг қора, истеъмолга деярли яроқсиз унни чиқаришга, яна уни «Ўзбекистон» деб номлашга қайси виждо-нинг йўл кўйди?!

Сукунат. Фақат ручкалар ҳаракатда. Ҳеч ким қофоздан кўз узмайди.

– Сиз-чи, сиз нега бу масалани қўймадингиз, жаноб Жўрабеков? Қачонгacha мамлакатдаги иқтисодий муаммолар ҳакида мен телевизордан эшигтаман? Обидов кеча бу ҳакида бонг урмаса, яна қанча жим юрар эдиларинг?! Гапиринглар!

Одатда, фамилияси тилга олинганлар ўринларидан турадилар. Мен ҳам Нажмиддинов, Жўрабековдан сўнг ўрнимдан турдим. Президент менга қараб турарди. Ўзимда куч топиб, мен ҳам тик боқдим.

Мана, орадан неча йиллар ўтди. Лекин Ислом аканинг ўша ташвишли, бир олам маъно яширин қарashi ҳали ҳам кўз ўнгимдан кетмайди. Сен кеча кўтартган муаммодан булар мени хабардор қилмаган, деяётгандек эди.

– Хўш, нега Қозогистон буғдойидан 60 фоиз ун олинади-ю, бизда у 80 фоиз? Тўқсонинчи йилларнинг бошидаги нон тақчиллиги эмас-ку ҳозир. Ҳосилимиз 5 миллион тоннадан ошди. Нега меъёрлар қайта кўрилмаган? Нима, шуни ҳам Президент қилиб бериши керакми? Унда «Ўздонмаҳсулотлари»ни тугатайлик.

Нихоят, Исмоил Жўрабеков бу саволларга жавоб бера бошлади.

– Тўғри айтдингиз, Ислом ака, бу меъёр 90-йилларда кири-тилган, ўшанда бошқа шароит эди. Ҳозир донимиз ўзимизга етиб ортади. Ҳатто экспорт қилсанк бўлади. Лекин буғдойдан ун олиш кўрсаткичларини ўзгартирмабмиз. Бу бизнинг айбимиз. Аввало, менинг хатоим.

Шу паллада ҳамма Президентга бир қараб олди. Президент бош иргаб кўйди. Айниқса, унга Жўрабековнинг дон экспорти ҳакидаги сўzlари ёққанини ҳис қилдим. Бундан руҳланган Бош вазирнинг биринчи ўринbosари сўзини давом эттириди.

– Биз туни билан ишлаб режа туздик. Биринчидан, умуман меъёрлар бекор қилинади ва қайтадан белгиланади. «Ўзбекистон» навли ун ишлаб чиқариш буғундан тўхтатилади...



Исмоил Жўрабеков ўн дақиқа чамаси кўриладиган чора-тадбирлар ҳақида гапирди. Лекин Ислом ака нимадандир қониқмасди.

– Шошманг, шошманг. Менга юзаки гаплар керак эмас. Тўғри, биринчидан, ун сифат қўрсаткичларини қайта кўриб чиқасиз. Бизга олий, биринчи нав ун керак холос. Худога шукур, буғдой етарли. Иккинчидан, юқори ҳосилдоргина эмас, клейковинаси юқори навли буғдой керак. Демак, уруғчилик масаласини ўрганиб, тез чора кўриш зарур. Учинчидан, буғдойни қайта ишлаш технологияси эскирган. Бунга Муҳаммаджоннинг ҳам ақли етиб турибди. Сиз эса аллақачон билган бўлишингиз керак эди буни. Азимов, Голишев билан масалани ҳал этиш режасини тузинг. Бунга қанча пул керак бўлса, топиб берамиз. Тушундингми, Азимов?

– Пулда муаммо бўлмайди, – деди Рустам Азимов.

– Один из самых главных вопросов в этой проблеме – обновить технологию. Голишев, займись изучением технологии России, других стран и дайте предложение.

Шундан сўнг Президент мени турғизди.

– Муҳаммаджон, бугун Нажмиддинов телевидение орқали ҳалққа муаммо моҳиятини, сабабларини ва уни ҳал қилиш учун нималар қилишга келишганимизни ўзи тушунтириб берсин. Сен у билан шу ҳақда сухбатлаш.

Бу – йигилишга қўйилган нуқта эди. Ислом ака зални тарк этди. Қарасам, боя менинг шу ердалигимни «сезмаган»лар бир-бир қўйл узатяпти.

– Муҳаммаджон, – деди билагимни тутиб Исмоил Жўрабеков.

– Икромхонга ўзинг ёрдам берасан. Тайёр бўлганида мен ҳам бир кўриб бераман.

Хуллас, шу куни «Ахборот»дан сўнг «Ўздонмаҳсолот» АҚ раиси Икромхон Нажмиддиновнинг сұхбати берилди. Шу кундан бошлаб дўкон, дон комбинати омборларидағи «Ўзбекистон» навли ун йигиб олинди. Тез орада республиканинг барча дон комбинатлари технологик жиҳозлари замонавий ускуналарга алмаштирила бошланди. Бу жуда катта маблағ билан боғлиқ бўлса-да, шундай қилинди. Натижада юқори навли ун ишлаб чиқариладиган бўлди.

Ҳар гал дон комбинатлари ёнидан ўтар эканман, ўша кунлар ёдимга тушади. Оммавий ахборот воситаларини тўртингчи ҳокимият деганларида шу каби воқеаларни назарда тутган бўлсалар керак-да...



«ОРИОН»НИНГ ИККИТА ЧҮНТАГИ

Наманганнинг Учқўрғон туманида дон мўл бўлди. 20-40 гектарли майдонларда комбайнлар худди денгизда сузаб кетаётган кемаларга ўхшарди. Бир бошоқни кўлга олиб, донини кўздан кечираман. Кўз тегмасин, роса тўйинган, бўлиқ. Ҳатто кўлда ҳам бошоқ вазни одатдагидан оғирроқ экани сезилади. Учқўрғонлик дехқонга худо берибди.

Мен Шухратжон (тасвирчи)га бошоқ ва дон доналарини ийрик план (кўриниш)да олишини айтиб турган эдим, ёнимиздан ўтган комбайн негадир нарироқда тўхтади-ю, ҳайдовчи ундан тушиб олдимизга келди.

– И-я! Муҳаммаджон Обидовмисиз? Сиз ўша журналистсиз. Келинг, бир бағримга босай!

Мен нима бўлаётганини англаёлмай қолдим. Комбайнчи белимдан маҳкам қучиб кўтарди-ю, бир айлантириб ерга кўйди.

– Отангизга раҳмат. Ўша кўрсатувдан сўнг бизнинг маҳалламизга ҳам шелуха, кунжара олиб келиб тарқатиши, давлат нархида беришди. Ҳамма сизни дуо қилди. – У шошиб-шошиб гапирап, қувончини яшира олмасди. – Билиб қўйинг, бугун маҳаллага бориб мақтанаман, мен Обидовни кўрдим, дейман. Раҳмат сизга! – У шундай деди-ю, яна шошганича рулга ўтириб, комбайнни ҳайдаб кетди.

Негадир шу он бутун баданим увишиб, юрагим беҳол бўлди. Йиғлагим келди. И-е, йиғлаяпман-ку! Кўз ёшларим дув-дув оқар, юзимни юварди. Бунинг сабабини билган Шухратжон аста ёнимга келиб, қулогимга шивирлади.

– Ҳожи ака, одамлар бор-а...

Ёнимда хўжалик мутахассислари турганини унугибман.

– Кечирасизлар, – дедим-у, даладан чикдим. Йўқ, ўзимни тўхтата олмасдим. Шу кенг далада, комбайнлар шовқинида бақириб-бақириб йиғлагим келарди. Менга нима бўлди ўзи?..

Ҳа, шу биргина муаммони кўтариб чиқаман деб чеккан азобларим, эшигтан таъналарим, кўрган хўрланишларим ҳамма-ҳаммаси йиғилиб-йиғилиб, ичимдан пўртана бўлиб отилиб чиқарди.



* * *

Мен ҳам фаришта эмасман. Ўзим билган-бilmagan камчиликларим бор. Хатога ҳам йўл кўйганман. Шунга яраша жазосини олдим. Лекин инсоф, диёнат каби қалбий меъёрлар борки, умр бўйи унга хиёнат қилиб кўймай, дея кўркиб яшадим. Шунинг учун ҳам касб тақозоси, қалб амри билан ўзим «ноинсоф» деб билганларим, уларнинг хатти-харакати, қилмишлари ҳақида ахборот тарқатиш, жамоатчилик эътиборини қаратишга маънан ҳаққим бор деб билдим. Холис сўз айтиш имконини топиш учун умримнинг, инсонга берилган энг азиз неъмат – ҳаётимнинг энг қадрли кунлари, ҳатто ойларини сарфладим. Ва ниҳоят, унга эришдим ҳам. Бугун эса ўша мен танимаган комбайнчи бир сўз билан йўқотганларимнинг бадалини тўлади, гўё. Қалбимни қувончга тўлдириди. Кучимга куч кўшди.

* * *

Бу лавҳа тўсатдан тасвирга туширилмаган. Аслида, бу мавзуу кўпдан бери одамлар кўнглидаги оғриқ эди. Шуни кўриб, билиб туриб, мавзуни кўтара олмасдим. Бунинг сабаби бўлган, албатта. Корхона раҳбари, бу тўғрими-йўқми, ўзини мамлакатнинг биринчи хоними билан яқин дўст (синфдош) эканини давраларда бир-бир рўйач қилиб кўяр эди. Ишонмай десам, «опа» Фарғонага, Қувасойга келганларида у доим ёnlарида бўларди. Бошқа пайтлар ҳам бу одам «опа»нинг ота-онасиликига деярли ҳар куни борарди. Шундай одам раҳбар бўлган корхонага қандай кириб бораман? Бир оғиз гапи билан мени «суриб» ташлайди-ку! Ахир, вилоят ва кушишлатар тизим раҳбарлари ҳамма нарсани кўриб-билиб, жим юришибди-ку, демак, унинг қудрати баланд. Мен биргина қаламим билан бас кела оламанми унга? Шу истиҳола қатъийлигимни тизгинларди.

Вилоятга янги прокурор келди. Дастребки кунлардаёқ биз – журналистларни чақириб, жиноятчиликка қарши курашишда жамоатчилик назорати, жумладан, матбуотнинг ўрни ҳақида тўлиб-тошиб гапирди. Бу биз учун янгилик эди. Ҳалигача ҳеч бир вилоят прокурори ОАВ вакиллари билан учрашмаган, матбуотни ҳамкорликка чорламаган эди. Бу воқеадан сўнг мени қийноққа солаётган айrim масалаларга гўё ечим топилгандек қувониб кетдим. Вактини топиб, вилоят прокурори Абдукаримов хузурига кирдим. Шелуха, кунжара, пахта ёғи кўча-кўйда, бозорларда давлат белгилаган нархлардан 4-5 баробар қиммат сотилаётгани,

бунга айбдор сотувчигина эмас, Фаргона ёғ-мой комбинатидаги коррупцион гурух, уларнинг ҳомийлари эканини, агар улар мени аввало ҳимоя қиласа, ёрдам берса, бу мавзуни республика миқёсида телевидение орқали кўтаришм мумкинлигини айтдим. Прокурор муаммо моҳиятини яхши билар экан.

– Аслида, бошқа вилоятларда ҳам ахвол шундай. Лекин кимдир, қаердадир бу ишни бошлаши керак-ку, – деди у қатъий.

– Биз бу масалада биргамиз деяверинг.

Мен узоқ вақтдан бўён ўйлаб юрган ишга киришдим. Ахборот йифиш, уни тасвирга тушириш, далиллар, исботловчи хужжатларни кўлга киритиш, гувоҳлар излаб топиш, уларнинг микрофон ва камера қаршисида қўрқмай гувоҳлик беришига эришиш – буларнинг ҳар бири айтмоққа осон. Балки шунинг учун журналистикамизнинг «суршистирув» жанридаги чиқишлилар кўп эмасдир. Тафсилотга берилмай. Бутун маҳоратимни, ўйлаб юрган услубларимни ишга солдим. Қисқа вақтда прокурорнинг қўллаб-кувватлаши билан мен кутгандек видеоматериал йигилди.

Ўша куни вилоят раҳбарининг ўринбосари «бир учрашайлик», деб қолди. Биламан, гап ёғ-мой корхонаси ҳақида бўлади. Чунки у – корхона раҳбарининг яқин дўстларидан бири.

Учрашдик.

– Гапнинг қисқаси шу. «Масложир»га тегманг. Биламан, анча меҳнат қилгансиз. Сизга учрашибди-а? – Ҳоким ўринбосари берган саволига жавобимни кутмай, ўзи давом этди. – Ҳайдаб юбориб, тўғри килибсиз. Мен унга (корхона раҳбарини назарда тутган эди) айтдим, бу сен ўйлаган иш эмас, тўғрилаб бер ўшани, дедим. Яна келиб учрашибади. Сиз эса қўйинг бу гапларни. Келишдикми?

Мен бу одамни жуда яхши билардим. У оддий оиладан чиқкан, институтни тугаллаб, қурилишда ишлаган. Кейин бир корхонага, ундан республика идораларининг бирига раҳбарлик қилган. Мана, икки йилдирки, вилоят ҳокимига ўринбосар. Росаям меҳнаткаш одам.

Лекин бугун қаршимда мен билган инсон эмас, тамомила бошқа, ўз эътиқоди, дунёқарашига зид амалдор турарди.

Ҳа, мен тасвирга туширишни бошлаб, мавзуга анчайин ичкари кирганимда олдимга «ўртакаш»лардан бири келиб, шу кўрсатувни тўхтатишим учун бир дунё пул таклиф қилганди. Ҳоким ўринбосари ўша воқеани назарда тутиб гапирди. Лекин у «тўғрилаб бер ўшани» деганда «қанчани» назарда тутган, ҳамон



билмайман. Чунки ўша заҳотиёқ мендан тегишли жавоб олганди.

– Сиз бир сиким муттаҳамлар тарафидамисиз ёки ўз қонуний улушини ололмаётган дехқон, ҳалқ тарафидами?

– Э-э-э, шунақами ҳали, – деди у норози бўлиб. – Мен катта бошимни кичик қилиб келибман олдингизга. Билиб қўйинг, сиз кўнмасангиз, Тошкентдаги раҳбарларингиз кўнади. Қандай қилиб бўлса ҳам, кўндиришади. Ўшанда сиз «оплёваний» бўлиб қоласиз!

У шу гапни айтди-ю, машинасига ўтириб кетиб юборди. Мен жойимда қотиб қолган эдим.

Вазият ўзгарди. Тез ҳаракат қилиш керак.

Шу куни, шу вақтнинг ўзидаёқ Тошкентга йўлга чиқдим.

* * *

Монтаж хонасидан чиққанимда «Ахборот» директори йўлақда кулиб турар эди.

– Ҳа, ака, яна нималарни бошладингиз?

Бобур Алихонов – ғоят истеъоддли журналист. У мамлакат мустақиллигининг дастлабки йилларида Президент сафарларига ҳамроҳлик қиласди. Сўз бойлиги катта. Сиёсий етук. Нутқи равон. Камера қарписида ўзини эркин ҳис қила олади. Ундаги бу фазилатлар йигилиб, мен билган ҳамкасларим ичида ишонтириш коэффициенти энг юқори журналист эди. Қолаверса, ташкилотчиликдан ҳам худо берган.

Биз Бобур билан иш юзасидан тез-тез тортишиб қолар, ҳатто баъзида бакир-чакирга ҳам борар эдик. Лекин бир зум ўтмай, яна ака-уқадек гаплашиб кетаверардик. Аслида, Бобур Алихонов ҳамма билан шундай муносабатда бўлган.

– Шу десангиз, бугунги «Ахборот»га «плюс» бор.

Плюс деганим шу эдики, бир лавҳа ёки репортажга сифдириб бўлмайдиган материал ҳақида дастлаб «Ахборот»да эълон бериларди, сўнг информацион дастур тугаши билан «Ахборот+» деган таҳлил бошланар эди. Бундай тажрибадан мен кўп фойдаланаардим.

– Биламан, – деди Бобур жиддий тортиб. – Ака, бир раис ўринbosарига кириб чиқар экансиз.

Қойил! Кечакарун Фарғонада бўлган гап шунчалар тез амалий ҳаракатга ўтиби.

Раис ўринbosари Президент девонидан келган, ўзи тилшунос олим, жуда ҳалол, тўғри, мулойим инсон. Наҳотки, бу

машмашага уни аралаштиришган бўлса?

Аввалига ҳол-аҳвол сўрашган бўлдик. Сўнг раҳбаримиз мақсадга кўчди.

– Мұхаммаджон, шу ёғ заводи ҳақидаги материални бермай турамиз. Кўришсин, ўрганишсин, кейин бир хulosага келинар...

Раис ўринбосари бу гапларни ўзи хоҳламай, кийналиб гапиради.

– Йўқ. Уни эфирга бериш керак! Сиз уларнинг ўйинига кўшилманг. Сиз ундаилардан эмаслигингизни биламан, ахир.

Мен ўтган воқеаларни, жумладан, бўлган таклифлар ҳақида ҳам гапириб бердим.

– Барибир шошмайлик. Вақти билан албатта эфирга берилиши мумкин.

Тортишиш бефойда эди. Чунки раис ўринбосари бироннинг, унга топшириқ берган одамнинг гапини айтарди... Чунки у ҳали Фарғона ёғ-мой корхонаси ҳақидаги материални кўргани ҳам йўқ-ку? Демак, қарши куч, дарҳақиқат, катта, жиддий.

– Материални раис кўрсинглар, менимча, уни бугундан кечикитирмаслик керак.

«Ахборот» хоналаридан бирида ҳорғин биқиниб ўтирибман. Энди нима бўлади: наҳотки, ҳоким ўринбосари айтганидек, «коплёванный» бўлиб қолсан?

Тушликка чиқмадим. Иштаха йўқ. Чарчоқданми ё босим кўтарилидими, қовоқларим шишиб кетди. Бу орада монтаж хонасига кимлардир кириб, материални кўриб кетганини айтди ҳамкасларимдан бири. Улар материал тақдирига мендан ҳам кўпроқ қайгураётгандек эди.

Соат 16. Мени яна раис ўринбосари хонасига чакиришиди. Ичкарида прокурор кийимидағи бир одам қовоғини осилтириб ўтиради.

– Танишинг, Обидов Мұхаммаджон, – деди раис ўринбосари, титроқ оҳангда. – Бу киши республика прокуратураси бошқарма бошлиғи бўладилар.

– Хуллас, гап бундай, – деди прокурор менга еб кўйгудек хўмрайиб. – Ёғ заводи ишида жиноят аломатлари бор. Уни аввал биз текширамиз, сўнг эфирга бериш-бермаслик масаласида фикримизни айтамиз. Ҳозир уни кўрсатиш мумкин эмас. Тушунарлимиз?

Очиғи, мен ҳеч нарсани тушунмасдим. Бу одам ким ўзи, нега келди бу ерга? Фарғона ёғ-мой комбинатидаги «жиноят»ни

қачон, ким аниқлаган? Ўзи умуман жиноят иши қўзғатилганми? Шу охирги фикр менга далда берди.

– Кечирасиз, сиз материални қўрдингизми?

– Кўрмасак ҳам, биламиз нима гаплигини. Сиз ваколатингиздан чиқиб кетганингизни ҳам биламиз! – Бу гал у дўқ билан гапирди ва столга муштлаб ҳам кўйди. У мени шу йўл билан қўрқитмоқчи эди.

– Конунда жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари кетаётган бўлса, тергов манфаатларидан келиб чиқсан ҳолда жиноят ҳакида батафсил маълумот бериш чегараланган. Билишимча, Фаргона ёғ-мой корхонаси раҳбар ва ходимларига жиноий иш қўғатилмаган. Демак, биз материални эфирга беришга ҳақлимиз! – Мен ҳам овозимни бир парда кўтариб, ишонч билан жавоб қайтардим.

– Э, ҳали менга қонунни пеш қиляпсизми, шунаقا билағонмисиз? – прокурор мен томонга бурилди. Унинг юз-кўзларидаги нафрат билиниб турарди.

– Мұхаммаджон Обидов Олий Мажлис депутати, – деди секингингина раис ўринbosари.

Бу хабардан прокурорнинг шашти бир оз тушармикин, деб ўйлагандим. Йўқ. Ундай бўлмади.

– Ким бўлганда ҳам, ҳамма қонун олдида баробар. «Фарғонаёғ»ни аввал биз текширамиз, ўрганамиз, керак бўлса, муттаҳамларни қамаймиз, кейин кўрсатаверасизлар, истаганча!

– Шундай, – дея олди холос раис ўринbosари.

Бу хукм эди.

Қарасам, вазият ниҳоятда қалтис. Ё чикка, ё пукка бўладиган. Мен ҳам таваккал қилдим.

– Кечирасизлар-у, биз нимани муҳокама қиляпмиз ўзи? Мен вилоятдаги бир оддий мухбир бўлсам. Менинг вазифам материал тайёрлаб етказиб бериш холос. Уни эфирга бериш-бермаслик телевидение раҳбарларининг ваколатидаги гап. Шундай экан, «Фарғона ёғ» ҳакидағи кўрсатувни берасизми-йўқми, буни ўзингиз ҳал қилинг, – дедим раис ўринbosарига.

Икковлари «иш» тез ва осон битганига хайрон эдилар.

– Лекин билиб қўйинглар, мен материални монтаж қилиб, бир нусхасини архивга топширдим, бир нусхасини ўзимга кўчириб олиб қўйдим. Агар у эфирга берилмаса, биринчи имконият туғилганида Президентга бераман кассетани ва бу ердаги гапларни етказаман.

Улар, айникса, прокурор ҳар нарсаны күтгап-у, аммо мендан бу гапни күтмаган эди. Орага бир дақиқа сұкунат чўқди. Ҳамма жим. Бир-биримизга термулганча турардик. Шунда прокурор ғазаб билан столни муштлади.

– Берилади, берилади эфирга. Фақат бугунмас, эртага берилади!

Мен билган ахборотни прокурор ҳам биларди. Эртага эрталаб Ўзбекистон Президенти Хитойга давлат ташрифи билан кетаётганди. Улар (илтимосчилар) буни ҳам ҳисобга олишган кўринади. «Агар Обидовни кўндиришнинг ҳеч иложи топилмаса, унда Президент йўқлигида эфирга бериш керак», деган тактика захирада турган. Шундай бўлса, ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолиши ҳам ҳеч гап эмасди.

– Йўқ, – дедим мен бу гал овозимни қўйиб. – Бугун берилади! Нима, сиз уни Президент кўрмасин деяпсизми? Агар бугун берилмаса, Хитой сафаридан қайтгач, Ислом акага албатта кассетани етказаман!

Мен шу гапни айтдиму, ҳай тўхтанг, деганларига қарамай, шарт бурилиб раис ўринbosари хонасидан чиқиб кетдим.

Бошим айланиб, кўз олдим қоронгулаша бошлади. Қаерга кетяпман – билмасдим. Телевидениенинг улкан биноси йўлакларидан юра-юра, аранг чиқиш дарвазасини топдим. Тоза ҳаво димогимга урилди. Енгил шаббода юзимни силади. Аммо қалбим... изтиробда эди. Наҳотки, шунчалар ожиз бўлсан? Метрога тушиш зиналари ёнида газета-журнал сотиладиган дўконча бор эди. Рауф акадан газета сотиб олиб юриб, танишиб қолгандим. У мени кўрди-ю, ташқарига чиқди.

– Ҳожи ака, сизга нима қилди? Қани, бу ёққа киринг.

Мени торгина дўкон ичига олиб кириб, табуреткага ўтқазди. Термосдан бир пиёла чой қуйиб берди. Мен бир сўз айтолмасдим. Афтидан, Рауф ака буни тушунди чоғи, ўзи ҳам бошқа савол бермади. Аҳён-аҳёнда харидорга ҳали газета, ҳали журнал, ҳали ручкамни-еъ, нималардир сотиб турарди. Шу тариқа қанча вақт ўтди, билмайман...

Рауф акага миннатдорчилик билдириб, редакцияга қайтдим. «Ахборот» жойлашган қаватга кўтарилаётсам, режиссеримиз Учқун ака учраб колди.

– Э, қаерларда юрибсиз, ҳамма сизни ахтаряпти-ку! Тезроқ чиқинг, трактдан кейин материалингизни кўришди. Бугун эфирга кетаркан!



Учкун ака зинадан пастки қаватга тушгунча гапириб кетди.

– Одамларга ҳам ҳайронсан. Бугун материали кетади-ю, ўзи қаерлардадир бепарво юраверади.

Кўзим чаноқдек очилди. Қалбимдаги ҳаяжон шу даражада эдики, гўё юрагимнинг уришини эшитиб турардим.

Дастлаб «Ахборот»да кўрсатувдан бир дақиқали парча, сўнг эълон берилди. Мен одатдагидек ўша, ўзимга қадрдон бурчакка биқиниб олганман. Вақт жуда секин ўтарди. Нихоят, об-ҳаво маълумоти ҳақида хабар қилинди ва «Ахборот+»нинг анъанавий мусиқасидан сўнг эфирда менинг овозим янгради: «Тухуми тилладанми, деган иборани эшитгансиз, албатта...»

Мен ҳар бир муаммоли кўрсатувга биринчи ибора топиш устида кўп изланаман. Чунки томошабинни ўзингизга қаратиб олиш, кейинчалик кўрсатувни охиригача кўришга уни «мажбурлаш»да ана шу биринчи иборанинг аҳамияти, таъсир кучи катта.

Бу мақолада мен кўрсатув воқелигини баён қилмадим. Мана, ўша эфирга берилган «жанжалли» кўрсатув.

Видео синхрон

М.Обидов (тасвир ортидан): – Сиз «тухуми тилладанми?» деган кинояни эшитгансиз, албатта. Бугун ўша ўҳшатишни ёғмой корхоналарида ишлаб чиқарилаётган ва сирли равишда сотилаётган маҳсулотларга кўллаш мумкин бўларди. Келинг, ушбу журналист суриштирувида факат ва факат рақамлар, далиллар сўзласин. Биз эса мунозарага савол ташлаймиз холос. Шундай қилиб, биринчи савол. Кунжаранинг нархи неча сўм?

М.Обидов (тасвирда): – Нима олдингиз ҳозир?

Харидор (тасвирда): – Кунжара олдим, молга.

М.Обидов (тасвирда): – Неча килограмм олдингиз?

Харидор (тасвирда): – 100 килограмм олдим.

М.Обидов (тасвирда): – Неча пулдан олдингиз?

Харидор (тасвирда): – 70 сўм деганди, 67 сўмдан олдим.

М.Обидов (тасвирда): – Бир килосиними?

Харидор (тасвирда): – Ҳа, бир килосини 67 сўмдан.

М.Обидов (тасвирда): – Кунжаранинг давлат нархи арzon туришини, умуман, қанча эканини биласизми?

Харидор (тасвирда): – Давлат нархи арzon, лекин иложи йўқ, оляпмиз.

М.Обидов (тасвир ортидан): – Бу сухбатимиз Фарғона

вилояти Олтиарик тумани марказида бўлди. Ўзини Абдубанноб Авазматов деб таништирган шахс ўнлаб қўни-қўшнилари каби шу нархда bemalol кунжара сотиб ўтиради.

А.Авазматов (тасвирида): – Олиб келиб беришади, сотамиз.

М.Обидов (тасвирида): – Ким олиб келиб беради?

А.Авазматов (тасвирида): – Сотадиганлар.

М.Обидов (тасвирида): – Нега айнан сизга олиб келиб беришади?

А.Авазматов (тасвирида): – Битта менга эмас. Ким сотса олиб келиб беришади.

М.Обидов (тасвир ортидан): – Олтиарикнинг яна бир ёнида Абдулжаббор Дадабоевнинг ҳам бозори чаққон эди.

1-харидор (тасвирида): – Олтмиш сўмдан кунжара олдим.

М.Обидов (тасвирида): – Ўзи давлат нархи неча пул туришини биласизми?

2-харидор (тасвирида): – Йўқ, билмайман.

Сотувчи (тасвирида): – Кунжараларни бизга олиб келиб беришади. Биз пулимизга сотиб оламиз.

М.Обидов (тасвирида): – Ким олиб келиб беради?

Сотувчи (тасвирида): – Шофёрлар.

М.Обидов (тасвирида): – Қаердан олиб келишади?

Сотувчи (тасвирида): – Фарғонадаги ёғ заводидан.

М.Обидов (тасвир ортидан): – Иккинчи савол. Аслида, аҳоли кунжарани қаердан сотиб олиши мумкин? Бунинг икки манбаси бор. Биринчиси, «Фарғонаёғмой» комбинати таъсисчи бўлган «Орион» фирмасидан. Бугун «Орион»нинг расмий хужжатларида қайд этилишича, вилоятдаги шаҳар-қишлоқларда 52 та савдо дўкони ишлаб турган эмиш. Улардан бири Водил қишлоғида 3 йилдан бўён аҳолини гўёки белгиланган нархларда кунжара, шелуха, пахта ёғи билан таъминлаётган эмиш. Яна шу хужжатларда айтилишича, бу дўкон шу йилнинг 4 ойида 209 тонна кунжарани аҳолига ҳар килосини 11 сўмдан сотган эмиш. Хўш, бу миш-мишлар нечоғли ҳақиқатга якин?

А.Султонов (маҳалла фаоли, тасвирида): – Бу ерда бирор марта на шелуха, на кунжара сотилганини билмаймиз.

1-харидор (тасвирида): – Битта қўйим бор. Шунга ем йўқ. 55-60 бўлса ҳам оламиз. Мажбурмиз. Гўштни қандай кўпайтирамиз бунақада?

М.Обидов (тасвирида): – Кунжаранинг давлат нархи неча пуллигини биласизми?



2-харидор (тасвирда): – Йўқ, билмайман.

3-харидор (тасвирда): – Биз шу ердан 60-70 сўмдан оламиз. Шуни биламиз. Давлат томонидан қанчага берилади, мана, 71 га кирдим, ҳалигача билмайман.

М.Обидов (тасвир ортидан): – Бундай гапларни «Орион»-нинг барча 52 та дўкони ҳакида эшитиш мумкин. Лекин шунга қарамай, «Орион» воситачилигида, масалан, 2000 йилда 1932 тонна ёғ, 2941 тонна кунжара, 2276 тонна шелуха, жами 1,7 млрд. сўмлик маҳсулот гўё аҳолига белгиланган нархларда сотилган, деб расмийлаштирилган.

Кунжара сотиб олишнинг иккинчи йўли бевосита «Фарғонаёғмой» комбинатига ариза билан мурожаат қилиш. Яна биз танишган хужжатларда қайд этилишича, вилоятнинг 7 та шаҳар-туманларида яшовчи 671 нафар фуқарога 488 тонна кунжара, 415 тонна шелуха уларнинг аризаларига биноан сотилган эмиш. Нафс балоси шунчалик кучли эканки, энди жамоа хўжалиги фондини ҳам ямлаб ютиб юбораверганлар. Масалан, хужжатларда ёзилишича, Қува туманидаги «Бўйстон» ширкат хўжалиги аҳолисига «Фарғонаёғмой» комбинатининг «Орион» савдо уйи 60 тонна кунжарани 11 сўмдан сотиб кетган. Бу ҳакда ҳатто ведомостлар тузиб, аҳоли фамилияси ёзилиб, улар учун имзо ҳам чекканлар.

Хонадон эгаси (тасвирда): – «Орион» магазинидан ҳеч қанақа кунжара олганим йўқ. Менинг номимда 2 тонна кунжара бор экан. Мен унинг бир килосини ҳам олганим йўқ. Имзо менини эмас. Сохта қўйилган имзо.

2-хонадон эгаси (тасвирда): – «Орион» магазинидан кунжара бизнинг номимизга олинниб, кўл қўйилибди. Бу бизнинг қўллар эмас. Кунжарани бозордан оляпмиз. 65-70 сўмдан оляпмиз.

М.Обидов (тасвир ортидан): – Қарангки, товламачиларнинг садақаси учун бу ишга хўжалик раҳбари ҳам йўл очиб берган экан.

Қува туманидаги «Бўйстон» хўжалик раҳбари (тасвирда): – Хўжалигимиз ҳисоб ракамида пул йўқ эди. Шунинг учун «Фарғонаёғмой» комбинатидан вакил келиб, «Орион» орқали ёғ, кунжарани сотиб беришни илтимос қилишди. Биз хўжалик номидан хат қилиб бердик, 60 тоннага. Лекин фермамизга 5 тонна кунжарани бепул ташлаб, қолган кунжарани қаерда сотди, бизнинг хабаримиз йўқ.

М.Обидов (тасвир ортидан): – Булар ҳам ҳолва экан.

«Фарғонаёғмой» корхонаси ҳужжатлари орасида соҳта бириктириш вақақаси, соҳта фондлар бор эди. Республика «Ёғмойтамакисаноат» уюшмасининг қалбаки бириктириш варакалари билан бир йил давомида 737 тонна кунжара ва шелуха гумдан қилинган. Ва яна бозорларда сизу биз билган, ундан-да қиммат нархларда сотилаверган. Нархга чидаш бермаганлар эса...

Ф.Олимов (фуқаро, тасвирда): – 60-70-80 сўмга чиққанда бор молимни ҳам сотиб юбордим. 80 сўмга, пенсионер одам бўйсам, қаердан олиб едираман деб, сотиб юбордим.

М.Обидов (тасвир ортидан): – Хўш, бу ҳақда «Фарғонаёғмой» раҳбари нима дейди?

Р.Усмонов («Фарғонаёғмой» корхонаси раҳбари, тасвирда): – Бу ерда мансабимни суиистеъмол қилганим йўқ. Наряди келгунча ёзиб беряпман. Бундан ташқари, бу ерда «Насл чорва» фирмаси, Кувасой, Тошлоқ пахта заводининг фирмаси бор. Биргаликда ишлаймиз. Мана шуларга 5 тонна-10 тоннадан аванс деб ёзиб берганман. Бу фонд дегани эмас.

М.Обидов (тасвирда): – «Фарғонаёғмой» комбинатидан чиқаётган маҳсулотлар, масалан, шелуха ва кунжаранинг нархлари неча пул ва у «Орион» орқали қайси нархларда ахолига етказиб бериляпти?

Р.Усмонов (тасвирда): – Буларнинг нархлари: шелуха 4 сўм, кунжара 8 сўм туради.

М.Обидов (тасвирда): – Кўчада кунжара, шелухани жуда қиммат нархларда, заводдан чиқадиган нархга ёки «Орион» орқали сотиладиган нархга 5-6 баробар юқори нархда сотилаётганини кузатганмисиз? Шунга қандай фикр билдира оласиз?

Р.Усмонов (тасвирда): – Мен албатта кузатганман. Шу трассада юрганимда тўхтаб сўраб тураман. Энди буни фермерлар қиласди. Буларга имтиёз берилган, 70 фоиз олишга. Шундан фойдаланишган. Фермерлар «20-30 тонна ўзимни ҳақимни олиб чиқаман, ярми молимни бокишга етади. Қолганини, бугун бозор иқтисоди, хоҳласам 50 сўм, хоҳласам 70 сўмга сотаман», деб жавоб беришган.

М.Обидов (тасвир ортидан): – Муҳтарам Райим Агзамович жавобларига (тасвирда кўча савдоси, диаграммалар) шарх бермоқчи эмасмиз. Хулоса чиқариш ўзингизга ҳавола. Энди эса пахта ёғи савдосидан ҳам бир шингил эшитинг. Яна эътиборингизга далилларни ҳавола қиласиз.



1-фермер (тасвирда): – 1800 кило олишимиз керак эди. Февраль ойидан бери олганимиз йўқ. Пулини ўтказиб қўйганмиз.

2-фермер (тасвирда): – МЖКга 94 минг сўм пул ўтказганмиз. Бир ярим йилча пулимиз турди, ололмадик. Кейин дехқон фермерлар уюшмаси орқали оласизлар, деб қайтариб юборишиди. Кейин пулларни ўша ерга ўтказдик, лекин ҳозиргача олганимиз йўқ.

М.Обидов (тасвир ортидан): – Ҳасрати ичига тўлган фақат фермерлар эмасди.

2-фермер (тасвирда): – Вазирлар Маҳкамасининг 421-сонли қарорига асосан хўжалигимиз етиширилган пахта ҳосилидан олинган чигит маҳсулотларини Кўқон ёғ-мой комбинатига топшириб, тегирмон ҳақини тўлаб, ундан чиқсан маҳсулотни олишимиз керак эди.

М.Обидов (тасвир ортидан): – Аммо ололмадилар. Қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотлар доирасида Охунбоев туманидаги Мадалиев ва Алигавҳаров номли хўжаликлар «Пахтасаноатсотиш» уюшмаси, «Фаргонаёғмой» комбинати билан уч томонлама шартнома туздилар. Унга кўра, хўжалик 2000 йилда етиширилган ва тайёрлов идорасига топширилган пахтасидан чиқсан чигитнинг 70 фоизига ҳақ олмайди ёки уни ўз мулкига айлантиради. Сўнгра бу чигит ёғ-мой корхонасида кайта ишлангач, тегирмон ҳақи, акциз солиги ва бошқа тўловларни тўлаб, хўжалик маҳсулотни олиши керак эди. Ҳар икки хўжалик ҳам ўзига тегишли чигитни ёғ-мой комбинатига топшириди. Топшириди-ю...

Мадалиев номли хўжалик таъминотчиси (тасвирда): – Шундан буён, мана, 5 ой ўтди, лекин ҳеч қандай маҳсулот олганимиз йўқ. 14 ёки 15 май кунлари Райим Агзамовичга учрадим. Шунда у киши айтдиларки, шартномани бекор қиласиз.

М.Обидов (тасвир ортидан): – Бундай ҳол битта-иккита бўлсайди, иш бор жойда камчилик ҳам бўлади-да, дердингиз. Лекин фонди бўла туриб, пулини тўлаб қўйиб, маҳсулотини ололмаганларнинг сони ҳам, саноги ҳам йўқ эди-да.

Хўжалик таъминотчиси: – 2000 йил июнь ойида бир миллион саккиз юз минг пул туширидик, оқ ёғ учун. Ўша оқ ёғни 4 ой давомида, октябрь ойида олдик. Декабрь ойига ўтиб, яна тўрт ярим миллион пул ўтказдик емга, оқ ёғга деб. Маҳсулотларни йил якунигача олиб, заводда бир миллион икки юз минг пулимиз

қолди. Фондинг күйіб кетди, деб беришмади қолган маҳсулотни.

М.Обидов (тасвир ортидан): – Ёғ-мой комбинатидагилар негадир ҳаммага ҳам бундай муюмала қылмасдилар. Масалан, Тошлоқ тұманиндағы Эргашев номли хўжаликнинг 2001 йил 25 январь ҳолатига ёғ-мой комбинатида атиги 621 сүм пули бўлсада, қиймати белгиланган нархларда 1,9 млн. сүм бўлган 4933 килограмм ёғни «ҳотамтойлик» қилиб бериб юбораверганлар. Ишонч қоғозига ҳисобчи, гўё Эргашев номли хўжаликнинг ёғ-мой комбинати ҳисобида шунча маблағи бор, деб имзо чекиб берган. Ўзбекистон Молия Вазирлигининг комбинатдаги доимий вакили – молия инспектори-чи, дерсиз. Инспектор Алижон Машарипов жаноблари ёғ учун хемири тўламасдан, боз устига, бирор сўм акциз солиги тўланмаса-да, ўз муҳрини босиб, юкни дарвазадан чиқариб юбораверган. Наҳотки, улар шунчалар саховатли экан, деб ажабланманг. Кейин ишнинг миси чиқди.


Раҳимжон Холматов (харидор, тасвирида): – Таъминот бўйлимига кириб, ўша ердаги акага шу ишларни юргазиб юборсангиз, харидор топиб қўйдим, сиз ҳам фойдаланиб қолар экансиз, дедик. Кейин у ерда «муомилали» ишлари бор экан, 150 минг сўм олиб, айтилган одамга бердим. Ва ишлар юриб, ёғ чиқиб кетди.

М.Обидов (тасвир ортидан): – «Фарғонаёғмой» комбинати ходимлари ҳақи тўланмасдан маҳсулот чиқариб юборгани учун даллол Раҳимжон Холматовдан нимадир олганми-йўқми, буни тергов аниқлар. Аммо бир нарса аён. Қонунсиз олиб чиқилган 4933 килограмм ёғни гўё хўжалик аъзоларига тарқатилди деб сохта ведомост тузиб, сохта имзолар чекиб, ҳисобдан чиқарган Эргашев номли жамоа хўжалиги бош ҳисобчиси Ортиғали Холматов ва даллол Раҳимжонлар ёғни пуллаб, 500 минг сўмдан зиёд фойда кўрганлар. Биз ушбу қонунсиз харакат иштирокчиси Ўзбекистон Молия вазирлигининг инспектори билан шу ҳақда сухбатлашмоқчи эдик. Аммо у вазир ўринбосари Т.Жўраевнинг йўриқномасини рўкач қилди. Унга кўра, вазирликнинг ёғ-мой комбинатидаги инспекторлари журналистлар билан факат вазирлик рухсат берсагина сўзлашар эканлар. Амалдаги қонунчилик-чи, дерсиз. Начора...



Тасвирда диаграмма.

Хўжаликнинг 1999 йилда оломаган улуши (тоннада)



Шундай қилиб, қиссадан ҳисса шуки: 1999 йил ҳосилидан улуши бўлган хўжаликлар 9217 тонна кунжара, 9605 тонна шелуха, 2487 тонна ёғ, 2000 йил ҳосилидан бундан-да кўп миқдорда маҳсулотларини ололмаганлар.

Аксинча, улуши бўлмаган корхона ва фирмаларга 7940 тонна кунжара, 2820 тонна шелуха бериб юборилган.

Яна бир гап. 2000 йилда «Орион» савдо уйи орқали сотилган деб расмийлаштирилган биргина кунжаранинг белгиланган нархи аслида 32 миллион 351 минг сўм. Аммо аҳоли сотиб олаётган энг арzon нархларда у 176 миллион 460 минг сўмни ташкил этади.

Тасвирда диаграмма.

«Орион» савдо уйи орқали расмийлаштирилган кунжара (2001 йил, январь-апрель)



Нақд пул бўлиб банкда айланмаётган, даромад солигидан яширилаётган, халқдан ортиқча юлиб олинаётган ўртадаги фарқ – 142 миллион сўм кимларнинг чўнтағига тушяпти? Бу ва бу каби кўплаб саволларга хукуқни муҳофаза қилувчи идоралар жавоб топа олармиканлар?

Муаллиф: М.Обидов

Тасвирчи: Ш.Мирзакаримов

(2001 йил 13 июнда «Ўзбекистон» телеканали орқали эфирга берилган)

* * *

Ҳар галгидек, ҳамма гап кўрсатув тугагач бошланди. Абдусаид ака (телерадиокомпания раиси) кўлимга кўчирилган кассетани берар экан, ҳаяжон билан:

– Президентимиз кўрибдилар. Сизни Девонга чакиришяпти, менинг машинам олиб боради, – деди. – Аввал Темур акага киринг.

Президент Давлат маслаҳатчиси Темур Алимовнинг хонасида Исмоил Жўрабеков ҳам бор экан.

– Фарғонадаги муттаҳамлар ҳаммаси жазосини олади, – деди Исмоил ака елкамга кўлини қўйиб. – Баракалла! Республика прокурорига топшириқ бердилар Президент, барча вилоятлардаги ёғ-мой корхоналари текширилади.

Тонг отса, Хитойга давлат ташрифи билан кетадиган Президент, сафар ҳозирлиги тифиз бўлишига қарамай, «Ахборот»ни канда қилмай, унда берилган эълон туфайли «Ахборот+»ни ҳам кўрган эди.

– Сен бошқа вилоятлардаги корхоналар ҳақида ҳам кўрсатув тайёрлайсан, – деди Темур ака буйруқ оҳангидা.

– Бундай қилолмайман, – дедим шартта ва республика прокуратураси бошқарма бошлиғи билан бўлган гапларни айтдим. Раҳбарларимиздан бири Девонга йўл олаётганимда: «Мұхаммаджон, шуни билингки, бу гапларга мен аралашмаганман. Кейин, прокурор бу ердан сизга қасдлашиб кетди, ҳали унга кўрсатиб қўяман, деди. Ҳушёр бўласиз-да», – деганди. Мен ўша гапни ҳам назарда тутиб билдиргандим эътиrozимни.

Эртасигаёқ ҳар тарафдан хабарлар кела бошлади. Ёғ-мой корхоналари хўжаликлар улушкини ялиниб олиб бориб беришар,

шешуҳа ва кунжарани маҳаллаларга келтириб, аҳолига ўз нархида сотиш бошланганди.

«Фарғонаёғмой» корхонаси раҳбари ва бир неча масъулларга жиноий иш қўзғатилиб, тергов бошлаб юборилди. Республика прокуратураси бошқарма вазифасидан озод этилди.

Икки кун ўтмай, кўнглимни кўйларга кўтарадиган, мен асло кутмаган воқеа рўй берди. Республика марказий нашрида атоқли олим Озод Шарафиддиновнинг шу кўрсатув сабаб менга очик хати эълон қилинди. Мана у:

МАСЪУЛИЯТ

(Журналист Муҳаммаджон Обидовга очик хат)

Хурматли, Муҳаммаджон Обидов! Шу йил июнь ойининг 13-куни Ўзбекистон телевидениесининг «Аҳборот» дастуридаги чиқшишингизни гоят мамнуният билан кўрдим. Мен умуман сизнинг чиқшишингизни анчадан бери кузатаман. Назаримда, сиз Андижон ва умуман Фарғона вилояти ҳаётини анча чуқур биласиз.

Сизнинг чиқшишларингизда кўпинча теран фикр ва қизиқарли таҳлил бўлади. Шунинг учун ҳам ўтган йили Президентимиз Фармони билан бошқа журналистлар қатори сизнинг ҳам муносаб тақдирланишингиз мени қувонтирган эди.

Бироқ мен ҳозир шу мақтovларни сизга етказиб қўйши учун кўлга қалам олганим йўқ. Сирасини айтганда, ширин гапларни шахсан учрашган кезларимизда кулоққа айтиб қўйса ҳам бўлади. Сизга мурожаат қилишишмуга ундангар нарса шу бўлдики, наздимда, сизнинг мазкур чиқшишингиз бизнинг бугунги журналистикамиз ривожси учун гоят принципиал аҳамиятга эга бўлди. Бир қараганда, сиз гоҳ шешуҳа, гоҳ кунжара каби жуда оддий нарсалар ҳақида гапидингиз, лекин шу оддий нарсалар билан бөглиқ бўлган шунақа масалаларни кўтардингизки, улар бугунги иқтисадимиз ривожсининг туб масалалари деса ҳам бўлаверади. Яна шуни айтмоғим керакки, бизнинг журналистларимиз, айниқса, шуниси ачинарлики, ёши журналистларимиз ўз фаолиятларида бесамар бир йўлни танлашган. Улар бирор кичик фикрни оладилар-у, бу тўғрида бениҳоя баландпарвоз жумлалар билан гапидилар, ҳаддан ташқари умумий мулоҳаза юритадилар. Натижада, бундай эшииттиришларда гап кўп бўлади, аммо мақолда айтилганидек, «кўймир» оз бўлади. Бундан ташқари, бундай эшииттиришларда бирор ҳаётий муаммонинг ичига чуқурроқ кириб бориши кузатилмайди.

Үнинг ўрнига қуруқ мақтөв, ҳамма нарсаны ялтиратиб күрсатшига интилиш бўлади.

Бундай эшиктиришилар гёё жаннатдан даракларга ўхшайди. Баъзан иқтисодиёт ва сиёсат билан боғлиқ мухим масалалар кўтарилади-ю, лекин уларни аниқ ҳал қилишига келганда лом-мим дейилмайди. Масалан, инсон ҳуқуqlари ҳақида гапирилганда, «бизнинг Конституциямизда бу масалани ифодалайдиган моддалар бор, яна кўпгина қарорлар қабул қилинган», дейилади-да, лекин бу моддалар ҳаётда қандай амалга ошаётни, қабул қилинган қарорлар ишилаёттими-йўқми каби жиҳатлар тўғрисида оғиз очилмайди. Ёки тадбиркорлар, фермерлар ҳақида кўп гапирилади. Уларниң далаада, иши жойларида муваффақиятга эришаётганлари эълон қилинади. Лекин ҳар бир фермернинг эришган ютуқлари, ҳаётидаги ўзгаришилар очиқ таҳлил қилинмайди. Масалан, фалончи фалон сўм даромад қилди дейилади. Бироқ бу даромадни ҳар ойга ва жон бошига тақсим қилганда тирикчиликка етадими-етмайдими – бу ёзи номаътумлигича қолаверади. Хуллас, баландпарвозлик, мавжумлик. Мақтанчоқлик, юзакилик бугунги журналистикамизнинг ривожиси га тўсиқ бўлиб турган асосий говларга ўхшайди.

Мен, албатта, бугун фаол ишилаётган ҳамма журналистларимиз шунака, деган фикрдан ишроқман. Шубҳасиз, бугунги журналистларимиз орасида ўткир фикрли, маҳоратли, самарали изланаётганлари ҳам кўп. Лекин, шунга қарамай, бугун журналистикамиз том маънода тўртинчи ҳокимиятга айланди, деган гапни айти олмаймиз.

Хўши, журналистикамиз тўртинчи ҳокимиятдири, деганда нимани англашимиз керак? Менинг назаримда, журналистика мизнинг ҳокимият бўлишини таъминлайдиган энг биринчи омил, у ҳаётда адолат барқарор бўлиши учун курашимоги керак, одамлар тақдиррида юз берадиган адолатсизликларнинг ҳар қандай кўринишига қарши муросасиз курашимоги лозим. Керак бўлганда, фидокорлик билан иши юритиб, масаланинг туб моҳиятига этиб, ҳақнинг қарор топшишига эришимоги лозим. Табиийки, бунга тумтароқ ва хашаки гаплар билан эришиб бўлмайди. Бунга фақат аниқ таҳлил билан, ҳаётда ҳар қадамда кўндаланг бўлиб турган муаммолар тўғрисида теран фикр юритши орқали эришилади.

Сиз ўз чиқишингизда қунжара, шелуха ва ёз нархи ўз-ўзидан кўтарилиб кетаётганлигини қайд қилгансиз. Дарҳақиқат, заводда тайёрланган қунжаранинг бир килоси 10 сўм бўлса-ю, харидор қўлига етгунча 90 сўмга чиқиб кетса, буни қандай тушунмоқ



керак? Шу муносабат билан, умуман нарх-наво ҳақида гапирадиган бўлсак, бугунги бозорда ҳамма нарсанинг нархи беистисно тарзда ваҳшиёна «рақс» тушибоқда. Одатда, нарсаларнинг баҳоси унга сарфланган ҳом ашё ва меҳнат билан белгиланар эди. Ҳозирги нархлар нима асосида белгиланади, буни англаш қийин. Мана, масалан, тиббиёт соҳаси – дори-дармонларни олайлик. Одамлар, айниқса, ёши ўтганда нонсиз яшаса яшайдики, дори-дармонсиз яшай олмайди. Ҳозирги дори-дармонларимиз эса худди заҳарли қовоқ аридек, чақаман дейди. Масалан, бугун «Корфлам» деган дорини кўп реклама қилишади. Бундан атиги 2 йилгина аввал унинг ичидаги таблеткалар 20 дона бўларди ва у 50 сўмлар атрофида турарди. Бугун эса уни трактор заводи ҳудудидаги дорихонадан 750 сўмга харид қилдим.

Хўши, бу икки йил ичида ушибу дорини тайёрлаш технологиясида қанақа ўзгариш бўлдики, унинг нархи шунчалик ўзгарса... Ёки унинг таркибига олтин қўшиляптими? Худди шунга ўхшаб электр, квартира, транспорт кира ҳақлари ҳам ва яна бошқа юзлаб ашёларнинг баҳоси ўз-ўзидан осмон бўйи кўтарилиб кетяпти. Нимага шундай бўлаётганини бирорта мутасадди изоҳлаб ҳам бермайди, тушунтирмайди ҳам. Матбуотда янги технологиялар кириб келаётгани, қўйма корхоналар очилаётгани ҳақида кўп гапирилади. Ҳатто бунинг оқибатида айрим нарсаларнинг таннархи камайиб бораётганилиги таъкидланади. Лекин қани ўша «камайиши»? Бирон нарсанинг нархи кейинги ўтиларда ҳеч бўлмаганди юз сўмга арzonлашдими?! Бунақа далилни билмайман. Тўғри, бозор бўлгандан кейин нарх-наволар эркин бўлмоги керак. Лекин бу нарх-наволар муттасил кўтарилиб боради, деган маънони билдиримайдику. Аксинча, бозорда бир кун нарх тушса, бир кун кўтарилади. Унинг шундай қонунлари бор. Афсуски, бизда бу қонунлар етарли дараражада самара бермаётпир. Назаримда, аллақандай кучлар бор-у, бу кучлар сунъий равишда нарх-навони кўтарии билан банд. Фикрим далилсиз бўлмаслиги учун бир мисол келтираман. Тошкент бозорлари борган сари ободлашяпти. Лекин қайси бозорга кирмайлик, у ерда савдо қилаётган одамларнинг турмуши тарзи ўзгаргани ўйқ. На Чорсу, на Олой бозорида ўз меҳнати билан маҳсулотини етиширган дехқонни учратолмайсиз. Бозорга келган дехқоннинг маҳсулотини бозорга етмаёқ муайян одамлар харид қиласиди-ю, кейин ўзлари истаган нархда сотишади. Қизиқ, Лондон ёки Париж бозорларида ҳам шундаймикан? Ҳар ҳолда, бу масала жуда муҳим. Халқ фаровонлигини таъминлашнинг энг асосий йўлларидан бири.

Шундай экан, журналистларимиз ҳам бозорнинг муҳташамлигини гапириши билан бир қаторда, унинг ички муносабатини таҳтил қылсалар, яхши бўларди. Бизда бозор минг ийлардан бери мавжуд. Лекин минг ийлардан бери у фақат бойлик орттирадиган, пулга танды қўядиган, харидорларни лақиплатадиган жой бўлган эмас, балки савдо-сомиқ билан шуғулланадиган одамларнинг иймони, вижедони намоён бўладиган жой саналган.

Хурматли Мұхаммаджон, айтай десам, дилда гап кўп. Уларнинг барини табиийки, бир хатда тугатиб бўлмайди. Мен журналистикамизнинг чиндан ҳам тўртинчи ҳокимият бўлишини жуда-жуда истардим. Бунинг учун эса улар майдакашликни, манфаатпастликни ийгишитириб қўйиб, фақат ҳалқни ўйлашлари ва элнинг фаровонлигини, тўқлигини таъминлайдиган йўлларини ўйлашлари керак, бу йўлда гов бўлаётган ҳар хил юлгичу текинхўрларга қарши мардоналик билан курашмоқликлари лозим.

Сизнинг чиқишингиз менда шундай фикрларни уйғотди. Мени қувонтирган нарса нафақат сизнинг дадиллигингиз, балки умуман бугунги матбуотда бундай тамоийлнинг борган сари кенгайиб бораётганлигиdir.

Хурматли Президентимиз ҳам журналистларимиздан дадил бўлишини, ҳаёт муаммоларини қўтариб чиқишини, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ийлида кучини аямай меҳнат қилишини талаб қўймоқда. Жуда адолатли талаб. Ажасб эмаски, журналистларимизнинг саъй-ҳаракатлари билан ислоҳотларимиз бундан-да юришиб кетса. Қишлоқда ҳам, шаҳарда ҳам ҳалқимиз тўқроқ ва фаровонроқ яшай бошласа. Иниооллоҳ!

Камоли эҳтиром билан:
Озод ШАРАФИДДИНОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони.
(«Қишлоқ ҳаёти» газетаси, 2001 йил, 21 июнь)

Мен бўлган воқеалардан қувонишимни ҳам билмасдим. Чунки одатдагидек, муаммоли кўрсатувдан сўнг бу гал ўзимга қанча душман орттиредим, ёлғиз Оллоҳга маълум. Мийиғида кулиб, елкамга қокиб табриклаганларнинг барчасининг ҳам самимийлигига ишониш қийин эди...



ЖУРНАЛИСТ СУРИШТИРУВИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

*Назира ТОШПЎЛАТОВА,
ЎзДҶТУ ҳалқаро журналистика факультети доценти,
филология фанлари номзоди*

Журналист суриштирувининг жанр сифатида ўзига хослиги, бошқа жанрлардан ажralиб турувчи муҳим белгилари, хусусиятлари бор. У ҳақида гапиришдан олдин, журналист суриштирувининг пайдо бўлиши ва жанр сифатида шаклланиши тарихига назар ташлаш мақсадга мувофиқдир.

Журналист суриштирувининг пайдо бўлиши асосан XIX аср охири – XX аср бошларида АҚШда бошланган. Илк суриштирувлар сифатида Юхан Стринбергнинг «Қизил хона» (1879 йил), Эмиль Золянинг «Мен айблайман» номли суриштирув мақолалари тўплами (1898 йил), Теодор Вольфнинг «Шу ҳам сиёсатми?» (1899 йил) номли ва бошқа мақолаларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Журналист суриштируви шакл ва мазмуни, олиб бориш усулига қараб турли даврларда турлича номланган. Масалан, «инвестигейтор» (журналист-суриштирувчилар), «макрекерлар» (сенсацион ахборот асосида материал тайёрлайдиганлар, кўпинча, сариқ матбуот вакиллари), «папарация» (ахборот олиш мақсадида техник воситалардан яширинча фойдаланиш) ва ҳоказо. Мазкур тушунчалар «суриштирув» сўзига синоним сифатида кўлланилган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Америка журналистикасида дастлаб журналист, сўнгра ёзувчи сифатида фаолият олиб борган Сэмюэл Клеменс (1835-1910) «Территориал интерпрайзер» газетасига Марк Твен тахаллуси билан мақолалар ёзган. У ўз асрларида ҳақиқий ҳужжатлар, фактлар, маълумотлар, матбуот нашрлари маълумотлари ва гувоҳлар кўрсатмалидан унумли фойдаланган.

Ўша даврда журналистлар кўтарган мавзулар турлича эди. Масалан, АҚШ матбуотида «Кольерс» журнали тиббиётдаги фирибгарликка қарши фаол курашган. Журналнинг 1905 йил 7 октябрь сонида Сэмюэль Хопкинс Адамс «Америкадаги буюк

фирибгарлик» мақоласи билан дори-дармон саноати вакилларига кучли «зарба» беради. Журналист кўлидаги фактлар билан мат-буотда кенг реклама қилинаётган дори-дармонлар, аслида, беморларнинг соғайишига эмас, аксинча, таркибида алкоголь, опий, кокаин, морфий ва бошқа гиёхванд моддалар борлиги сабабли, соғлом одамларга ҳам зарап етказаётганлигини исботлаб берган. Натижада, мақола сарлавхаси афоризмга айланиб кетган. Ёки бошқа нашрлар, масалан, «Космополитэн» журнали 1906 йилда журналист Филлипснинг катта баҳсларга сабаб бўлган «Сенат хоинлиги» номли суриштирувини чоп этган бўлса, «Хэмптонс» журнали сахифаларидан ўрин олган Рета Чайлд Доррнинг аёллар тенг хукуқлилиги борасидаги суриштируви мамлакатдаги нафақат аёллар, балки эркакларни ҳам оёқка турғазади. Яна бир нашр – «Американ мегезин» АҚШ президенти Рузвелт билан турли мавзуларда қизғин баҳслар олиб борган. Рузвелт танқидий муносабат эгалари бўлган бу нашр журналистларини тарихда илк бора «маккрекерлар» (сўзма-сўз таржимаси «ахлат титувчилар») номи билан атаган. Бу суриштирувлар АҚШ, шунингдек, дунёнинг бошқа мамлакатлари журналистикаси ривожига ҳам улкан таъсир кўрсатди.

Кейинчалик бу жанрнинг самарадорлигини Германия, Австрия, Буюк Британия каби бир қанча мамлакатлар журналистикасида кузатилади. Хусусан, сўнгги ўн йилликларда Германия матбуотида Герман Гюнтер Вальраффнинг бир қатор долзарб муаммоларга бағишлиланган журналист суриштирувлари туркуми чоп этилди.

Собик Иттифоқ даврида «Известия», «Комсомольская правда», «Красная звезда» сингари бир қатор нашрларда мазмунан журналист суриштирувига яқин бўлган муаммоли мақола, репортаж, очерк, журналист тажрибалари оммалашади. Бу Алла Трубникова, Аркадий Ваксберг, Анатолий Рубиновларнинг тажриба ва амалиёт мактаби эди. Ўша даврларда суриштирув ишлари асосан ижтимоий турмуш, майший хизмат соҳаларидағи камчилик ва муаммоларга бағишлиланган.

Ўзбек матбуотида журналист суриштируви асосан ўтган асрнинг 80-90-йиллари бошларидан ривожланган, деган қараш устивор эди. Аммо 2013 йил Ўзбекистон Миллий университети ва ЮНЕСКО ҳамкорлигига чоп этилган ўкув кўлланмада ўзбек матбуотида илк журналист суриштируви белгилари XIX аср охирларида пайдо бўлгани қайд этилади. 1898 йил Андижондаги

Дукчи эшон кўзғолонини тарихчи Фозилбек Отабек ўғли «Дукчи эшон тарихи» номли китобида ҳужжатларга асосан баён этади. Шунингдек, 1914 йил «Садои Фарғона» газетасида қишлоқ хўжалигидаги таназзул сабаблари, 1917 йил «Улуғ Туркистон» газетасида ўлкадаги дехқонларга нисбатан рус инвесторлари фиригарлик сиёсатининг фош этилиши ўша давр газеталарида журналист суриштируви жанри мавжуд бўлганидан далолат беради.

Матбуотимиз тарихининг собиқ иттифоқ давридаги журналист суриштирувлари динамикаси ўрганилмаган. Замонавий матбуотда эса журналист суриштирувлари акс-садоси сезиларли даражага чиқкан давр собиқ шўролар тузумида тарихга «қайта куриш» номи билан кирган сиёсий жараёнлар пайтига тўғри келди. Бу даврда журналист Карим Баҳриевнинг ҳарбий хизматдаги «дедовшина» туфайли ўзбек аскарлари орасида ўлим ҳолатларининг кўпайиши ҳақидаги «Ой бориб, омон қайтмаган болам» («ЎЗАС», 1989), журналист Ҳалим Сайиднинг инсон ўзлиги ва авлодлар маънавиятининг издан чиқишини ошкор қилувчи «Таназзул» («Оила ва жамият», 1991) сингари суриштирувлари ўша давр ўзбек журналистикасида муҳим воқелик сифатида эътироф этилади.

Ўтган асрнинг охири ва янги асрнинг бошларида суриштирув олиб борувчи журналистлар гурухи шаклланди. Абдунаби Ҳайдаров, Беккул Эгамкулов, Ҳабибулла Олимжонов, Мухаммаджон Обидов, Турсунали Акбаров, Зиёда Ашурова, Ҳусан Нишонов, Беҳзод Шукуров, Беҳзод Бозоров, Анвар Суюнов ва бошқалар жамиятда мавжуд бўлган қонунбузарликлар, қаллобликлар, фиригарликларни фош қилиш орқали ўзбек журналистикасида суриштирув жанрининг ривожланиши ва шаклланишига ҳисса қўшдилар.

Журналист суриштируви жанри моҳияти, объекти ва предмети.

Журналист суриштируви жанрига оид ўкув адабиётларининг деярли барчасида муаллифлар жанрнинг энг тўғри таърифини «Ньюсдэй» газетасининг бош муҳаррири ўринбосари Роберт Грин берган, дея эътироф этишади. Унга кўра, «журналист суриштируви, бу – алоҳида шахслар ёки ташкилотлар сир сақлашни истаётган мавзуни шахсий ташаббус билан тадқиқ этишга асосланган журналистик материалdir».

Р.Грин журналист суриштирувига хос белгиларни учга ажратади:

1. Журналист күтараётган мавзуни аввал ҳеч ким ўрганмаган бўлиши керак.

2. Тадқиқ қилинаётган мавзу ўкувчи ва телетомошабинлар учун муҳим аҳамиятга эга бўлиши керак.

3. Суриштирувда қаламга олинган фактларни айримлар оммадан яширишга уринган бўлишлари лозим.

Журналист суриштирувининг мақсади жамиятдан сир тутилган қонунбузарлик,adolatsizlik каби салбий иллатларни фош этишдир.

Сўнгги ўн йилликлар мобайнида журналист-суриштирувчилар эътиборини энг кўп тортадиган муаммолар кўлами жуда кенгайди. Бу иқтисодий жиноятлар, коррупция, фирибгарлик, мулкни ноқонуний ўзлаштириб олиш, жиноий воқеалар, қотилликлар, экологик конунбузарликлар, ўтмишнинг очилмай қолган саҳифа (сир)лари ва ҳоказо. Суриштирув жараёнида журналистлар ахборот излашнинг турли хил – ҳам анъанавий, ҳам ноанъанавий усулларидан (ташки кузатув, яширин камера, касбини алмаштириш ва б.) унумли фойдаланадилар.

Суриштирув жанрининг бошқалардан асосий фарқли томони шундаки, унда журналист муаммони ўргага ташлаш ва уни мустақил ўрганиш билан кифояланмайди. Одатда, инвес-тигейторлар пайдо бўлган саволларга ишончли манбалардан жавоб излайди, олиб борилган иш юзасидан фикр ва хulosаларни жамоатчиликка тақдим этади. Баъзида суриштирув материалида бу очик-ошкор ёритилмаслиги мумкин, лекин журналист тўплаган факт, далил ва изоҳлар аудиторияни тўғри хulosса чиқаришга ундейди.

Журналист суриштируви ўта мураккаб, баъзида бунга тайёр бўлмаган одам учун ҳатто хавфли фаолиятдир. Негаки, кенг доирадаги ахборотни мураккаб шароитда излаш, ийфиш, уни қайта ишлаш ва текшириш талаблари амалга ошгандагина мақсадга эришиш мумкин.

Журналист суриштирувининг жанр сифатидаги муҳим тамойиллари.

Холислик, ҳаққонийлик ва фикр аниқлиги фаолият жараёнида журналист-суриштирувчи позициясини белгилаб берувчи асосий тамойиллар ҳисобланади. Суриштирув материали бирон масала ёки муаммони мавжуд барча қарашлар нуқтаи назаридан ўрганиб чиқилгандагина юқоридаги талабларга жавоб беради. Шу боис, журналист суриштирувининг ўзига хос хусусияти сифатида намоён бўладиган мазкур тамойилларга амал қилган



Фарб матбуоти бу борада анча илгарилаб кетди.

Кенг қамровли ва ҳар томонлама суриштирув ўтказиш учун эса мавзуни турли хил манбалар асосида ўрганиш зарур. Суриштирув материалида, албатта, фактлар, манбалар, карашлар, қарши фикрлар, ҳатто исбот ва далилларнинг берилиши жуда муҳим. Эътиборли томони шундаки, буларнинг барчаси ўзаро мувозанатда бўлиши, бирортаси бошқасидан ошиб кетмаслиги керак. Мавзуни очиб бериш ва ёритишда журналист ҳистийгуларига эмас, балки аниқ факт ва далилларга, реал ҳолатга мантицийй ёндашувга таяниб иш тутиши талаб этилади.

Қачон журналист суриштируви ўтказилади? Журналист суриштирувининг обьекти одатда пайқамаслик мумкин бўлмаган салбий ҳодисалар (булар, биринчи навбатда, турли хил жиноятлар, воқеалар, ноконунийликлар, адолатсизликлар)дир. Муайян бир харакатлар, локайдликлар, тазииклар, манфаатлар тўқнашуви натижасида бундай салбий ҳодисаларнинг олди олинмаган бўлса, одатда, уларнинг ўзагини ёки келтириб чиқарган сабабларини яширишга ҳаракат қилинади. Журналист суриштирувининг вазифаси эса ўша яширилган, сир тутилган ҳолатларни очиб бериш орқали ҳақиқат қарор топишига хизмат қилишdir.

Журналист суриштирувни бошлашдан олдин унинг предметини аниклаштириб олиши лозим. Журналист суриштирувининг ўрганилиш предмети хусусида энг тўлақонли маълумотни рус олими А.А. Тертычний беради. Унга кўра, мазкур суриштирув предметини қўйидагилар ташкил қилади:

1. Очилмаган ишлар, тушунарсиз воқеалар, овозаси кетган жиноятлар, айбланувчи ёки жиноятчи топилмаган ҳодисалар.

2. Очилган конунбузарлик ҳолатлари журналистда шубха уйғотиши. Нима учун, қандай қилиб, ким, деган саволларга жавоблар мавжуд, ушбу воқеа ҳақида жамоатчилик фикри шаклланган бўлса-да, журналист улардан шубҳаланган такдирда ҳам ўз суриштирувни бошлаши мумкин.

3. Хали жавобгарликка тортилмаган ва яширилган ишлар. Бунда журналист нафақат жиноятни очиш ва айбдорларни «сув юзига чиқариши», балки воқелик моҳиятини ҳам тушунтира олиши зарур. Суриштирувнинг ушбу турини олиб бориш энг мураккаб ва қийин саналади. Чунки журналист фаолияти ҳар қандай нишонлардан холи бўлмайди.

Журналист суриштируви мураккаб жанр ҳисобланади ва журналистдан жуда катта маҳорат ва тажриба, билим ва жасорат

талаң этади. Бунинг учун эса журналист суриштируви олиб борувчи журналист ўз олдида қандай түсікілар борлигини аниқ тасаввур қилиши керак:

1. Ахборотни құлға киритиш билан бөглиқ түсікілар. Қонунбазарликтар ҳақида, очиқ ёки яширин тарзда бўлсада, бирорни гапиритириш осон эмас. Ёзма хужжатларни қўлга киритишнинг эса деярли имкони йўқ.

2. Энг янги усусларни ўрганишнинг сустлиги. Масалан, компютер технологияларидан фойдаланишни билмайдиган, яширилаётган ахборотни олиш учун ахборот олиш эркинлиги тўғрисидаги қонун ва бошқа турли хужжат ҳамда маълумотларни йиғиб, солиштира олмайдиган журналист иш фаолияти давомида кўп қийинчиликларга дуч келади.

3. Предмет мөхиятини тушунмаслик. Журналист учун тадқиқот мазмунини тўла англаб етмаслик воқелик ёки мавзу журналист суриштирувига тортишга арзийдими-йўқми деган саволга жавоб берса олмайди.

4. Босимдан холи эмаслик. Суриштирув олиб борувчи журналист ҳамиша босим остида бўлади. Одатда, бундай вазиятларда журналистдан суриштирувни тўхтатиши ёки «ёпди-ёпди» қилишни талаң қилиб, таҳририят ва муҳарририятларга мурожаат қилишади.

5. Вактнинг кутиб турмаслиги. Вакт ҳар қандай журналистик материалнинг душмани саналади. Айниқса, суриштирув олиб бораётган журналист учун. Негаки, бу жанр бошқа жанрларга нисбатан ниҳоятда кўп вакт талаң қиласи.

6. Юридик билимларнинг этишмаслиги. Суриштирув олиб борувчи журналистлар ҳамиша ҳакорат, тұхмат, шахсий ҳаётта аралашууда айбланишади. Шуни ёдда тутиш керакки, судда журналистнинг ютқазиши, газета орқали берилган маълумотлар учун раддия ёки уларни инкор этилиши журналистларнинг матбуот эркинлигига аста-секин ғовлар қўя бошлайди, халқнинг уларга ишончи сусая боради.

Суриштирув олиб бормоқчи бўлган журналистнинг олдида ана шу каби түсікілар борлигини билиши шунга кўра тайёргарлик кўришига ва журналист суриштируви олиб боришга бўлган иштиёқининг бирдан сўнмаслигига сабаб бўлади.

Журналист суриштируви қандай ўтказилади?

Журналист суриштируви ўтказиш бошқа жанрлардан тубдан фарқ қиласи. Суриштирув олиб бориш учун зарур маълумот ва

фактларни йиғиш, ахборот манбалари билан ишлаш, тўплангандан маълумотларни таҳлил қилиш каби босқичларни ўташда бир қатор усуллардан фойдаланилади. Суд репортёrlари Гильдияси аъзоси Юлия Шум ушбу усуллардан энг асосийларини журналистлар қўллаши учун таклиф этади:

Дастлабки суриншириув. Кўпроқ қизиқарли китоб, газета ва журналларни ўқиши, хужжатли фильмларни томоша қилиш. Библиография, бошқа кутубхона манбалари, маҳаллий, халқаро компютер манбаларидан фойдаланиш.

Кузатув. Танлаб олинган объектнинг хизмат жойи, хизматдан ташқари фаолиятини қисқа ва узок муддат, бевосита ёки билвосита кузатиш мумкин. Бунинг натижасида олинган маълумотлар ҳам суриншириув учун кўшимча манба бўлиши мумкин.

Интервью. Айрим суриншириувлар хужжатларни ўрганишдан воқеага дахлдор одамларни жалб қилиш билан давом этса, баъзан бунинг акси ҳам бўлиши мумкин. Нима бўлишидан қатъи назар, интервью тўғри режалаштирилиши лозим. Журналист қандай саволлар бериши, қандай психологик усолдан фойдаланиши кераклигини билиши керак. Иложи борича интервьюер билан учрашиш лозим, чунки телефон орқали суҳбатлашгандা, жавоб берувчининг юзи, имо-ишораларини кўриб бўлмайди.

Бугунги кунга келиб, жаҳон журналистикасида суриншириувнинг ўзига хос ривожланиш тенденциялари ҳам шаклланди. Охириги йиллар журналистиканинг илфор жанрига айланган тарихий сирлар мавзусидаги журналист суриншириуви жанрида хорижий матбуотда жуда салмоқи материаллар эълон қилингани.

Суриншириув олиб бораётган журналист ўз хавфсизлиги ҳакида ҳам қайгуриши, бунда уни таҳририяти ёки кўрсатув муҳарририяти ҳам қўллаб-кувватлаши зарур. Чунки ҳар қандай қонун бузилишининг орқасида қонунбузарлар туради, улар қилмишлари фош бўлганда эса жазо муқаррарлигини яхши билишиади.

Етакчи журналистлар тамал тоши кўйган суриншириув жанри анъаналари, замонавий журналист суриншириуви тамойиллари ва услубларини ёш журналист авлод томонидан ўрганиш ва ўзлаштириш жамият учун муҳим, айни пайтда мураккаб ҳисобланган суриншириув жанрининг ривожига туртки берувчи асосий омиллардандир.

МУНДАРИЖА

Журналист суриштирувининг меъёрий чегаралари қаерда?	3
Бой буванинг хотамтойлиги кимнинг ҳисобидан?	8
Муаммонинг илдизи қаерда?	15
Лўли аравасидан чиққан можаро	29
Импорт қилинган сариёғ кимга керак эди?	51
Бефарқлик	62
Журналист суриштирувининг шаклланиши ва замонавий тенденциялари	88

Муҳаммаджон ОБИДОВ

ЖУРНАЛИСТ СУРИШТИРУВИ: ТАЖРИБА ВА ТАҲЛИЛ

Муҳаррир:

Ҳаётжон Бойбобоев

Tex. муҳаррир:

Назиржон Ҳошимов

Дизайнер:

Муҳаммаджон Ҳошимов

Нашриёт лицензияси: А.И.№ 162. 2009 йил 14 август.

Теришга берилди: 06.02.2018 й.

Босишига рухсат этилди: 24.03.2018 й.

Бичими: 84x108 _{1/32}. Нашриёт босма табоғи: 3,0.

Шартли босма табоғи: 3,25 Times гарнитураси.

Офсет усулида босилди. Адади: 1000 дона.

Буюртма №:

«ФАРФОНА» нашриёти.

150114. Фарфона шахри, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй.

«PRINT LINE GROUP» ХК босмахонаси.

100097. Тошкент шахри, Бунёдкор шоҳкўчали, 44-уй.